«СОЛИҚЛАР ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИЦ

4 · 2003



«СОЛИҚЛАР ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ»
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи
Тошкент — 2003

65.052.21
Г 13

Гадоев Э., Ҳасанов Н., Югай Л.

Тақризчилар: Ким Л., Ванюшина А.

Масъул муҳаррир *Ф. Ғуломова*

Г 13 **Гадоев Э. ва бошқалар.**
Асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш ва солиққа тортиш / Муал.: Э.Гадоев, Н.Ҳасанов, Л.Югай. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003 й. — 208-бет («Солиқлар ва божхона хабарлари» газетаси кутубхонаси туркумидан, 4-чиқарилиш).

Китобда асосий воситалар ва номоддий активларни баҳолаш, улар ҳаракатининг ҳисоби ва солиқ тортиш операциялари бўйича асосий қоидалар келтирилади. Унга ушбу активларни баҳолаш, уларни ҳужжатларда акс эттириш, кирим қилиш ва чиқиб кетишини яққол тушунтирадиган аниқ мисоллар киритилган. Китобда 2003 йил 1 июнь ҳолатига меъёрий ҳужжатларнинг энг сўнгги ўзгаришлари ва уларга қўшимчалардан фойдаланилган.

Бухгалтерлар, корхоналар раҳбарлари, ҳуқуқшунослар, аудиторлар, солиқ идоралари ходимлари, шунингдек иқтисодий мутахассисликлар талабалари учун мўлжалланган.

ББК 65.052.21+65.261.4

© «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003 й.

1-бўлим. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Асосий воситаларни ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 23 сентябрда 491-сон билан рўйхатга олинган «Асосий воситалар» 5-сон БҲМС қоидаларига асосан амалга оширилади.

5-сон БҲМС 7-бандига мувофиқ узоқ давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан кўпроқ вақт давомида) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиладиган, шунингдек ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлар асосий воситалар ҳисобланади.

Қайта сотиш учун мўлжалланган бойликлар моддий ишлаб чиқариш захираларига, яъни айланма воситаларга киради.

5-сон БҲМС асосий воситаларга киритишга тавсия қиладиган асосий мезонлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқаришда (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишда), бошқаришда узоқ вақт давомида, яъни давомийлиги бир йилдан кўп фойдали хизмат муддатида фойдаланиш.

Фойдали хизмат муддатини корхона томонидан активдан фойдаланиладиган вақт даври ёки корхона ушбу активдан фойдаланишдан олиши кутилаётган маҳсулот (иш ва хизмат) ҳажми деб қараш мумкин.

Масалан, автомобилнинг фойдали хизмат муддатини ушбу автомобилнинг тахмин қилинаётган босиб ўтиш масофасидан келиб чиққан ҳолда; технологик ускунанинг фойдали хизмат муддатини ушбу ускунадан фойдаланиш натижасида олинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг режалаштирилаётган ҳажми бўйича белгилаш мумкин.

2. Корхона ушбу активларни кейинроқ қайта сотишни режалаштирмайди.

Асосий воситалар объектларини харид қилиш улардан корхона молиявий-хўжалик фаолиятида фойдаланишни назарда тутади. Шу билан боғлиқ ҳолда корхона — тайёрловчи омборхоналарида мавжуд машиналар, ускуналар ва

бошқа шунга ўхшаш буюмлар 2800 (40)-«Тайёр маҳсулот» гуруҳи ҳисобварақларида акс эттирилиши керак. Агар корхона ушбу активларни қайта сотиш учун харид қиладиган бўлса, улар 2900 (41)-«Товарлар» гуруҳи ҳисобварақларида кўрсатилиши керак.

3. Корхонага келажакда иқтисодий фойда (даромад) келтиришга қодирлиги.

Асосий воситалар объекти даромад олиш мақсадида харид қилинганлигини амалиётда ҳар доим ҳам осонликча исботлаб бўлмайди. Масалан, умумий фойдаланиш учун олинган сув тозалагич. Асосий воситаларнинг бундай объекти қўшимча даромад олишга қандай кўмаклашади?

Буни тўғридан-тўғри ҳисоб-китоб қилиш орқали исботлаб бериш қийин, лекин иккинчи томондан шу нарса маълум бўладики, икки ҳафта давомида тозаланган сувни истеъмол қилиш инсон организмида алмашиш жараёнларини меъёрга солади, унинг жисмоний ҳолатини яхшилайди ва ўз-ўзидан унинг меҳнат унумдорлиги ошишига ёрдам беради. Аслини олганда, корхона фаолиятида фойдаланиладиган асосий воситаларнинг ҳар қандай объекти даромад олишга имкон яратади.

Асосий воситалар таркиби ва гуруҳини белгилашда асосий фондлар таснифномасига амал қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, лифт бинода уни алмаштирган ҳолда асосий воситаларнинг алоҳида инвентарь объекти ҳисобланиши масаласини ҳал қилишда шундан келиб чиқиш керакки, таснифнома «Бинолар» таркибига ҳар бир алоҳида турувчи бинони киритади. Бино таркибига бинодан фойдаланиш учун зарур бўлган унинг ичкарисидаги барча коммуникациялар киради: иситиш учун буғ қозонни ҳам ҳисобга олган ҳолда (агар у бинонинг ўзида бўлса) бино ичкарисини иситиш системаси, барча механизмлари билан сув, газ таъминоти ва канализациянинг ички тармоғи, барча ёритиш арматуралари билан куч ток узатувчи ва ёритувчи электр симларининг ички тармоғи, ички телефон ва сигнализация тармоқлари ва умумсанитария аҳамиятига эга бўлган вентиляция курилмалари, юккўтаргичлар (лифтлар).

Лекин шу билан бир қаторда, бино лифтлар билан кейинроқ жиҳозланган бўлиши, лифтлар бинога нисба-

тан фойдаланишнинг бошқа муддатига эга бўлиши мумкин. Шу билан боғлиқ ҳолда фойдали хизматнинг бошқа муддатига эга бўлган асосий восита объектининг алоҳида қисмларини мустақил инвентарь объекти сифатида тан олиш учун қуйидаги шартларни ҳисобга олган ҳолда аниқ ҳолатлардан келиб чиқиш керак:

— асосий воситаларнинг алоҳида қисмлари ушбу объектдан фарқ қиладиган фойдали хизмат муддатига эга бўлиши керак;

— асосий воситалар объектининг алоҳида қисмлари томонидан мустақил вазифалар бажарилиши керак;

— асосий воситалар объектининг қисмлари алоҳида инвентарь объектлари сифатида идентификацияланган бўлиши керак.

Яъни, кўриб чиқилаётган ҳолатда корхона:

— бино ва лифтларни мустақил инвентарь объектлари сифатида ҳисобга олиши;

— инвентарь объекти сифатида фақат бинони (ундаги мавжуд лифтларни қўшган ҳолда) ҳисобга олиши мумкин.

Асосий воситалар объекти ёки алоҳида қисмларини бир объект ёки мустақил инвентарь объектлари сифатида тан олиш ушбу объектларни бухгалтерия ҳисобига киритиш босқичида амалга оширилиши керак.

Асосий воситаларни ***ҳисобга олиш бирлиги*** бўлиб ***инвентарь объекти*** ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг инвентарь объектлари бўлиб:

• барча мосламалари ва жиҳозлари билан объект;

• муайян мустақил вазифаларни бажариш учун мўлжалланган алоҳида қурилмага эга бўлган восита;

• маълум ишни бажариш учун мўлжалланган, яхлит бирликни ташкил қилувчи воситалар мажмуаси ҳисобланади.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ТАСНИФИ

21-сон БҲМСга асосан асосий воситалар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

Ер — корхонага амалдаги қонунчиликка мувофиқ мулк сифатида берилган ер участкалари. Ер сотиб олиш чоғида кўп ҳолларда, унинг қийматидан ташқари ҳолда

ган: кўчмас мулкка оид агентларга тўланадиган комиссион тақдирлашлар, адвокатлар хизматига тўланадиган ҳақ, сотиб олиш чоғидаги солиқлар, зовур қазиш, уни тозалаш ва ерни текислаш баҳоси каби қўшимча харажатлар юзага келади.

Ерни ободонлаштириш — ўтиш йўллари, автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари тўхташ жойлари, тўсиқлар ва ободонлаштиришнинг бошқа турлари қиймати билан биргаликда ер майдонини ободонлаштиришга тааллуқли харажатлар.

Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш — узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича ижарага олинган мулкни ободонлаштириш билан боғлиқ капитал харажатлар.

Ер участкалари, ўрмон ва сув мулклари, кўп йиллик ўсимликларга инвентарь кўринишдаги капитал қўйилмалар асосий воситалар таркибига ҳар йили, ўз жами ишлари мажмуаси ниҳоясига етказилган ёки етказилмаганлигидан қатъи назар, фойдаланиш учун қабул қилинган майдонларга оид харажатлар суммасида киритилади.

Бинолар, иншоотлар ва узатгич мосламаларига қуйидагилар киради:

— ишлаб чиқариш, маъмурий, ижтимоий-маиший мақсадли ***бинолар***. Бинолар асосий конструктив қисмлар сифатида деворлар ва томга эга. Ушбу бўлинманинг тасниф объекти бўлиб ҳар бир алоҳида турувчи бино ҳисобланади. Агар бинолар бир-бирига туташиб кетган ва умумий деворга эга бўлса, лекин ҳар бири мустақил конструктив яхлитликни ташкил қилса, улар алоҳида объектлар ҳисобланади.

Мустақил хўжалик юритиш аҳамиятига эга бўлган бинонинг ташқи қўшимча қурилмалари, қозонхоналарнинг алоҳида турган бинолари, шунингдек, ҳовлидаги иморатлар (омборхоналар, гаражлар, тўсиқлар, омборлар, деворлар, кудуқлар ва бошқалар) мустақил объектлар ҳисобланади.

Бинога қўшиб қурилган хоналар ва дўконлар, ошхоналар, сартарошхоналар, ателъелар, хўжалик буюмлари ва маданий-маиший мақсадга эга бўлган ижара буюмлари пунктлари, болалар боғчалари, яслилар, алоқа бўлимла-

ри, банклар ва бинонинг асосий вазифасидан фарқли бошқа вазифага эга бўлган бошқа ташкилотлар учун мослашган бошқа хоналар мустақил инвентарь объектлари ҳисобланади.

Бинолар таркибига улардан фойдаланиш учун зарур бўлган бинонинг ичидаги қуйидаги коммуникациялар киради:

— иситиш учун қозонхона ускунасини ҳам ҳисобга олган ҳолда (агар у бинонинг ўзида бўлса) иситиш тизими;

— барча механизмлари билан сув, газ таъминоти ва канализациянинг ички тармоқлари; барча ёритиш арматуралари билан электр қуввати узатувчи ва ёритувчи электр симларининг ички тармоғи;

— ички телефон ва сигнализация тармоқлари;

— умумсанитария аҳамиятига эга бўлган вентиляция қурилмалари;

— юккўтаргичлар ва лифтлар.

Иморат ҳисобланмайдиган турли объектлар — буғ қозонлари, генераторлар, дастгоҳлар, машиналар, аппаратлар ва бино ичкарисига жойлашган бошқа объектларнинг пойдеворлари бино таркибига кирмайди, катта ҳажмли ускуналар пойдеворлари бундан мустасно. Ушбу объектларнинг пойдеворлари улардан фойдаланиладиган объектлар таркибига киради; бино қурилиши билан бир вақтда ўрнатилган катта ўлчамдаги ускуналар пойдеворлари бино таркибига киради. Улар бошқа қатор муҳандислик — қурилиш иншоотлари сингари биноларнинг ажралмас таркибий қисмлари ҳисобланади;

— ***иншоотлар***. Уларга вазифаси меҳнат предметини ўзгартириш билан боғлиқ бўлмаган у ёки бу техник вазифаларни бажариш йўли билан ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган шароитларни яратадиган ёки турли ноишлаб чиқариш вазифаларини амалга оширадиган муҳандислик-қурилиш объектлари киради.

Ҳар бир алоҳида объект у билан яғона яхлитликни ташкил қиладиган барча қурилмалари билан бирга иншоот сифатида чиқадиган объект ҳисобланади. Масалан:

— нефть қудуғи ўз ичига минора ва атрофига қурилган трубаларни олади;

— тўғон ўз ичига тўғоннинг бутун майдонини, фильтрлар ва дренажларни, шпунтлар ва цементланган қопламаларни, металл конструкциялари билан сув дарвозаси ва оқаваларини, қия ерларни мустаҳкамлашни, тўғоннинг майдони бўйлаб автомобиль йўлларини, кўприкчаларни, майдончаларни, тўсиқларни ва бошқаларни олади;

— эстакада ўз ичига пойдеворни, тирговичларни, панжара қурилмаларини, тўшамаларни, тўсиқларни олади;

— кўприк ўз ичига панжара қурилмаларини, тирговичларни, кўприк кўтармаси (кўприк ҳимоя тўсинлари, назорат ва кўприк тўшамалари)ни олади;

— автомобиль йўллари ўрнатилган чегарада ўз ичига мустаҳкамлагичлар билан йўлларни, устки қопламалар ва йўл жиҳозлари (йўл белгилари ва шу кабилар)ни, йўлга қарашли бўлган бошқа иншоотларни — тўсиқларни, пастликларни, оқаваларни, йўл четидаги ариқларни, узунлиги 10 метрдан кўп бўлмаган кўприкларни, зовурларни олади;

— бош темир йўлнинг ҳар бир йўналиши йўл оралиғи чегарасидаги бош элементлари ўз ичига ер кўтармасини, ер кўтармасининг зовур, оқава ариқлари ва мустаҳкамловчи иншоотларини, йўлнинг тепа қурилмасини (рельслар, хилват кесиб ўтиш жойлари, стрелкали ўтказишларни ва бошқаларни), қўл шлагбаумлари орқали ишлатиладиган бош йўллар орқали ўтиш жойлари, доимий қор деворларини олади.

Темир йўллар станциялари, разъездлар ва қувиб ўтиш пунктлари таркибига ҳар бир станция, разъезд ва қувиб ўтиш пунктининг барча станция ва темир йўл махсус йўлларининг юқорида санаб ўтилган барча элементлари киради.

Умумий фойдаланиш автомобиль йўллари таркибига ушбу йўл ўтган ҳудуднинг маъмурий мансублигидан қатъи назар битта йўл ташкилоти юритадиган (балансида ҳисобланадиган) йўл қисми киради.

Шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ташқи ободонлаштириш иншоотларига шунингдек қуйидагилар киради:

— шаҳар йўллари, йўлкалар, йўловчи ва велосипед йўлкалари, оқава ариқлар, йўлтўсиш иншоотлари;

— кўприклар, осма йўллар, тешик кўприклар (виадуклар), қувурлар, транспорт ва йўловчи туннеллари;

— шаҳарни муҳандислик ҳимоя қилиш объектлари: қирғоқ иншоотлари ва истеҳкомлари, дарё соҳиллари, ҳимоя дамбалари, ўпирилиш ва кўчкиларга қарши қурилмалар, дренаж қурилмалари ва штольнялар, ёпиқ тарновлар ва сув ўтказувчилар, насос станциялари;

— шаҳар яшил ўсимликлари: умумий фойдаланиш боғлари, хиёбонлари, кўча ва йўллардаги яшил дарахтлар ва улардаги кичик меъморчилик шакллари элементлари;

— кўча ёритиш чироқлари;

— шаҳарни санитария-тозалаш иншоотлари: маиший ва бошқа чиқиндиларни кўмиш учун полигонлар (ахлатхоналар), маиший чиқиндиларни саноатда қайта ишлаш заводлари, ахлат ортиш станциялари, ассенизация ва компостлаш майдонлари, оқизиладиган станциялар, уй ҳайвонлари мозори, жамоат ҳожатхоналари;

— пляжлар ва кечув жойлари;

— сув билан таъминлашнинг оддий элементлари: шахта ва металл қудуқлар, очиқ сув ҳавзалари, сув сепиш машиналарини тўлдириш учун фойдаланиладиган очиқ ҳовузлар, ёнғинга қарши ҳовузлар;

— қабристонлар;

— ***узатиш мосламалари*** — энергия ва ахборотларни етказиш учун тугалланган функционал ускуналар. Бунга электр узатиш линиялари, иссиқлик ўтказгичлар, турли вазифали қувур ўтказгичлар, радиореле линиялари, алоқа кабель линиялари, алоқа тизимининг ихтисослашган иншоотлари, шунингдек барча йўлдош комплекслари билан муҳандислик иншоотларининг қатор шунга ўхшаш объектлари.

Машина ва ускуналар — энергия, материаллар ва ахборотни ўзгартирадиган ускуналар. Асосий (устувор) вазифаларига боғлиқ ҳолда машиналар ва ускуналар энергетик (куч), ишчи ва ахборий турларга бўлинади:

— ***энергетик ускуналарга*** (куч машиналари ва ускуналарига) иссиқлик ва электр қувватларини ишлаб чиқарадиган машина-генераторлар ва ҳар қандай кўринишдаги қувватни (сув, шамол, иссиқлик, электр қувватни) механик қувватга айлантириб берадиган машина-двигателлар киради.

Энергетик ускунанинг таснифий объекти бўлиб таркибига кирадиган мосламалар, жиҳозлар, асбоблар, индиви-

дуал тўсиқ, пойдеворни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир алоҳида машина (агар у бошқа объектнинг таркибий қисмига киритилган бўлмаса) ҳисобланади. Масалан, буғ қозонхонаси ўз ичига ўчоқни, улама синч ва беркитмани, пойдеворни, нарвон ва майдончани, гарнитура ва арматурани, экономайзерни (агар у фақат ушбу қозонга хизмат қилса), магистралнинг вентилгача бўлган буғ ўтказиш ускунасини, стационар назорат — ўлчов асбобларини олади;

— ***ишчи машиналари ва ускуналарига*** шакли, хусусияти ёки ҳолатини ўзгартириш мақсадида қаттиқ, суюқ ёки газ ҳолатида бўлган меҳнат воситасига (ишлов берилаётган воситага) механик, термик, кимёвий ёки бошқа технологик жиҳатдан таъсир кўрсатиш учун мўлжалланган машиналар, дастгоҳлар, аппаратлар ва ускуналарнинг бошқа турлари киради. Шундай қилиб ишчи машиналари ва ускуналарига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган автоматик машиналар ва ускуналарни ҳисобга олган ҳолда технологик ускуналарнинг барча турлари, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш, савдо, омбор, сув билан таъминлаш ва канализация, санитария-гигиеник ускуналар, энергетик ва ахборот машиналари ва ускуналаридан ташқари бошқа машиналар ва ускуналар киради.

Ишчи машиналари ва ускуналарини таснифлаш объекти бўлиб таркибига кирадиган мосламалар, жиҳозлар, асбоблар, электр ускуналар, индивидуал тўсиқ, пойдеворни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир алоҳида машина, аппарат, агрегат, қурилма ҳисобланади. Масалан:

— кўприкли электр крани ўз ичига силжиш, кўтариш механизмларини, аравачани, электр ускуналарни олади;

— ёғоч тилиш дастгоҳи ўз ичига арраларни ва илгакларни, аравачаларни, электр моторларни, махсус калитларни олади;

— сатр қўйиш (босмахона) тўплам машинаси ўз ичига электр двигателни, терморостлагични, металлузаттични олади;

— ўзи юрар дон ўрувчи комбайн ўз ичига двигателни, двигателга ҳаво йиғувчини, шнек ўроқ машинасини, чархни, олинадиган панжарали бармоқли отбойка битерни, механизациялашган бостирмали ғарам уювчини олади;

— землесос ўз ичига бош ва ёрдамчи двигателларни, рефулер насосларини, сузадиган тупроқ узатувчини олади;

— ***ўлчаш ва ростлаш мосламаларига*** маълумотларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва тақдим қилиш учун ўлчов асбоблари (қалинлик, диаметр, майдон, масса, вақт оралиғи, босим, тезлик, айланишлар сони, қувват, ток кучи ва бошқа ҳажмларни ўлчаш асбоблари ва ускуналари), ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш жараёнларини ростлаш ускуналари (электрик, пневматик ва гидравлик тартибга солувчи ускуналар), блокировка аппаратураси, диспетчер назоратининг чизиқли ускуналари, сигнализация иншоотлари ва ускуналари, диспетчер назоратининг марказий ва трансляция пунктлари, самолётларни бошқаришнинг ерга жойлашган радионавигация воситалари — радиомаяклар, локация қурилмалари, учиш-қўниш йўлакларининг ёруғлик техник иншоотлари, шунингдек тарозилар, дозаторлар, манометрлар, термостатлар, илмий-тадқиқот лабораториялари, сейсмик станциялар аппаратураси ва бошқалар киради;

— ***бошқа машиналар ва ускуналар*** ўз ичига аввалги гуруҳларда ҳисобга олинмаган ускуналарни олади. Уларга телефон, телеграф, факсимил, телекод алоқалари, кабелли радиоэшиттириш ва телекўрсатиш ускуналари киради.

Мебель ва идора анжомлари — ишлаб чиқариш ва маъмурий фойдаланиш учун мўлжалланган мебель ва анжомлар. Ушбу гуруҳга столлар, жавонлар, мебель тўпламлари, креслолар, темир сандиқлар ва ҳоказолар киради.

Компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникалари — маълумотларни ўзгартириш ва сақлашга мўлжалланган ускуналар. Уларга алоқа тизимлари иншоотлари, ўлчаш ва бошқариш воситалари, ҳисоблаш техникаси ва ташкилий техника воситалари, маълумотларни визуал ва акустик акс эттирадиган воситалар, маълумотларни сақлаш воситалари; театр-саҳна ускуналари киради.

Ҳисоблаш техникасига маълумотларни автоматик қайта ишлайдиган, шунга ўхшаш ва айнан рақамли машиналар, электрон, электромеханик ва механик ҳисоблаш комплекслари ва машиналари, турли масалаларни ечиш билан боғлиқ бўлган маълумотларни сақлаш, қидириш ва

қайта ишлаш жараёнларини автоматлаштириш учун мўлжалланган мосламалар киради.

Ташкилий техникага кўпайтириш — нусха олиш техникаси, идора АТС, ёзув машиналари, калькуляторлар ва бошқалар киради.

Ҳисоблаш техникаси ва ташкилий техника таснифи объекти бўлиб зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган барча асбоблар ва жиҳозлар билан бутланган ва бошқа бирон-бир машинанинг таркибий қисми ҳисобланмаган ҳар бир машина ҳисобланади.

Транспорт воситалари — одамлар ва юкларни ташиш учун мўлжалланган ҳаракат воситалари — темир йўл ҳаракат таркиби (локомотивлар, вагонлар ва бошқалар); сув транспорти ҳаракат таркиби (барча турдаги транспорт кемалари, хизмат — ёрдамчи, қутқарув кемалари, музёрарлар, шатакчи пароход, лоцман кемалари ва бошқалар); автомобиль транспорти ҳаракат таркиби (юк, енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, тиркама ва ярим тиркамалар); ҳаво транспорти ҳаракат таркиби (самолётлар, вертолётлар, космик учиш аппаратлари); шаҳар транспорти ҳаракат таркиби (метрополитен вагонлари, трамвайлар) ерга ўрнатилган ишлаб чиқариш транспорт воситалари, шунингдек бошқа турдаги транспорт воситалари киради. Бошқа турдаги транспорт воситаларига юк ва одамларни ташишга мўлжалланган махсус кузовли транспорт воситалари киритилиши мумкин (масалан, автоцистерналар, сут, цемент, ун ташувчилар).

Асосий вазифалари юк ва одам ташиш эмас, балки ишлаб чиқариш ёки хўжалик-маиший вазифалар ҳисобланган ихтисослаштирилган ва қайтадан ускуналанган автомобиллар ва автомобиль ва трактор тиркамалари, темир йўл вагонлари (кўчма электростанциялар, кўчма трансформатор ускуналари, кўчма устахоналар, вагон-лабораториялар, кўчма диагностик ускуналар, вагон-уйлар, кўчма ошхоналар, магазинлар, душхоналар, клублар, идоралар ва шу кабилар) транспорт воситадари эмас, тегишли вазифани бажарувчи ҳаракатдаги корхоналар деб ҳисобланади ва бинолар (тегишли стационар корхоналарга ўхшаб) ва ускуналар сифатида ҳисобга олинади.

Тасниф объекти бўлиб барча асбоблари ва жиҳозлари билан ҳар бир алоҳида объект ҳисобланади. Масалан, локомотивлар ўз ичига экипаж қисмини, двигателни, генераторни, электр ускунасини, тормоз ускунасини олади; вагон ўз ичига иситиш тизимини, ёритиш симлари ва арматураларини олади; теплоход ўз ичига двигателни, электростанцияни, радиостанцияни, қутқарув воситаларини, ортиш-тушириш механизмларини, навигация ва ўлчаш асбобларини олади; автомобиль ўз ичига захира ғилдирагини (камера ва покришка билан) ва дастгоҳлар тўпламини олади; (моторли) трамвай вагони ўз ичига кузовни, моторни, тормозларни, ўлчаш асбобларини ва дастгоҳлар тўпламини олади.

Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор моллар — ишчи кучи сифатида фойдаланиладиган моллар — отлар, ҳўкизлар, туялар, эшаклар ва бошқа иш ҳайвонлари (от-арава транспорти сифатида фойдаланиладиган транспорт отлари ва бошқа ҳайвонларни ҳисобга олганда), шунингдек маҳсулот берадиган (туғилган насл, сут, жун ва бошқалар) қорамоллар, қўтослар, айғир буқалар, наслдор биялар (ишчи ҳайвонлардан ташқари), совлиқ қўйлар ва ҳоказо.

Тасниф объекти бўлиб ҳар бир катта ҳайвон ҳисобланади.

Кўп йиллик ўсимликлар — ёшидан қатъи назар сунъий йўл билан етиштирилган кўп йиллик ўсимликларнинг барча турлари, шу жумладан:

— мева-резавор ўсимликларининг барча турлари (дарахтлар ва буталар);

— кўчалардаги, майдонлардаги, боғлардаги, хиёбонлардаги, корхона ҳудудларидаги, уй-жой ҳовлиларидаги кўкаламзорлаштирувчи ва декоратив ўсимликлар;

— чакалак гов, қор ва далани тўсадиган йўллар, кумлар ва дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш учун экилган ўсимликлар, жар ва сой ёқаларига экиладиган ўсимликлар ва шу кабилар;

— илмий-тадқиқот мақсадлари учун ботаника боғлари, бошқа илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларида сунъий тарзда етиштирилган ўсимликлар.

Ушбу бўлинманинг тасниф объектлари бўлиб сони, ёши ва туридан қатъи назар ҳар бир боғ, хиёбон, кўча,

бульвар, ҳовли, корхона ҳудудидаги яшил ўсимликлар тўлалигича; ҳар бир ўсимликни алоҳида ўрашни ҳисобга олган ҳолда кўча, йўл ёқасидаги яшил ўсимликлар (бириктирилган участкалар чегарасида); далани тўсадиган йўлнинг ҳар бир участкаси (ҳудуд)нинг ўсимликлари ҳисобланади.

Бошқа асосий воситалар — юқорида келтирилган гуруҳларда санаб ўтилмаган асосий воситалар. Уларга қуйидагилар киради:

— ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадиган, лекин иншоотларга ҳам, ускуналарга ҳам киритилмайдиган техник мақсадли воситалар. Булар суюқликларни сақлаш идишлари (чанлар, бочкалар, баклар ва шу кабилар), иншоотларга кирмайдиган, сочиладиган, тўкиладиган, донали ва идиш-донали маҳсулотлар учун жиҳозлар ва идишлар, ишлаб чиқариш операцияларини енгиллаштиришга хизмат қиладиган мебеллар ва жиҳозлар (иш столлари, музлатгич пештахталари ва иссиқлик пештахталаридан ташқари пештахталар, савдо жавонлари, стеллажлар ва шу кабилар);

— ишлаб чиқариш жараёнида бевосита фойдаланилмайдиган идора ва хўжалик анжомлари воситалари — ёнғинга қарши курашиш воситалари («Машиналар ва ускуналар» бўлимига кирадиган насослар ва механик ёнғин нарвонларидан ташқари) спорт инвентари;

— кутубхона жамғармалари ва бошқалар.

Тасниф объекти сифатида фақат мустақил вазифага эга бўлган ва бирор-бир бошқа объектнинг қисми ҳисобланмаган воситаларгина бўлиши мумкин.

Консервацияланган асосий воситалар — ҳукумат идораларининг қарорлари асосида захирага ўтказилган ва консервацияланган асосий воситалар. Қурилиши тугалланмаган объектларни ва асосий фондларни консервациялаш ва консервациялашдан чиқариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 августдаги 397-сон махсус қарори билан тасдиқланган.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОПЕРАЦИЯЛАРДА ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНИШИ

Корхоналар тасдиқланган жадвалга асосан ҳужжатлар айланишининг самарали тизимини ишлаб чиқишлари ва асосий воситалар объектларининг сақланиши ва силжишига жавобгар шахслар доирасини белгилаб олишлари лозим.

Хўжалик юритиш борасидаги барча операциялар ушбу операцияларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши керак. Улар бухгалтерия ҳисоби олиб борилишига асос бўладиган бирламчи ҳисоб ҳужжатлари ҳисобланади.

Бирламчи ҳисоб ҳужжатлари операциялар тугаш вақтига, агар бунинг иложи бўлмаса, бевосита операция тугаганидан сўнг тузилиши керак.

Корхона бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг алоҳида шаклларини, масалан, асосий воситаларни режали — эҳтиётдан қилинган таъмирлаш жадвали, бўлажак таъмирлаш сметаси ва бошқаларни мустақил равишда ишлаб чиқиши мумкин.

Асосий воситалар объектига инвентарь рақамини бериш

Асосий воситаларнинг ҳар бир объектига (инвентарь объектига) ундан фойдаланиш ёки у захирада туриши ёки вақтинча консервацияланганлигидан қатъи назар, тегишли инвентарь рақами берилиши керак.

Инвентарь объектига бериладиган рақам металл жетонни мустаҳкамлаш, бўёқ суртиш ёки бошқа йўл билан белгиланиши мумкин.

Инвентарь объекти фойдали хизмат муддатининг турли муддатига эга ва мустақил инвентарь объектлари ҳисобланадиган бир нечта қисмларга эга бўлса, ҳар бир қисмга алоҳида инвентарь рақами берилади. Агар бир неча қисмдан иборат объект бўйича объект учун фойдали хизмат муддатининг умумий муддати белгиланган бўлса, ушбу объект битта инвентарь рақами остида ҳисобга олинади.

Асосий воситалар объектига берилган инвентарь рақами у корхонада бўлган бутун даврда сақланади.

Бухгалтерия ҳисобидан чиқарилган асосий воситалар объектларининг инвентарь рақамлари ҳисобдан чиқарилган йилдан бошлаб 5 йил давомида бухгалтерия ҳисобига янгидан қабул қилинаётган объектларга берилмайди.

Ижара шартномасига асосан корхонага қабул қилинаётган асосий воситалар объекти ижарага олувчи томонидан ижарага берувчи берган инвентарь рақами бўйича ҳисобга олиниши мумкин.

Асосий воситаларни таҳлилий ҳисобга олиш

Асосий воситаларни объект бўйича ҳисобга олиш бухгалтерия хизмати томонидан АВ-6 шаклли асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентарь варақаларида олиб борилади. Инвентарь варақалари ҳар бир инвентарь объектига очилади. Бунда биноларга 001 дан 099 гача, иншоотларга 100 дан 199 гача, узатиш мосламаларига 200 дан 299 гача инвентарь рақамларини бериш тавсия қилинади.

Асосий воситалар объектлари кўп бўлмаган корхона объектлар бўйича ҳисобни асосий воситалар тўғрисида уларнинг турлари ва жойлашган жойи бўйича зарур маълумотларни кўрсатган ҳолда инвентарь рўйхатида (АВ-11 шакли) амалга ошириши мумкин.

Инвентарь варақаларини (инвентарь китобини) тўлдириш асосий воситаларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси (юкхати), техник паспортлар ва асосий воситалар объектларини олиш, қуриш, кўчириш ва ҳисобдан чиқаришга доир бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Инвентарь варақаларида (инвентарь рўйхатида) асосий воситалар объектлари бўйича қуйидаги асосий маълумотлар келтирилган бўлиши керак:

— фойдали хизмат муддати;

— амортизацияни ҳисоблаш усули ва бошқалар.

Инвентарь варақалари қоида бўйича бир нусхада тузилади ва бухгалтерия хизматида сақланади.

Шунингдек, ижарага олинган асосий воситаларга ижарачи-корхона бухгалтерия хизматида кўрсатилган объектларни балансдан ташқари ҳисобини амалга оши-

риш учун асосий воситалар ҳисобини олиб бориш инвентарь варақаларини очиш тавсия қилинади.

Инвентарь варақалари таснифланган асосий воситалар гуруҳлари бўйича махсус рўйхатларда (АВ-7 шакли) қайд этилади. Рўйхатдан ўттан варақалар асосий воситалар картотекасига жойлаштирилади. Бу ерда улар тармоқ тасниф гуруҳлари бўйича, ушбу гуруҳлар ичида эса — жойлашган жойи, фойдаланиш ва турлари бўйича гуруҳланади.

Фойдаланишда бўлмаган асосий воситалар объектлари бўйича варақалар алоҳида гуруҳланади.

Ҳисобот ойи давомида бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган, шунингдек, бухгалтерия ҳисобидан чиқарилган асосий воситалар объектларининг инвентарь варақалари ой охиригача асосий воситалар инвентарь варақаларидан алоҳида сақланади.

Инвентарь варақалари асосий воситалар ҳисоби маълумотлари билан умумлаштирилган ҳолда солиштирилади.

Асосий воситалар қабул қилинганда операцияларни расмийлаштириш

Асосий воситалар объектларини бухгалтерия ҳисобига **қабул қилиш** корхона раҳбари томонидан тасдиқланадиган, ҳар бир алоҳида инвентарь объектига тузиладиган асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномасига (АВ-1 шакли) ва бошқа ҳужжатлар, масалан, улар давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатга асосан амалга оширилади.

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш **умумий далолатномаси** билан **бир хил қийматли бир турдаги объектларнинг** бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниши ва бухгалтерия хизмати томонидан ҳисобга **бир вақтда** қабул қилиниши расмийлаштирилиши мумкин.

Корхона раҳбари томонидан тасдиқланган, кўрсатиб ўтилган далолатноманинг **бир нусхаси** техник ҳужжатлар билан бирга **бухгалтерия хизматига** берилади, у ушбу ҳужжатларга асосан тегишли инвентарь варақасини (АВ-6 шакли) очади ёки объектнинг чиқиб кетганлиги тўғрисида инвентарь варақасига белги қўяди.

Зак.КГ 46936

Ушбу инвентарь объектига тегишли бўлган **техник ҳужжатлар** инвентарь варақасида тегишли **белги** билан объектнинг фойдаланиш жойига берилиши мумкин.

Монтаж талаб қилмайдиган ускуналар (ҳаракат қиладиган транспорт воситалари, бўш турган дастгоҳлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, қурилиш механизмлари ва шу кабилар), шунингдек, монтаж талаб қиладиган, лекин захира учун мўлжалланган ускуналар бухгалтерия ҳисобига ускуналарни қабул қилиш тўғрисидаги раҳбар томонидан тасдиқланган далолатномага асосан қабул қилинади.

Асосий воситалар чиқиб кетишини расмийлаштириш

Асосий воситалар **чиқиб кетиши**, сабабларидан қатъи назар, асосий воситаларни тугатиш далолатномаси (АВ-4 шакли) ва транспорт воситаларини тугатиш далолатномаси (АВ-4а шакли) билан расмийлаштирилади. Уларда чиқиб кетаётган объектнинг дастлабки (тиклаш) қиймати ва эскириш суммаси акс эттирилади. Чиқиб кетаётган объектнинг инвентарь варақаси картотекадан олинади ва далолатномага илова қилинади. Асосий воситалар инвентарь рўйхатида уларнинг жойлашган жойи бўйича тегишли белги қўйилади.

Асосий воситалар объектларини **текинга бериш** асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси (АВ-1 шакли) билан расмийлаштирилади. Далолатномада объектларнинг баланс қиймати ва бериш вақтига эскириш суммаси кўрсатилади. Асосий воситаларни текинга бериш операциялари бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида қабул қилиб олувчи корхонадан воситалар кирим қилинганлиги тўғрисидаги хабар (авизо) олинганидан сўнг акс эттирилади. Бунгача берилаётган асосий воситалар бўйича амортизацияни ҳисоблаш тўхтатилмайди.

Асосий воситалар объектларини **тугатиш** (тўлиқ ва қисман) асосий воситаларни тугатиш тўғрисидаги далолатномага асосан (АВ-4 шакли) амалга оширилади. Далолатномада объект номи, у тайёрланган ёки қурилган йил, корхонага келиб тушган ва фойдаланишга топширилган

йил, унинг инвентарь рақами, жойлашган жойи, баланс қиймати, эскириш, капитал таъмирлашлар сони кўрсатилади, шунингдек, объектнинг асосий қисмлари, бўлаклари, конструктив элементларининг техник ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилади ва уни тугатиш зарурлиги исботлаб берилади.

Корхона балансидан авария натижасида яроқсиз бўлиб қолган машиналар, иншоотлар ва транспорт воситалари қийматини ҳисобдан чиқаришда ҳисобдан чиқариш далолатномасига авария сабаблари ва айбдорларини кўрсаттан ҳолда авария тўғрисида далолатнома нусхаси илова қилиниши керак.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ БАҲОЛАШ

5-сон БҲМС «Асосий воситалар» асосий воситаларни баҳолашнинг қуйидаги турларини ажратади:

- дастлабки қиймати бўйича;
- жорий қиймати бўйича;
- қолдиқ қиймати бўйича;
- тиклаш қиймати бўйича;
- тугатиш қиймати бўйича.

Асосий воситаларни баҳолашнинг санаб ўтилган турларидан ҳар бири бухгалтерия ҳисобида, солиққа тортишда, корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини баҳолашда ўз вазифасига эга.

Асосий воситаларни дастлабки қиймати бўйича баҳолаш

Дастлабки қиймат — асосий воситаларни барпо этиш (қуриш ва қурилишни охирига етказиш) ёки сотиб олиш бўйича амалда қилинган харажатлар қийматидир, бу қийматга тўланган ва ўрни қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек ускуналарни етказиб бериш, монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш харажатлари ва активдан кўзда тутилган мақсадда фойдаланиш учун иш ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар ҳам киради.

Асосий воситалар бухгалтерия ҳисобига дастлабки қиймати бўйича қабул қилинади. Асосий воситалар дастлабки қийматининг шаклланиши эса ушбу активларнинг корхонага келиб тушиш усулига боғлиқ.

Асосий воситалар объектлари дастлабки қиймати бўйича корхонада бўлган давр мобайнида ҳисобда туради.

Дастлабки қиймат объект корхонада фойдаланишга топширилиш вақтида шаклланади.

Қуйидагилар асосий воситалар объектларининг дастлабки қиймати ҳисобланади:

— таъсисчилар томонидан корхонанинг низом жамғармасига уларнинг улуши ҳисобига киритилган асосий воситалар қиймати — тарафларнинг келишувига асосан;

— корхонанинг ўзида тайёрланган, шунингдек, ҳақ эвазига бошқа корхоналар ва шахслардан олинган асосий воситалар қиймати — етказиб бериш ва ўрнатиш бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда амалдаги харажатлар суммасида;

— текинга олинган, шунингдек, субсидия сифатида олинган асосий воситалар қиймати эксперт йўли билан белгиланган ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари маълумотлари бўйича суммада.

Асосий воситалар алоҳида объектларининг дастлабки қиймати қуриб битказилиши, тўлиқ жиҳозланиши, қайта қурилиши ва тегишли объектлари қисман тугатилиши ҳолларида, шунингдек, қайта баҳоланганда ўзгариши мумкин.

Ҳақ тўлаш эвазига қабул қилинган асосий воситаларни баҳолаш

Ҳақ тўлаш эвазига қабул қилинган асосий воситаларнинг дастлабки қийматига қуйидагилар киритилади:

— олди-сотди шартномаси бўйича асосий воситалар объектлари етказиб берувчисига тўланадиган суммалар;

— бошқа ташкилотларга асосий воситаларни қабул қилиш билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланадиган суммалар;

— олинаётган асосий воситаларни ташиб ва кузатиб берганлиги учун ташувчиларга тўланадиган суммалар;

— сотиб олувчи корхонанинг асосий воситалар объектларини олиш билан боғлиқ ўз харажатлари, масалан, асосий воситаларни сотиб олиш учун хизмат сафарига юборилади ган ходимларнинг сафар харажатлари;

— рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари ва асосий воситалар объектларига бўлган ҳуқуқни олиш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган шунга ўхшаш тўловлар;

— божхона божлари ва бошқа тўловлар;

— асосий воситалар объектларини сотиб олиш билан боғлиқ ҳолда тўланадиган, ўрни қопланмайдиган солиқлар;

— асосий воситаларни сотиб олишда воситачи ташкилотларга тўланадиган ҳақ;

— асосий воситалар объектларини сотиб олиш билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Асосий воситалар объектларини сотиб олишда ўрни қопланмайдиган солиқлар ва йиғимларга божхона тўловлари, акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи, асосий воситаларнинг алоҳида объектлари билан битимларни рўйхатдан ўтказишда тўланадиган давлат божи, қонун ҳужжатларига асосан давлат идораларига тўланадиган турли мажбурий тўловлар ва бошқалар киради.

Асосий воситаларни етказиб берувчига тўланган қўшилган қиймат солиғи миқдори ҳисобдан чиқаришга қабул қилинмайди, балки асосий воситаларнинг дастлабки қийматига киритилади.

Кейинчалик асосий воситаларнинг дастлабки қиймати асосий воситалар бўйича амортизацияни ҳисоблаш тизими орқали қопланиши керак бўлади. Асосий воситаларнинг дастлабки қийматидан «Асосий воситалар» 5-сон БҲМС тавсия қилаётган барча тавсияларни қўллаган ҳолда амортизацияни ҳисоблашда фойдаланилади.

Мисол.

Корхона маҳсулот сифатини текширадиган асбоб сотиб олянти. Асбобнинг нархи 60 000 сўм, шу жумладан қўшилган қиймат солиғи — 10 000 сўм. Асбобни сотиб олиш учун маркетинг хизмати ходими хизмат сафарига юборилган эди. Хизмат сафари харажатлари 12 800 сўмни ташкил қилди.

Ўлчов асбобининг корхона бухгалтерияси ҳисобга қабул қилаётгандаги дастлабки қиймати 72 800 сўмни ташкил қилади. У қуйидагилардан ташкил топади:

— асбобни етказиб берувчига тўланган маблағ, ҚҚС билан — 60 000 сўм;

— ходимнинг хизмат сафари харажатлари — 12 800 сўм.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Етказиб берувчига ўлчов асбобининг нархи тўланади	60	0820	6010	08	60
2	Асбобни олиш билан боғлиқ хизмат сафари харажатлари акс эттирилади	12,8	0820	4220	08	71

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
3	Асбобни фойдаланишга топшириш акс эттирилади	72,8	0190	0820	01	08

Асосий воситалар чет эл валютасига олиниши мумкин. Лекин ҳатто ушбу ҳолларда ҳам уларни баҳолаш 1996 йил 30 августдаги 279-I-сон «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига ва Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 16 ноябрда 1085-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан сўмда амалга оширилиши керак. Баҳолаш чет эл валютасини асосий воситалар объекти харид қилинган сана ҳолатида Марказий банк курси бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади. Қабул қилинган сана деб ушбу объектга мулк, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқариш ҳуқуқи ўтган сана ҳисобланади.

Бундай ҳолларда тўлов ва асосий воситаларни ҳисобга қабул қилиш санаси ўртасида вақтинчалик узилиш сабабли курс фарқи вужудга келади. Курс фарқи хўжалик юритувчи субъект молиявий натижаларига молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари (харажатлари) сифатида киритилади ва «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисоботда (2-сон шакл), «Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар ва харажатлар» сатри бўйича «Корхона молиявий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳисоботи» статистик ҳисоботида (1-ф-сон шакл) «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари ва харажатлари» сатри бўйича, «Корхонанинг харажатлари тўғрисида ҳисобот»да ва бошқа статистик ҳисоботларда тегишли моддалар бўйича акс эттирилади.

Мисол.

Корхона ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олянти. Олди-сотди шартномасида ускунанинг нархи 16 000 АҚШ доллари

деб кўрсатилган. Шартнома бўйича тўлов Марказий банкнинг тўлов кунига бўлган курси бўйича сўмда амалга оширилади. Ускуна 2003 йил 10 мартда кирим қилинган эди. Тўлов эса 2003 йил 1 мартда амалга оширилган. АҚШ доллари курси:

1 мартга — 1 АҚШ $ учун 980 сўмни,

10 мартга — 1 АҚШ $ учун 992 сўмни ташкил қилган.

Ишлаб чиқариш ускунаси учун аввал 2003 йил 1 март ҳолатидаги курс бўйича 15 680 минг сўм тўлов амалга оширилган бўлсада, у 2003 йил 10 мартда 15 872 минг сўм қиймат бўйича кирим қилинган. Шундай қилиб, ускунани олишда мусбат курс фарқи вужудга келади (192 минг сўм).

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Ускуна нархи тўланган	15680	4320	5210	61	52
2	Ускуна олинган	15872	0820	6010	08	60
3	Курс фарқи акс эттирилади	192	4320	9540	61	80.4
4	Ускунани етказиб берувчи олдидаги қарз қопланди	15872	6010	4320	60	61

Манфий курс фарқи вужудга келган аксинча ҳолатда ушбу фарқни молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар таркибида зарар сифатида акс эттириш керак.

Мисол.

Корхона олди-сотди шартномасида нархи 16 000 АҚШ доллари деб кўрсатилган дастгоҳ сотиб олади. Шартнома бўйича тўлов Марказий банкнинг тўлов кунига бўлган курси бўйича сўмда амалга оширилади. Дастгоҳ 2003 йил 1 мартда олинган, тўлов эса 2003 йил 10 мартда амалга оширилган.

АҚШ доллари курси:

1 мартга — 1 АҚШ $ учун 980 сўмни,

10 мартга — 1 АҚШ $ учун 992 сўмни ташкил қилган.

Дастгоҳ нархи уни олиш кунига 15 680 минг сўмни ташкил қилган, ушбу сумма тўловни амалга ошириш вақтида валюта курси ўзгарганда ўзгариши керак эмас. Тўлов вақтида

доллар курси 992 сўмни ташкил қилди ва корхона 15 872 минг сўм тўлади. 192 минг сўмга фарқ — бу манфий курс фарқи бўлиб, молиявий фаолият бўйича зарарга киритилади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Дастгоҳ олинди	15680	0820	6010	08	60
2	Дастгоҳ қиймати тўланди	15872	6010	5110	60	51
3	Курс фарқи акс эттирилди	192	9620	6010	80.4	60

Асосий воситалар объектларига импорт операциялари орқали эга бўлишда ва чет эл валютасида ҳақ тўлашда курс орасидаги фарқлар юқорида келтирилган мисолга ўхшаш тартибда акс эттирилади. Чет эл валютасига олинган асосий воситалар объектлари кирим қилинганидан сўнг баланснинг валюта моддалари сифатида ҳар ойда қайта баҳоланиши керак бўлмайди.

Хўжалик усули билан яратилган асосий воситаларни баҳолаш

Корхона ўз кучи билан, яъни хўжалик усули билан асосий воситалар объектини яратишда 0810-«Тугалланмаган қурилиш» ҳисобварағи дебети бўйича ўсиб борувчи якун билан ушбу объектни яратиш бўйича барча харажатларни ҳисобга олиши керак. Бунда 0810-ҳисобварақда сметалар, смета-молиявий ҳисоб-китоблар ва капитал қурилишга (ушбу қурилиш пудрат асосида ёки хўжалик юритиш йўли орқали амалга оширилишидан қатъи назар) титул рўйхатларда назарда тутилган бино ва иншоотларни қуриш, ускуналар, асбоб ва бошқа воситаларни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади. 0810-ҳисобварақ дебети бўйича йиғилган барча харажатлар фойдаланишга топширилаётган асосий воситалар объектининг дастлабки қийматини ташкил қилади. Фойдаланишга топ-

шириш 0110-0190-ҳисобварақлар дебети ва 0810-«Тугалланмаган қурилиш» ҳисобварағи кредити бўйича бухгалтерия ёзувида акс эттирилади.

Ўз эҳтиёжлари учун ўзининг кучи билан бажарилган қурилиш-монтаж ишларига Адлия вазирлиги 2003 йил 29 апрелда 1238-сон билан рўйхатдан ўтказган «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг (янги таҳрирда) 18-бандига асосан қўшилган қиймат солиғи солинмайди. Моддий ресурслар, ёқилғи, ишларга доир қўшилган қиймат солиғи суммаси объектнинг қурилишига ҳисобдан чиқарилади.

Мисол.

Корхона 2003 йил январь ойида хўжалик усули билан ишлаб чиқариш омбори қурди. Қурилиш бўйича харажатлар 1 200 минг сўмни ташкил қилди, шу жумладан:

— 600 минг сўмга қурилиш моллари, шу жумладан қўшилган қиймат солиғи;

— 400 минг сўм — ижтимоий суғуртага ажратмаларни ҳисобга олган ҳолда ходимларнинг иш ҳақи;

— қурилишда ишлатилган асосий воситаларни амортизацияси — 200 минг сўм.

Ишлаб чиқариш омборининг дастлабки қиймати 1 200 минг сўмни ташкил қилди. Ушбу қийматга шунингдек қурилиш молларини етказиб берувчилар ҳисобварақлари бўйича тўланган ҚҚС (100 минг сўм) ҳам киритилган.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Қурилиш материаллари ҳисобдан чиқарилди	600	0810	1000	08	10
2	Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ажратмалар бўйича харажатлар акс эттирилди	400	0810	6710, 6520	08	70, 69

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
3	Қурилишда ишлатилган асосий воситаларнинг амортизацияси ҳисобдан чиқарилди	200	0810	0200	08	02
4	Омборхона фойдаланишга топширилди	1200	0120	0810	01	08

Пудрат усули билан қурилган асосий воситаларни баҳолаш

Пудрат асосида қурилишда қурилиш ишларининг барча циклини пудратчи ташкилот бажаради. Ишнинг тугалланиши қурилишнинг шартнома (смета) нархи кўрсатилган ҳолда далолатнома билан расмийлаштирилади.

Мисол.

Корхона пудрат асосида маъмурий бино қуряпти. Ишнинг шартнома нархи, шу жумладан ҚҚС 12 000 минг сўмни ташкил қилди. Пудратчи ташкилот томонидан ишнинг смета нархидан 20% миқдорида бўнак пули ўтказиб берилган. Шартномада кўрсатилган муддатда бино фойдаланишга топширилган.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Пудратчи ташкилот томонидан бўнак пули ўтказиб берилган	2400	4320	5110	61	51
2	Фойдаланишга топшириш	12000	0810 0120	6010 0810	08 01	60 08

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
3	Бўнакни ҳисобдан чиқариш	2400	6010	4320	60	61
4	Пудратчи ташкилотга пул маблағи ўтказилиб берилди	9600	6010	5110	60	51

Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришни баҳолаш

Узоқ муддатли ижара шартномаси шартларида ижарага олувчининг ижарага берувчининг розилиги билан ижарага олинган мол-мулкдан ажралмас ҳисобланадиган мулкни такомиллаштириш ҳуқуқи кўзда тутилиши мумкин. 21-сон БҲМСда «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинадиган асосий воситаларни ўзлаштириш» 0112-махсус ҳисобварағида узоқ муддатли ижара шартномаси асосида олинган асосий воситаларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган капитал харажатларни ҳисобга олиш тартиби назарда тутилган. Узоқ муддатли ижара шартномаси асосида олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича капитал харажатларга, шунингдек, асосий воситалар объектларини қайта куриш ва замонавийлаштириш харажатлари киради. Ижарага олинган асосий воситаларга тугалланган капитал қўйилмалар ижарага олувчи томонидан ўзининг асосий воситалари таркибига киритилади. Бундай объектларни баҳолаш ҳақиқатда қилинган харажатлар суммаси бўйича амалга оширилади.

Мисол.

Корхона идора биносини ижарага олган. Ижара шартномаси 5 йилга тузилган. Ижарага олинган бинода ситтиш автоном тизими ўрнатиляпти. Бундай тизимни сотиб олиш ва ўрнатишга бўлган харажатлар 12 000 минг сўмни (шу жумладан ҚҚС 2 000 минг сўмни) ташкил қилди.

Иситиш автоном тизимини сотиб олиш ва ўрнатишга қўшимча кетган харажатлар — корхонанинг дастлабки қиймати 12 000 минг сўмлик ўзининг асосий воситалар объекти пайдо бўлишига олиб келган капитал харажатлардир.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Иситишнинг автоном тизимини сотиб олиш ва ўрнатишга кетган харажатлар акс эттирилади	12000	0860	6010, 6710, 6520	08	60, 70, 69
2	Иситиш тизимини фойдаланишга топшириш акс эттирилади	12000	0112	0860	01	08

Текинга олинган асосий воситаларни баҳолаш

Корхона томонидан ҳадя шартномаси ва текинга олишнинг бошқа ҳоллари бўйича олинган асосий воситалар объектининг дастлабки қиймати бўлиб унинг кирим қилиш санасига бўлган қиймати ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатларида кўрсатилган қиймати ҳисобланади (21-сон БҲМС 5-банди).

Солиқ солиш мақсадида текинга олинган асосий воситаларнинг қиймати даромад (фойда) солиғини ҳисобланда солиқ солинадиган базага киритилади (Адлия вазирлигида 2002 йил 13 мартда 1109-сон билан рўйхатдан ўтган «Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг 10«д»-банди).

Мисол.

2003 йил март ойида корхона томонидан идора учун бошқа ташкилотдан текинга бино олинган. Бинонинг бозор нархи 12 000 минг сўмни ташкил қилади. Корхонанинг кўчмас

мулкка бўлган ҳуқуқни расмийлаштиришга (рўйхатдан ўтказишга) кетган харажатлари 240 минг сўмни, бинони фойдаланишга яроқли ҳолатга келтиришга кетган харажатлари 950 минг сўмни, шу жумладан ҚҚС — 158 минг сўмни ташкил қилади. Пудрат ишлари бошқа ташкилотлар томонидан бажарилган эди.

Кўчмас мулк объектлари бухгалтерия ҳисобига фақат кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлабгина олиниши керак. Бунда корхонанинг барча харажатлари, шу жумладан, ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш ва мақсадли фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш асосий воситалар объектининг дастлабки қийматига киритилади.

Бинони текинга олиш билан боғлиқ даромад (фойда) солиғи миқдори 2 400 минг сўмни ташкил қилади (20% ставка бўйича).

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Идора учун бино текинга олинган	12000	0120	8530	01	85.3
2	Мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш бўйича харажатлар акс эттирилган	240	0820	6990	08	76
3	Бинони ишчи ҳолатига келтириш бўйича харажатлар акс эттирилган	950	0820	6010	68	60
4	Ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш бўйича хизматлар тўланган	240	6990	5110	76	51
5	Пудратчи ташкилот хизматига тўланган	950	6010	5110	60	51
6	Харажатлар бинонинг дастлабки қийматига, фойдаланишга топширилишига киритилган	1190	0120	0820	01	08

Устав капиталига улуш сифатида олинган асосий воситаларни баҳолаш

Корхонанинг устав капиталига улуш сифатида қўйилган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати — объектнинг корхона таъсисчилари билан келишилган пул баҳосидир.

Корхонанинг устав капиталига пулсиз улушларни баҳолаш кўп ҳолларда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларига боғлиқ.

Чунончи, масъулияти чекланган жамиятнинг устав капиталига улуш сифатида киритиладиган асосий воситаларнинг қиймат баҳоси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади (2001 йил 6 декабрдан 310-II-сон «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддаси).

Акциядорлик жамиятларининг низом жамғармасига ҳисса сифатида киритиладиган асосий воситаларни баҳолашда шуни ёдда тутиш лозимки, агар жамиятнинг шу йўсинда сотиб олинаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордаги иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, асосий воситаларнинг пулдаги баҳосини мустақил баҳоловчи (аудитор) чиқариши керак. Бу нарса 1996 йил 26 апрелдаги 223-I-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддасида назарда тутилган.

Мисол.

Корхонанинг — масъулияти чекланган жамиятнинг устав капитали таъсис ҳужжатларига асосан 750 минг сўмни ташкил қилади. Жамият таъсисчилари бўлиб жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади. Устав капиталининг 50% ЁТАЖга тегишли бўлиб, унинг улуши ишлаб чиқариш ускуналари ҳисобланади. Қолган 50% жисмоний шахсга тегишли бўлиб, у ўз улушини пул маблағлари билан тўлайди.

Жамият иштирокчиларининг қарори билан ускуналар қиймати 375 минг сўмга баҳоланган. Ускунани монтаж қилиш корхона ишчилари томонидан амалга оширилган,

уларнинг иш ҳақи ижтимоий суғуртага ажратмаларни ҳисобга олган ҳолда 36 минг сўмни ташкил қилади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Таъсисчиларнинг МЧЖ устав капиталига улушлар бўйича қарзи акс эттирилади	375375	4610	8330	75	85,1
2	Жисмоний шахснинг пул шаклида улуши келиб тушди	375	5110, 5010	4610	51, 50	75
3	Ишлаб чиқариш ускуналари кўринишидаги улуш тушуми	375	0130	4610	01	75
4	Ускуналарни монтаж қилиш бўйича харажатлар акс эттирилади	36	0890	6710, 6520	08	70, 69
5	Ускуналарни фойдаланишга топшириш	36	0130	0890	01	08

Асосий воситаларнинг жорий қийматини баҳолаш

Жорий қиймат — асосий воситаларнинг муайян бир вақтда амалдаги бозор нархлари бўйича қиймати ёки активлар хабардор манфаатдор томонлар ўртасида айирбошлаши мумкин бўлган суммадир.

Хизматлар ёки активларга айирбошлашда асосий воситаларнинг дастлабки қиймати битимнинг жорий нархлари билан белгиланади.

Мисол.

Корхона ускуналар сотиб олади ва улар учун ўзининг 100 дона оддий акциялари билан ҳисоб-китоб қилади. Эркин савдода ушбу акциялар 3 000 сўм нархда сотилади (акциянинг номинал қиймати — 1 000 сўм). Ускунанинг жорий қиймати 300 минг сўмни ташкил қилади (100 дона × 3 000 сўм).

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Ускуналарнинг акцияларга алмаштиришдан келиб тушиши акс эттирилади	300	0130		01	85.1
		100		4610		75
		200		8410		85.2

Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати

Қолдиқ қиймат — асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) ёки жорий қийматидан, тўпланган амортизация суммаси чиқариб ташланган қийматидир (0100-ҳисобварақ дебети айирув 0200-ҳисобварақ кредити).

Асосий воситаларнинг қолдиқ қийматидан (ўртача йиллик қиймат) корхона мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблашда фойдаланилади.

Асосий воситаларнинг тикланган қиймати

Тикланган қиймат — асосий воситаларнинг қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати. Асосий воситаларнинг тиклаш қиймати асосий фондларни қайта ҳосил қилиш қиймати билан, яъни уларнинг қурилиши ёки уларни муайян муддатда жорий бозор нархида сотиб олиш билан боғлиқ.

2002 йил 1 январдан мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг асосий фондларини ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолашлари керак. Ушбу қоида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 490-сон қарори билан белгиланган.

Ҳам ўз асосий воситалари, ҳам узоқ муддатга ижарага олинган, шу жумладан узоқ муддатли лизинг бўйича олинган асосий воситалар қайта баҳоланиши керак. Шу-

нингдек, ўрнатилиши керак бўлган ускуналар ва қурилиши тугалланмаган объектлар ҳам қайта баҳоланади.

Мисол.

Ишлаб чиқариш ускунаси 600 минг сўмлик дастлабки қийматга ва 260 минг сўмлик жамланган эскиришга эга. Ускуна қийматини қайта баҳолаш 5,6 коэффициенти бўйича амалга оширилган.

Асосий воситаларнинг тиклаш қиймати 3 360 минг сўмни ташкил қилади. Эскириш суммаси таъкидланган коэффициент билан тузатилган — 1 456 минг сўм. Асосий воситалар қийматидаги 2 760 минг сўмлик фарқ (3 360–600) корхонанинг захира ҳисобидаги капиталини кўпайтиради, эскиришдаги 1 196 сўмлик фарқ эса (1 456–260) — камайтиради.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Ускуна дастлабки қийматининг қўшимча баҳоланиши акс эттирилади	2760	0130	8510	01	85.3
2	Ҳисобланган эскиришнинг қўшимча баҳоланиши акс эттирилади	1196	8510	0230	85.3	02

Асосий воситаларни қайта баҳолаш шунингдек, корхона мулк эгасининг қарорига асосан асосий воситалар бошқа корхоналарнинг устав фондига улуш сифатида киритилаётганда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Асосий воситаларни бошқа корхоналарнинг устав фондига киритишда уларнинг жорий бозор баҳосигача қўшимча баҳоланган суммаси даромад сифатида қаралмайди, шунинг учун солиқ оқибатларига эга эмас, яъни даромад (фойда) солиғига тортилмайди.

Асосий воситаларнинг бошқа корхоналарнинг устав фондига улуш сифатида чиқиб кетиши қўшилган қиймат солиғи тортиладиган айланмаларга киради.

Айланма асосий воситалар объектининг реализация (чиқиб кетиш) нархи ва қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ кўринишида белгиланади («Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товар (иш, хизмат)лар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг (янги таҳрири) 22-банди).

Мисол.

Корхона бошқа корхонанинг устав фондига ўзининг улуши сифатида 1 600 минг сўмлик дастлабки қийматга эга бўлган, 260 минг сўмлик эскириши ҳисобланган компьютерни киритади. Таъсисчиларнинг келишувига асосан компьютер қиймати 1 700 минг сўмга баҳоланган.

Юқорида номи келтирилган Йўриқномага асосан қўшилган қиймат солиғи солинадиган айланма бўлиб улушнинг қиймати (1 700 минг сўм) ва қолдиқ қиймати (1 340 минг сўм) ўртасидаги фарқ, яъни 360 минг сўм ҳисобланади. ҚҚС суммаси 60 минг сўмни ташкил қилади (360×20 : 120).

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Компьютернинг дастлабки қиймати ҳисобдан чиқарилди	1600	9210	0150	47	01
2	Эскириш ҳисобдан чиқарилди	260	0250	9210	02	47
3	Улуш узоқ муддатли инвестициялар сифатида акс эттирилади	1700	0610-0690	9210	06	47
4	ҚҚС ҳисобланди	60	9210	6410	47	68

Келтирилган ҳисобварақлар корреспонденциясидан шу нарса кўриниб турибдики, улуш сифатида берилаётган компьютер қийматини бухгалтерия ҳисобида қўшимча баҳолаш бошқа корхонага берилгунга қадар амалга оширилмаган. Шунинг учун компьютер қийматини ҳисобдан чиқариш 1 600 минг сўм дастлабки баҳоси бўйича амалга оширила-

ди, — 1 700 минг сўм улуш суммаси эса шартномавий нархда акс эттирилади.

Солиқ тўловларини, хусусан ҚҚС бўйича, мақбуллаштириш мақсадида улуш қўювчи корхоналарга асосий воситаларни қўшимча баҳолаш суммасини уларни бошқа ташкилотнинг устав фондига бергунга қадар амалга оширишни тавсия қилиш мумкин

Бунда юқоридаги мисол маълумотлари бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси ва ҚҚС суммаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Компьютернинг муассислар билан келишилган қийматида бўлган қўшимча баҳоланиши акс эттирилади	100	0150	8510	01	85.3
2	Эскиришнинг қўшимча баҳоланган суммаси акс эттирилади	16,25	8510	0250	85.3	02
3	Компьютернинг дастлабки қиймати ҳисобдан чиқарилди	1700	9210	0150	47	01
4	Эскириш ҳисобдан чиқарилди	276,25	0250	9210	02	47
5	Улуш узоқ муддатли инвестициялар сифатида акс эттирилди	1700	0610-0690	9210	06	47
6	ҚҚС ҳисобланди	46	9210	6410	47	68

Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижа сифатида асосий воситалар қийматининг турли сабабларга кўра (маънавий эскириш ва технологиянинг ўзгариши, авария оқибатида қийматнинг йўқолиши) пасайишига эга бўлиши мумкин. Ушбу ҳолларда асосий воситалар қийматини арзонлаштириш (камайтириш) қиймати «Мол-мулкни

қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» 8510-ҳисобварағи дебети бўйича аввалги қайта баҳолаш доирасида акс эттирилади. Аввалги қайта баҳолаш суммаси етмаган ҳолда арзонлаштириш суммаси ва қайта баҳолашнинг аввалги суммаси ўртасидаги фарқ харажат сифатида тан олинади ва «Бошқа операцион харажатлар» 9430-ҳисобварағида акс эттирилади.

Мисол.

Компьютернинг 2002 йил 1 январь ҳолатига дастлабки қиймати 220 минг сўмни, ҳисобланган эскириш эса 160 минг сўмни ташкил қилди. Шу йилнинг охирига келиб шунга ўхшаш компьютерларнинг бозор нархи 280 минг сўмгача кўтарилди.

Бир йилдан сўнг компьютерларнинг бозор нархи 100 минг сўмга тушиб кетди.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Компьютер дастлабки қийматини қўшимча баҳолаш акс эттирилади	60	0150	8510	01	85.3
2	Эскириш суммасини қўшимча баҳолаш акс эттирилади	44	8510	0250	85.3	02
3	Компьютер қийматининг аввалги қайта баҳолаш доирасидаги арзонлашуви акс эттирилади	60	8510	0150	85.3	01
4	Арзонлашув суммаси ва аввалги қайта баҳолаш суммаси ўртасидаги фарқ акс эттирилади	40	9430	0150	26.3	01

Тиклаш қийматидан асосий воситаларни қайта сотиб олиш билан узоқ муддатли ижарага беришда, корхонани акциядорлик жамиятига айлантиришда объектнинг қайта

сотиб олиш баҳосини ҳисоблашда фойдаланилади. Тиклаш қиймати ушбу ҳолларда эксперт йўли билан аниқланади.

Асосий воситаларнинг тугатиш қиймати

Тугатиш қиймати — асосий воситаларни фойдали хизмат муддати охирида тугатишда, чиқиб кетиш бўйича харажатларни айириб ташлангач, пайдо бўладиган активларнинг тахминий қиймати. Қоида бўйича ушбу қийматга эҳтиёт қисмлари, темир-терсак, чиқинди ва бошқаларнинг қиймати киритилади. Тугатиш қиймати сотиб олинганлик санасига ёки, агар қиймат каттароқ бўлса, асосий воситаларни аввал баҳолашнинг ҳар қандай санаси ҳолатига аниқланади.

Мисол.

Корхона томонидан оғирлиги паспорт кўрсаткичлари бўйича 4 тоннани ташкил қиладиган металл қирқувчи аппарат сотиб олинди. Унинг хизмат муддати тугаганидан сўнг тугатишдан фақат 2,5 тонна металл темир-терсак олиш мумкин. Аппаратни сотиб олиш пайтида бир тонна металл темир-терсакнинг нархи 4 500 сўмни ташкил қилган. Шундан келиб чиқиб, тугатиш қиймати 11 250 сўмни ташкил қилади. Агар тугатиш қиймати унча катта бўлмаса, амортизацияланган қийматни ҳисоблашда уни ҳисобга олмаслик мумкин.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ КЕЛИБ ТУШИШИ ҲИСОБИ

Асосий воситалар корхонага қуйидагилар натижасида келиб тушиши мумкин:

1. Уларни ҳақ тўлаб сотиб олиш, ушбу ҳолларда уларга корхонанинг асосий воситаларни такрор ҳосил қилишга инвестицияси сифатида қараш мумкин.

2. Амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган турли асослар бўйича юридик ва жисмоний шахслардан текинга олиш.

3. Асосий воситаларнинг корхонанинг устав фондига улуш сифатида келиб тушиши.

4. Агар гаровга берувчи томонидан қарз (ссуда) белгиланган ва узайтирилган муддатда қайтарилмаган бўлса, гаров ушловчи ташкилот томонидан аввал гаровга олинганларни ўз асосий воситалари таркибига баҳолаш қиймати бўйича киритиш.

5. Давлат ва муниципал унитар корхонаси томонидан устав фондини шакллантиришда асосий воситалар объектларини олиш.

6. Асосий воситалар объектларининг мол-мулкка нисбатан хўжалик юритиш (тезкор бошқарув) ҳуқуқини олган ташкилот ҳисобига келиб тушиши ва уларни ҳисобга қўйиш.

7. Шуъба (қарам) жамиятта бош ташкилотдан унга тегишли бўлган мол-мулкдан асосий воситаларнинг келиб тушиши.

8. Турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар томонидан давлат ва муниципал мол-мулкни хусусийлаштириш тартибида асосий воситаларнинг келиб тушиши.

9. Асосий воситаларни инвентарлашнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва тасдиқланган натижалари бўйича ортиқча топилган асосий восита объектларини бухгалтерия ҳисобига олиш.

10. Пудрат ёки хўжалик юритиш усули асосида яратилган асосий воситаларнинг келиб тушиши.

Асосий воситаларни ҳақ тўлаб сотиб олиш

Ҳақ тўлаб сотиб олинган асосий воситалар корхонага кирим қилинаётганда дастлабки қиймати бўйича баҳоланиши керак.

Ҳақ тўлаб мулк сифатида олинган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати «Асосий воситаларни сотиб олиш» 0820-ҳисобварағида калькуляция қилинади.

Асосий воситалар объектларининг дастлабки қиймат бўйича ўз асосий воситалари таркибига киритилиши бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Корхона томонидан ҳақ тўлаб сотиб олинган асосий воситалар бухгалтерия ҳисобига қабул қилинди	
Дебет	Кредит
0100 «Асосий воситалар»	0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш»

Шуни таъкидлаш жоизки, корхонанинг асосий воситаларни сотиб олишга қилган харажатларига капитал хусусиятли инвестициялар сифатида қаралади. Улар солиқ солинадиган даромадни (фойдани) белгилашда ҳисобга олинади.

Солиқ кодексининг 32-моддасига асосан корхонанинг солиқ солинадиган даромади (фойдаси) инвестицияларга (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга, коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари қурилишига), шунингдек инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган харажатлар суммасига, ҳисобланган эскиришдан тўлиқ фойдаланиш шарти билан, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилади.

Инвестиция дейилганда корхонанинг қуйидагиларга қилган ўз харажатлари тушунилади:

— янги қурилиш шаклидаги капитал қурилиш, шунингдек фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник қайта қуроллаш;

— ишлаб чиқариш зарурияти учун бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа алоҳида объектларни (ёки уларнинг қисмларини) сотиб олиш.

Кўрсатилиб ўтилган имтиёз инвестициялар:

— ўз маблағлари ҳисобига — инвестицияга амалга оширилган ҳақиқий харажатлар доирасида;

— банк кредитлари ҳисобига — амалда қопланган банк кредитлари доирасида, банк кредитларига хизмат кўрсатиш борасидаги харажатлардан ташқари, амалга оширилганда берилади.

Мисол.

Корхона идора учун қиймати 36 000 минг сўмлик, шу жумладан ҚҚС — 6 000 минг сўм, бино сотиб олди. Бинони сотиб олиш воситачи фирма ёрдамида амалга оширилган эди. Ушбу фирмага хизмати учун 150 минг сўм, шу жумладан ҚҚС 25 минг сўм, тўланди. Бинони сотиб олишдаги рўйхатдан ўтказиш йиғимлари ва божлар 2 500 минг сўмни ташкил қилди.

Барча харажатлар суммаси — 38 650 минг сўм (36 000 + 150 + 2 500) бинонинг дастлабки қиймати ҳисобланади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Бинони сотиб олиш акс эттирилади	36000	0820	6010	08	60
2	Воситачининг бинони сотиб олишдаги хизматлари қиймати акс эттирилади	150	0820	6010	08	60
3	Бинони сотиб олаётганда рўйхатдан ўтказиш йиғимлари ва божлар ҳисобдан чиқарилган	2500	0820	6990	08	76
4	Бино фойдаланишга топширилади	38650	0120	0820	01	08

Мисол.

Корхона етказиб берувчига монтажни талаб қиладиган ишлаб чиқариш ускунасини етказиб бериш ҳисобига 840 минг сўм, шу жумладан ҚҚС 140 минг сўм, миқдорида 100 фоизли

бўнак ўтказиб берди. Ушбу ускунани элтиб берганлиги учун транспорт ташкилотига 30 минг сўм, шу жумладан ҚҚС 5 минг сўм, тўланган. Етказиб берувчидан олинган ускуна корхонанинг омборхонасига кирим қилинган. Корхонанинг ёрдамчи цехи томонидан бажарилган ускунани монтаж қилиш бўйича харажатлар 40 минг сўмни ташкил қилди.

Ускунани сотиб олиш, етказиш ва монтаж қилиш бўйича амалда қилинган харажатлар уларни кейинчалик асосий воситаларга ўтказиш йўли билан капитал қўйилмалар таркибига киритилади. Шундай қилиб, ускунанинг дастлабки қиймати 910 минг сўмни (840 + 30 + 40) ташкил қилади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Қурилма учун олдиндан тўлов акс эттирилди	840	4320	5110	61	51
2	Етказиб берганлиги учун тўланган ҳақ акс эттирилди	30	4330	5110	61	51
3	Ускунани етказиб бериш ҳисобга олинган ҳолда омборга келиб тушиши акс эттирилди	870	0710	6010	07	60
4	Ускуна учун бўнак суммаси ҳисобдан чиқарилган	840	6010	4310	60	61
5	Етказиб берганлиги учун бўнак суммаси ҳисобдан чиқарилган	30	6010	4330	60	61
6	Ўрнатиладиган қурилма монтажга берилди	870	0820	0710	08	07
7	Ускуна қийматига қўшимча ишлаб чиқаришнинг монтаж бўйича харажатлари киритилди	40	0820	2310	08.2	23
8	Ускунани фойдаланишга топшириш акс эттирилди	910	0130	0820	01	08

Мисол.

Ишлаб чиқариш корхонаси маъмурият эҳтиёжлари учун енгил автомобиль сотиб олади. Автомобилнинг етказиб берувчига тўланган қиймати 4 500 сўмни, шу жумладан ҚҚС 150 минг сўмни ташкил қилди. Сотиб олишни расмийлаштиришдаги бошқа харажатлар (давлат божи, нотариусда расмийлаштириш, Йўл фондига йиғим) 322 минг сўмни ташкил қилди. Автомобилни сотиб олишдаги барча харажатлар бўнак сифатида тўланган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 28 августдаги «Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсларга беришни тартибга солиш тўғрисида» 354-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилиши керак бўлган автомототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларини расмийлаштириш фақат нотариуслар, уларни савдо қилиш ҳуқуқига тегишли рухсатномага эга бўлган ихтисослаштирилган савдо корхоналари орқали реализация қилишда эса — ушбу ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Сотиб олинган автомобилнинг дастлабки қиймати 4 822 минг сўмни (4 500 + 322) ташкил қилади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Автомобиль сотувчисига бўнак сифатида тўланган	4500	4320	5110	61	51
2	Автомобилни рўйхатдан ўтказиш бўйича харажатлар бўнак сифатида тўланган	322	4330	5110	61	51
3	Автомобилга мулк ҳуқуқининг ўтиши, автомобилнинг келиб тушиши акс эттирилади	4500 322	0820	6010, 6990	08	60, 76

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
4	Автомобиль фойдаланишга топширилади	4822	0160	0820	01	08
5	Бўнаклар суммаси ҳисобдан чиқарилди	4500 322	6010 6990	4320 4330	60 76	61 61

Шуни таъкидлаш жоизки, сотиб олинган асосий воситалар объектларини баҳолашда ва кирим қилишда умумий ўрнатилган солиқларни тўловчи субъектлар ва солиқ солишнинг алоҳида режими ўрнатилган тўловчилар ўртасида фарқ йўқ. Лекин бунда солиқ солишнинг махсус режимига эга бўлган корхоналар ишлаб чиқаришга йўналтирилган асосий воситалар объектларини сотиб олишда Солиқ кодексининг 32-моддаси билан тақдим қилинадиган имтиёзлардан фойдалана олмайдилар.

Юридик ва жисмоний шахслардан текинга олинган асосий воситалар объектларининг келиб тушиши

Тортиқ қилиш шартномаси ёки мол-мулкни текинга беришнинг бошқа асослари бўйича олинган асосий воситалар асосий воситаларнинг ўз объектлари таркибида «Асосий воситалар» 0100-гуруҳи ҳисобварақларида ҳисобга олинади, уларни кирим қилиш эса «Текинга олинган мол-мулк» 8530-ҳисобварағи билан корреспонденцияда асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлар дебети (0100) бўйича акс эттирилади.

Корхона томонидан тортиқ қилиш шартномаси бўйича ёки текинга олинган асосий воситалар бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган	
Дебет	Кредит
0100 «Асосий воситалар»	8530 «Текинга олинган мол-мулк»

Солиққа тортиш мақсадида текинга олинган асосий воситалар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш-

да солиққа тортиладиган базага киритилади («Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»-ги йўриқноманинг 10-«д»-банди).

Мисол.

Корхона жисмоний шахсдан аввал ишлатилган идора ускунасини текинга олди. Қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари бўйича ускунанинг қиймати 600 минг сўмни ташкил қилди. Аввал ҳисобланган эскириш суммаси — 240 минг сўм. Ускунани кўрикдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича корхонанинг харажатлари 60 минг сўмни ташкил қилди.

Идора ускунасининг дастлабки қиймати 660 минг сўмни (600+60) ташкил қилади. Корхона томонидан ускунани яроқли ҳолатга келтиргунга қадар қилинган харажатлар унинг дастлабки қийматига киритилади. Даромад солиғи ускуна текинга олинганлиги сабабли 600 минг сўмдан ҳисобланиши керак.

Бу ерда қабул қилиш-топшириш ҳужжатларида акс эттирилган, олдин ҳисобланган эскиришни (ускуна янги эмас) қандай ҳисобга олиш керак деган савол пайдо бўлиши мумкин.

Корхона бухгалтерияси ускуна келиб тушганда (унинг янгилиги ёки аввал ишлатилганлигидан қатъи назар) белгиланган намунадаги ҳисобга олишнинг инвентарь варақасини очади ва унга объект тўғрисидаги барча маълумотларни, яъни ускуна қиймати, ушбу корхонада фойдали хизмат муддати, амортизацияни ҳисоблаш усули ва бошқалар тўғрисидаги маълумотларни киритади, яъни объект тўғрисидаги дастлабки ахборотни шакллантиради. Шундай қилиб, ускунани кирим қилишда аввал ҳисобланган эскириш суммаси эътиборга олинмаслиги керак.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Идора ускунаси кирим қилинган	600	0140	8530	01	85.3

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
2	Ускунани кўрикдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилди	60	0890	1000, 6710, 6520	08	10, 70, 69
3	Ускуна фойдаланишга топширилди	60	0140	0890	01	08

Ягона солиқ тўловчи корхоналар текинга олинган мол-мулк қийматидан субъект фаолияти турига мос келувчи ставка бўйича солиқ ҳам тўлашлари керак.

Асосий воситаларнинг корхона устав капиталига улушлар сифатида келиб тушиши

Муассислар томонидан асосий воситалар кўринишида корхонанинг устав капиталига киритилган улушлар асосий воситаларни ҳисобга олиш 0110-0190-ҳисобварақларига «Муассисларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари» 4610-ҳисобварағи кредити билан корреспонденцияда кирим қилинади.

Муассислар томонидан корхонанинг устав капиталига улуш сифатида киритилган асосий воситалар кирим қилинган ва фойдаланишга топширилди	
Дебет	Кредит
0100 «Асосий воситалар»	4610 «Муассисларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари»

Мисол.

Масъулияти чекланган жамият — корхонанинг устав капитали таъсис ҳужжатларига асосан 750 минг сўмни ташкил қилади. Жамиятнинг муассиси бўлиб жисмоний шахс ҳисобланади, у улуш сифатида ишлаб чиқаришга мўлжалланган бинони киритади.

Улуш — бинонинг дастлабки қиймати 750 минг сўмни ташкил қилади, унинг корхона томонидан кирим қилиниши бухгалтерия проводкалари орқали акс эттирилади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Муассиснинг улуш бўйича қарзи акс эттирилади	750	4610	8330	75	85.1
2	Улушнинг келиб тушиши акс эттирилади	750	0120	4610	01	75

Гоҳида корхонанинг мулк эгаси (муассис) корхона фаолияти давомида ҳар қандай сотиб олинган ва «ҳисоб рақами»дан тўланган (амалий терминология сақлаб қолинган) асосий воситалар объектини устав капиталига улуш деб ҳисоблаши амалиётда учраб туради. Бунда харидорлар ва буюртмачилардан бўнак сифатида тушган пуллар, мақсадли улушлар ва бошқалар ҳисоб рақамидаги маблағлар бўлиши ҳисобга олинмайди. Ушбу суммалар муассисларнинг мулки ҳисобланмайди ва улардан сотиб олинган асосий воситалар учун тўлов воситаси сифатида фойдаланиш устав капиталидаги улушни кўпайтирмайди. Устав капитали — корхонанинг таъсис ҳужжатларида қайд қилиб қўйилган миқдордир. Шубҳасиз, у муассисларнинг қўшимча улушлари ҳисобига ҳам, корхонанинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига ҳам ўзгариши мумкин. Устав капиталидаги ҳар қандай ўзгариш биринчи навбатда корхонанинг таъсис ҳужжатларида акс эттирилиши ва амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Қуйида устав капиталига асосий воситалар объектлари билан қўшимча бадаллар ҳисобига муассисларнинг улушларини кўпайтириш бўйича бухгалтерия проводкаларига мисол келтирилган.

Мисол.

Масъулияти чекланган жамият жисмоний шахс-муассиси қиймати 450 минг сўмлик ускунани киритиш йўли

билан устав капиталини 1200 минг сўмгача кўпайтиришга қарор қилди.

Ҳужжатларни қайта рўйхатдан ўтказгандан сўнг бухгалтерия ҳисобида қуйидагиларни ёзиш керак.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Муассиснинг улуш бўйича қарзи акс эттирилади	450	4610	8330	75	85.1
2	Улушнинг тушиши акс эттирилади	450	0130	4610	01	75

Бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида аввал киритилган асосий воситалар объектларини қайтариш-ни ушбу объектларнинг ўзлари ёки қиймати бўйича тенг бўлган объектлар билан амалга оширии мумкин. Ушбу ҳолда қайтарилган асосий воситалар объектлари қиймати капитализация қилинмайди, балки асосий воситалар ҳисоби ҳисобварақлари дебети ва молиявий қўйилмалар ҳисоби ҳисобварақлари кредитида акс эттирилади.

Муассис улушини жамиятнинг устав капиталидан унинг бошланғич улушига тенг улуш ҳажмда қайтариш бирор-бир ушлаб қолишсиз тоза кўринишда амалга оширилади.

Мисол.

Ишлаб чиқариш корхонаси масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) муассислари таркибидан чиқмоқда. Муассисларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан МЧЖ аввал МЧЖ устав капиталига киритилган асосий воситалар (АВ) объектини қайтаради. Устав капиталига беришда АВ қиймати корхонанинг биринчи улуши миқдорига мос келган ва 1 000 минг сўмни ташкил қилган. АВ объектини муассисга қайтариш 700 минг сўм миқдоридаги қолдиқ қиймат бўйича амалга оширилади. АВ эскириши кўринишидаги улушнинг қолган қисми АВ бошқа объектлари билан берилади.

Бошқа корхонанинг устав капиталига олдин қўйилган ва корхонанинг муассислар таркибидан чиқиши муносабати

билан қайтарилган асосий воситалар объектларини кирим қилиш проводкалар билан акс эттирилади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Ҳисобланган эскиришга эквивалент бўлган улуш қисмининг бошқа АВлар билан келиб тушиши акс эттирилади	300	0110-0199	0690	01	06.1
2	Қолдиқ қиймат бўйича улушнинг келиб тушиши акс эттирилган	700	0110-0199	0690	01	06.1

Корхонага қайтарилаётган ва ҳисобланган эскириш қийматига эквивалент бўлган, устав капиталига қўйилган улушнинг бир қисми пул маблағлари кўринишида олиниши мумкин.

Мисол.

Корхона масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) муассислари таркибидан чиқяпти. Унга МЧЖ устав капиталига аввал киритган асосий воситалар (АВ) объекти қайтариляпти. АВ қиймати устав капиталига берилаётганда 1 400 минг сўмни ташкил қилган. Объект 800 минг сўмни ташкил қиладиган қолдиқ қиймат билан қайтарилган. АВ эскириши кўринишидаги улушнинг қолган қисми ҳисоб рақамига ўтказилиб берилади. Бундан ташқари, корхонага йиғилган фойдадан 300 минг сўм миқдордаги унинг улуши тўланади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Устав капиталига улуш — АВ объект-	600	5110	0690	51	06.1

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
	ларининг эскириши ҳисобига пул маблағларининг тушиши акс эттирилган					
2	Устав капиталига улуш — АВ объектларининг қолдиқ қиймати тушиши акс эттирилган	800	0100	0690	01	06.1
3	Жамланган даромад улушининг тушиши акс эттирилган (300–45)	255	5110	9520	51	80.4

Жамланган фойда ҳиссасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 455-сон қарорининг 8-иловасига асосан тўлов манбаидан дивидендлар бўйича 15%лик ставка бўйича солиқ ушланади. Бунда солиқ солиш мақсадлари учун дивидендлар деганда хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталидаги улуш сифатидаги иштирокидан олинадиган даромад ҳам тушунилади.

Асосий воситаларнинг гаров шартномаси асосида келиб тушиши

Хўжалик юритувчи субъектлар амалиётида асосий воситалар корхоналарга гаров шартномаси асосида келиб тушиш ҳоллари учрайди.

Гаров шартномаси бўйича операциялар Фуқаролик кодексининг 264-289-моддалари билан тартибга солинади. Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаровга кўра қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда кредитор (гаровга олувчи)

бу мажбурият бўйича ўз талаби гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан қаноатлантирилишига ҳақли бўлади.

Гаров кафолат, ипотека, шунингдек ҳуқуқлар гарови кўринишида бўлиши мумкин.

Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров кафолатли деб ҳисобланади.

Кўчмас мулкни гаровга қўйиш ипотека ҳисобланади.

Бино ёки иншоот ипотекасига айни бир вақтнинг ўзида ўша шартнома бўйича шу бино ёки иншоот жойлашган ер участкасини ёхуд бу участканинг гаровга қўйилаётган объект ишлашини таъминлайдиган қисмини ёки гаровга қўювчига қарашли бўлган ушбу участкани ёхуд унинг тегишли қисмини ижарага олиш ҳуқуқини бир вақтда ипотекага қўйган тақдирдагина йўл қўйилади. Ер участкасини ипотекага қўйишда гаров ҳуқуқи, агар шарт-номада бошқача шарт назарда тутилган бўлмаса, гаровга қўювчининг ушбу участкада бўлган ёки қурилаётган бинолари ва иншоотларига тегишли эмас.

Агар гаровга қўювчига эмас, балки бошқа шахсга қарашли бинолар ёки иншоотлар жойлашган ер участкасига ипотека белгиланган бўлса, гаровга олувчи ундирувни ушбу участкага қаратганида ва у кимошди савдосида сотилганида гаровга қўювчининг ушбу шахсга нисбатан ҳуқуқ ва бурчлари участкани сотиб олувчига ўтади.

Бутун корхона ёки бошқа мулкий комплекс ипотекасида гаров ҳуқуқи унинг таркибига кирувчи кўчмас ва кўчар мол-мулкнинг ҳаммасига, шу жумладан талаб қилиш ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқларга, шу билан бир қаторда ипотека даврида олинган ҳуқуқларга ҳам, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, жорий қилинади.

Агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчида қолади. Гаров нарсаси гаровга қўйилганлигини билдирувчи белгилар қўйган ҳолда гаровга қўювчида қолдирилиши мумкин (қатъий гаров) (ФК 269-моддаси).

Ипотека деб белгиланган мол-мулк гаровга олувчига топширилмайди.

Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан асосий воситалар гаров сифатида бўлиши мумкин.

Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилади.

Гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан нотариал тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган шахснинг даъвосига кўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Гаров шартномаси тугагунга ва гаровга берувчи томонидан гаров мажбурияти шартлашилган муддатда тўлиқ қоплангунга қадар гаровга олувчи қарз мажбуриятларини «Мажбуриятлар ва тўловларнинг таъминоти — олинган» 008-балансдан ташқари ҳисобварағида ҳисобга олади.

Гаровга олувчи қарз бўйича мажбуриятларни ҳисобга олади	
«Мажбуриятлар ва тўловларнинг таъминоти олинган» 008-балансдан ташқари ҳисобварағи дебети	

Гаровга асосан кредитор гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор ушбу мажбуриятни бажармаган ҳолда (гаров ссудасини шартномада белгиланган, шунингдек узайтирилган муддатда қайтармаганда ёки ночор бўлганда) гаров шартномаси бўйича қарзни гаровга қўйилган мулк қийматидан қоплаш ҳуқуқига эга. Бунда у гаровга берувчининг бошқа кредиторларига нисбатан устунликка эга бўлади.

Гаровга олувчи асосий воситаларни гаровга берувчининг гаров шартномаси бўйича дебиторлик қарзи миқдорида ҳисобга қабул қилади	
«Асосий воситаларни сотиб олиш» 0820-ҳисобварағи дебети	«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» 4010-, «Бошқа дебиторларнинг қарзлари» 4890-, «Берилган қисқа муддатли қарзлар» 5830-ҳисобварақлари кредитлари
«Асосий воситалар» 0100-ҳисобварағи дебети	«Асосий воситаларни сотиб олиш» 0820-ҳисобварағи кредити

Келтирилган бухгалтерия ёзуви билан бир вақтда гаров қарзи бўйича мажбуриятлар ҳисобдан чиқарилади.

Гаровга олувчи гаров шартномаси бўйича мажбуриятларни ҳисобдан чиқаради	
	«Мажбуриятлар ва тўловларнинг таъминоти — олинган» 008 балансдан ташқари ҳисобварағи кредити

Гаров қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

1) гаров билан таъминланган мажбурият бекор бўлганида;

2) гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфи бўлганда гаровга қўювчининг талаби билан;

3) гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганида ёки гаровга қўйилган ҳуқуқ бекор бўлганида, агар гаровга қўювчи гаров нарсасини тиклаш ёки уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштириш ҳуқуқидан фойдаланган бўлмаса;

4) гаровга қўйилган мол-мулк кимошди савдосида сотилган тақдирда, шунингдек уни сотиш мумкин бўлмаган тақдирда.

Кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганида гаровга олувчи гаровга қўювчи билан келишиб, гаровга қўйилган мол-мулкни сотиб олишга ва харид нархини гаров билан таъминланган ўз талаблари ҳисобига ўтказишга ҳақли. Бундай келишувга нисбатан олиш-сотиш шартномаси қоидалари қўлланилади.

Такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганида гаровга олувчи гаров нарсасини такрорий кимошди савдосидаги бошланғич сотиш нархидан кўпи билан 10% камайтирган суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақли.

Агар гаровга олувчи гаров нарсасини ўзида олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинган кундан эътиборан бир ой давомида фойдаланмаса, гаров шартномаси бекор қилинади.

Гаров билан таъминланган мажбурият бажарилиши натижасида ёки гаровга қўювчининг талаби билан гаров бекор бўлганида ихтиёрида гаровга қўйилган мол-мулк бўлган гаровга олувчи уни дарҳол гаровга қўювчига қайтариб бериши шарт.

Мисол.

Корхона фоизларини тўламаслик шарти билан 265 минг сўм миқдорда қарз тақдим қилиш тўғрисида шартнома тузди. Ушбу шартномани таъминлаш ҳисобига қиймати 425 минг сўмлик ускуна унга гаровга берилди. Ҳисобланган амортизация суммаси 160 минг сўмни ташкил қилди. Шартнома бўйича гаров қиймати 265 минг сўм деб белгиланган. Қарз вақтида қайтариллмади. Гаровга қўйилган мол-мулк 290 минг сўмга кимошди савдосида сотилди. Савдони ўтказиш бўйича харажатлар 15 минг сўмни ташкил қилди.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Қарз шартномаси бўйича пул маблағлари берилди	265	5830	5110	58	51
2	Шартнома бўйича қарз мажбурияти ҳисобга қабул қилинди	265	008		008	
3	Шартнома бажарилмаганлиги сабабли ускуна кирим қилинди	265	0820 0130	5830 0820	08 01	58 08
	Қарз мажбурияти ҳисобдан чиқарилди	265		008		008
4	Ускунанинг дастлабки қиймати ҳисобдан чиқарилди	265	9210	0130	47	01
5	Ускунани сотишдан олинган даромад акс эттирилади	290	4010	9210	62	47
6	Реализация қилиш бўйича қилинган харажатлар ҳисобдан чиқарилди	15	9210	6990	47	76
7	ҚҚС ҳисобланди	48	9210	6410	47	68
8	Ускунани сотиш натижаси акс эттирилди	38	9430	9210	26.3	47

Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдан келган зарар (38 минг сўм) Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1-иловаси, 1.39-бандига асосан қайтадан ҳисоб билан солиққа тортиладиган базага қайта тикланиши керак бўлади. (Уч йилдан ортиқ хўжалик субъекти томонидан фойдаланишда бўлган асосий воситаларни сотишдан кўрилган зарар бундан мустасно.)

Давлат ва муниципал унитар корхоналар томонидан устав фондини шакллантиришда асосий воситалар объектларининг олиниши

Унитар корхонани ташкил қилишда унинг мулк эгалари устав капиталига асосий воситалар объектларини улар топширилган пайтдан бошлаб хўжаликда юритиш ёки тезкор бошқариш ҳуқуқи билан улуш сифатида бериши мумкин, башарти қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳуқуқ ҳужжатлари ёки мулкдорнинг қарори билан бошқа-ча тартиб белгиланган бўлмаса (ФК 181-моддаси).

Хўжаликда юритиш ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлган давлат ёки муниципал унитар корхонаси ФК 177-моддасига асосан ушбу мол-мулкка белгиланган доирада эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Корхона хўжаликда юритиш ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаровга қўйишга, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав капиталига ҳисса сифатида топширишга ёки бу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли эмас. Корхонага қарашли бошқа мол-мулкни у мустақил тасарруф этади, қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилган ҳолатлар бундан мустасно.

Корхонани ташкил қилишда давлат ёки муниципал унитар корхона томонидан хўжалик усулида юритиш (тезкор бошқариш) ҳуқуқи асосида олинган асосий воситалар «Асосий воситалар» 0100-ҳисобварағи дебети бўйича корхонани ташкил қилиш ва унинг балансига мол-мулкни ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қайд қилинган миқдорда акс эттирилади.

Муассис томонидан корхонани ташкил қилишда киритилган ва мол-мулк билан берилган асосий воситалар давлат ёки муниципал унитар корхона томонидан кирим қилинган ва фойдаланишга топширилди	
«Асосий воситалар» 0100-ҳисобварағи дебети	«Пайлар ва улушлар» 8330-ҳисобварағи кредити

Агар асосий воситаларни хўжаликда юритиш (тезкор бошқариш)га бериш унитар корхонанинг белгиланадиган устав фонди суммасидан ортиқ суммада амалга оширилади-ган бўлса, бундай ҳолда унитар корхона томонидан асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобига олиш «Текинга олинган мол-мулк» 8530-ҳисобварағи кредити билан корреспонденцияда белгиланган устав фонди суммасидан ортиқча олинган асосий воситалар қийматига «Асосий воситалар» 0100-ҳисобварағи дебети бўйича ёзувлар билан расмийлаштирилади.

Бош ташкилотдан ўзига тегишли бўлган мол-мулкни олган шуъба (қарам) жамиятта асосий воситаларнинг келиб тушиши

Агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, шунингдек бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шуъба хўжалик жамияти ҳисобланади (ФК 67-моддаси). Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг 20%дан кўпроғига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам жамият деб ҳисобланади (ФК 68-моддаси).

Шуъба (қарам) жамиятлар уларни ташкил қилишда муассисдан олган асосий воситаларни умумий қабул қилинган тартибда ҳисобга олади.

Шуъба (қарам) жамият бош ташкилотдан олган асосий воситаларни таъсис ҳужжатларида кўрсатилган қиймат бўйича кирим қилади	
«Асосий воситалар» 0100-ҳисобварағи дебети	«Муассисларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари» 4610-ҳисобварағи кредити

Субъект фаолиятининг тугатилиши ёки бошқа сабаблар билан шуъба (қарам) жамият томонидан асосий воситаларни бош ташкилотга қайтариш проводка орқали расмийлаштирилади:

Шуъба (қарам) жамият устав капиталига бош ташкилотдан улуш сифатида олган асосий воситаларни қайтаради	
«Устав капитали» 8300-ҳисобварағи дебети	«Чиқиб кетаётган муассисларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар» 6620-ҳисобварағи кредити

Асосий воситаларнинг давлат ва муниципал мол-мулкини хусусийлаштириш (сотиб олиш) тартибида келиб тушиши

Хусусийлаштиришда (сотиб олишда) давлат ва муниципал корхоналари мол-мулк комплекси сифатида иштирок этади. Ушбу комплекс таркибига мол-мулкнинг барча турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуналар ва шу кабилар кўринишидаги асосий воситалар киради. Объектлар сотиб олувчи корхона томонидан уларнинг топшириш балансида акс эттирилган ҳақиқий қиймати бўйича кирим қилиниши керак бўлади.

Бунда кирим қилинган активларнинг сотиб олиш (тўлаш) нархи ва ҳақиқий нархи ўртасида фарқ вужудга келиши мумкин. Ушбу фарқ номоддий актив деб тан олинади ва «Гудвилл» 0480-ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Активларни ва сотиб олишда (хусусийлаштиришда) вужудга келган гудвиллни кирим қилиш қуйида келтирилаётган схемада акс эттирилган.

Корхона томонидан давлат ёки муниципал корхонани хусусийлаштиришда келиб тушган асосий воситалар кирим қилинди		
Корхонани сотиб олиш акс эттирилади	«Бошқа капитал қўйилмалар» 0890-ҳисобварағи дебети	«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» 6010-ҳисобварағи кредити
Корхона активларининг бухгалтерия балансига асосан кирим қилиниши	«Асосий воситалар» 0100-гуруҳи ҳисобварақлари дебети	«Бошқа капитал қўйилмалар» 0890-ҳисобварағи кредити
Гудвиллни (ижобий) кирим қилинган активларнинг сотиб олиш нархи ва ҳақиқий қиймати ўртасидаги фарқ сифатида акс эттирилиши	«Гудвилл» 0480-ҳисобварағи дебети	«Бошқа капитал қўйилмалар» 0890-ҳисобварағи кредити

Мисол.

Ишлаб чиқариш корхонаси тугатилмаган қурилиш объектини хусусийлаштиряпти. Хариднинг қиймати 25 000 минг сўмни ташкил қилди. Бунда актив миқдори (қурилиши тугалланмаган бино) 12 000 минг сўмни ташкил қилди.

Корхона икки турдаги активлар қабул қилинишини: тугалланмаган қурилишни (12 000 минг сўм) ва гудвиллни (13 000 минг сўм) акс эттириши керак.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Корхонанинг харидди акс эттирилади	25000	0890	6010	08.7	60
2	Қурилиши тугалланмаган объект кирим қилинади	12000	0810	0890	08.1	08.7
3	Гудвилл акс эттирилади	13000	0480	0890	04	08.7

«Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товар (иш, хизмат)лар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш

ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномaнинг (янги таҳрири) 25-бандига асосан хусусийлаштирилаётган мол-мулк қиймати қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилинган.

Корхонани бошқа ташкилотдан (фирмадан) сотиб олишда қўшилган қиймат солиғи умумий ўрнатилган тартибда ҳисобварақ-фактурага асосан тўланади. Бунда корхона сотувчиси томонидан ягона (мол-мулк комплексига) ҳисобварақ-фактура ёзиб берилади. Ушбу ҳолатда кирим қилинаётган активлар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини қандай тақсимлаш керак? Бунда ҚҚС суммасини тақсимлаш коэффициентини ҳисоблаб чиқиш керак. База қилиб ҳар бир кирим қилинаётган активнинг сотиб олинган корхонанинг барча активлари умумий қийматига бўлган улуши олиниши керак. Асосий воситалар бўйича ҚҚС суммаси уларнинг дастлабки қийматига киритилиши керак, товар-моддий захиралар бўйича эса корхонани ҚҚС бўйича бюджет олдидаги қарзини камайтиришга (зачётга) қабул қилинади.

Мисол.

Ишлаб чиқариш корхонаси фирма магазинини ташкил қилиш учун савдо дўкони сотиб олди. Харид қиймати 36 000 минг сўмни, шу жумладан ҚҚС — 6 000 минг сўмни ташкил қилди. Кирим қилинган активларнинг қиймати баланс бўйича:

— дўкон биноси — 12 000 минг сўм;

— савдо жиҳозлари — 8 000 минг сўм;

— совутиш ускуналари — 10 000 минг сўм.

ҚҚС суммаси — 6 000 минг сўмни қуйидагича тақсимлаш керак:

Т/р	Активлар номи	Активлар қиймати, млн сўм	Тақсимлаш коэффициенти	Коэффициент бўйича ҚҚС суммаси, млн сўм	Активларнинг ҚҚС билан дастлабки қиймати
1	Бино	12	12/30	2,4	14,4
2	Савдо жиҳозлари	8	8/30	1,6	9,6
3	Совутиш ускуналари	10	10/30	2,0	12
	Жами	30		6	36

Инвентарлаш натижасида аниқланган асосий воситаларнинг келиб тушиши

Корхонада инвентарлашни ўтказиш, шунингдек аниқланган тафовутларни ҳисобга олиш 1999 йил 2 ноябрда Адлия вазирлигида 833-сон билан рўйхатдан ўтган «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» 19-сон БҲМС ва 2001 йил 23 июлда Адлия вазирлигида 1054-сон билан рўйхатдан ўтган «Инвентарлаш пайтида аниқланган мол-мулк камомадлари ва ортиқча чиқишларнинг бухгалтерия ҳисоби ҳамда солиққа тортиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан амалга оширилади.

Инвентарлаш натижалари бўйича ортиқча деб тан олинган асосий воситалар объектлари асосий воситаларни ўрнатилган тартибда қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади ва уларнинг ҳақиқий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ортиқчаликлар аниқланган санада худди шундай объектларнинг амалдаги бозор қиймати нархида ҳисобга олинади (кейин ортиқчаликлар пайдо бўлишининг сабаблари ва айбдор шахслар аниқланади).

Объектларнинг бозор қийматини белгилаш учун қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- маҳсулот тайёрловчи ташкилот ва унинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржалари, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган, худди шундай маҳсулот нархлари тўғрисидаги маълумотлар;
- камомад (ортиқча маҳсулотлар)ни аниқлаш санасига ва тегишли объектни харид қилиш санасига Марказий банк курсларининг нисбати сифатида белгиланадиган ҳисоб-китоб коэффициентини қўллаган ҳолда харид қилиш санасида (тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганда) ЭАВда активларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотлар;
- тегишли давлат органларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;
- инвентарлашни ўтказиш пайтида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда эълон қилинган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;
- тегишли объектларнинг қиймати тўғрисида эксперт хулосалари.

Ортиқча деб топилган асосий воситалар кирим қилинди ва фойдаланишга топширилди	
«Асосий воситалар» 0100-ҳисобварағи дебети	«Бошқа операцион даромадлар» 9390-ҳисобварағи кредити

«Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг 10-бандига асосан ортиқча деб топилган асосий воситаларнинг қиймати даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда корхонанинг жами даромадига киритилиши ва корхонанинг мол-мулкига солиқни ҳисоблашда ҳисобга олиниши керак.

Асосий воситаларнинг ҳисобга олинмаган объектлари бўйича амортизация улар жорий этилган тартибда асосий воситалар таркибига киритилган вақтдан ҳисобланади.

Мисол.

Инвентарлаш натижасида корхонанинг омборида ҳар бирининг бозор нархи 8 000 сўм бўлган 4 дона ҳисобга олинмаган моддий бойликлар (стуллар) топилди. Стуллар фойдаланиш учун корхонанинг ходимлар бўлимига берилди.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Инвентарлаш натижасида топилган стуллар ҳисобга олинди	32	0140	9390	01	80.3
2	Ҳисоб сиёсатида белгиланган меъёрларда ҳар ойда амортизация ҳисобланади		9420	0240	26.2	02

Худди шундай тартибда, яъни бозор қиймати бўйича ва ортиқчаликлар топилган санага (кейин ортиқчаликлар пайдо бўлишининг сабаблари ва айбдор шахслар аниқланади) ўрнатилмаган жиҳозлар объектлари кирим қилинади.

Ортиқча деб топилган ўрнатиш жиҳозлари объектлари кирим қилинди	
«Ўрнатиш жиҳозлари» 0700-ҳисобварағи дебети	«Бошқа операцион даромадлар» 9390-ҳисобварағи кредити

Пудрат ёки хўжалик усули билан барпо этилган асосий воситаларнинг келиб тушиши

Пудрат ёки хўжалик усули билан барпо этилган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати «Тугалланмаган қурилиш» 0810-ҳисобварағида шаклланадиган тугалланган ва топширилган капитал қурилишга ҳақиқатда кетган харажатлар суммасига тенг. Капитал қурилиш ўз ичига қурилиш, монтаж, ишга тушириш-созлаш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни олади.

Ташкилот томонидан тугалланган ва топширилган капитал қурилиш объектлари сифатида қабул қилинадиган ўзига қарашли асосий воситалари таркибига қуйидагилар киритилади:

- қурилиш таркибида (қурилиш, ишга тушириш комплекси навбати) барпо этилган бинолар ва иншоотлар ва шу жумладан тураржой фонди объектлари ва ташқи ободонлаштириш объектларини ҳисобга олган ҳолда бошқа асосий воситалар, шунингдек ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари;
- алоҳида турувчи бинолар, иншоотлар;
- қўшимча, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи мақсаддаги (қозонхоналар, омборхоналар ва шу кабилар) қўшиб қурилган бинолар ва қураётган ташкилот томонидан ҳаракатга киритгунга қадар фойдаланишга қабул қилинган умумий қурилишнинг алоҳида объектлари, агар кўрсатилган объектлардан фойдаланиш амалда бошланган бўлса;
- қурилишнинг смета қиймати ҳисобига қурилган ва қурувчига (буюртмачига) топширилган вақтинчалик (титулли) бинолар ва иншоотлар, агар уларнинг қиймати асосий объект қурилишининг шартнома ёки бошқа нархида назарда тутилмаган ёки тутилган бўлса;
- фойдаланишга қабул қилинган қурилиш объектида ёки фойдаланишга топшириш ўрнатилган тартибда рас-

мийлаштирилган фаолият кўрсатаётган ташкилотни қайта куриш ва кенгайтиришда ўрнатилган (монтаж қилинган, йиғилган) ускуна;

• қурилиши тугалланган объект қурилишни ҳамкорликда молиялаштиришда ташкилот томонидан фойдаланишга қабул қилинган қисмида.

Пудрат ёки хўжалик юритиш йўли билан барпо этилган асосий воситалар кирим қилинди ва фойдаланишга топширилди	
«Асосий воситалар» 0100-ҳисобварағи дебети	«Тугалланмаган қурилиш» 0810-ҳисобварағи кредити

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЧИҚИБ КЕТИШИ

Асосий воситаларни ҳақ эвазига сотиш

Асосий воситаларнинг реализация қилиниши муносабати билан чиқиб кетиши бухгалтерия ҳисобида Адлия вазирлигида 2001 йил 5 апрелда 1023-сон билан рўйхатдан ўтган «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Низом ва 21-сонли БҲМСга асосан акс эттирилади.

Асосий воситалар объектлари қийматини ҳисобдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» 9210-ҳисобварағида акс эттирилади.

Бунда ёзувлар **батафсил** амалга оширилади:

— «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» 9210-ҳисобварағи **дебети** бўйича — асосий воситалар ҳисоби ҳисобварағида ҳисобга олинадиган объектнинг дастлабки қиймати ва воситалар чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган харажатлар. Дастлаб улар ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари (ҳисобланган меҳнат ҳақи ва асосий воситаларни чиқариб юбориш борасида операцияларда иштирок этувчи ходимларни ижтимоий суғурталашга ўтказилган ажратмалар, солиқлар ва асосий воситаларни сотишдан тушган тушумлардан тўланадиган йиғимлар ва бошқалар) ҳисоби ҳисобварағида йиғилиши мумкин;

— «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» 9210-ҳисобварағи **кредити** бўйича — ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси, асосий воситаларга киритувчи бойликларни сотишдан тушган тушумлар суммаси.

Жорий ҳисобот даврида «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» 9210-ҳисобварағи бўйича дебет сальдоси (зарар) «Бошқа операцион харажатлар» 9430-ҳисобварағига, кредит сальдоси эса (фойда) — «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган фойда» 9310-ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситаларнинг уларни ҳақ эвазига реализация қилишда чиқиб кетиши		
	Дебет	Кредит
АВ дастлабки (тиклаш) қийматини ҳисобдан чиқариш	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0100 «Асосий воситалар»
Ҳисобланган эскиришни ҳисобдан чиқариш	0200 «Асосий воситаларнинг эскириши»	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
АВ сотишдан тушган тушумнинг акс эттирилиши	4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
АВ сотишдан келган зарарнинг акс эттирилиши	9430 «Бошқа операцион харажатлар»	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
АВ сотишдан келган фойданинг акс эттирилиши	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	9310 «Асосий воситаларни чиқиб кетишидан олинган фойда»
Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)»

Тўлиқ амортизацияланмаган асосий воситаларни сотишдан олинган фойда (зарар) сотилаётган асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қиймати, қўшилган қиймат солиғи билан мазкур объектни сотиш харажатлари ва тушумига тузатилган ойнинг биринчи кунига ҳисоблаб ёзилган эскириш ўртасидаги айирма сифатида белгиланади:

$$\text{Сф(з)} = \text{Дқ} + \text{ҚҚС} - \text{Э} + \text{Сх} - \text{Ст},$$

бу ерда:
Сф(з) — сотишдан олинган фойда (зарар);
Дқ — дастлабки (тиклаш) қиймати;
ҚҚС — қўшилган қиймат солиғи;
Э — эскириш;
Сх — сотиш харажатлари;
Ст — сотишдан олинган тушум.

Асосий воситаларни сотишдаги айланма қўшилган қиймат солиғи солинадиган айланма ҳисобланади. Солиқ солинадиган айланма миқдори асосий восита объектлари-

нинг сотиш баҳоси билан қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқи кўринишида белгиланади (Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (янги таҳрирда) 22-банди).

Асосий воситаларни қолдиқ кийматидан паст нархда (зарарига) сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашга асос бўлмайди, даромад (фойда) солиғи бўйича қарор эса ҳар бир алоҳида ҳолат бўйича қабул қилиниши керак. Бу шу билан боғлиққки, солиқ қонунчилиги (умумий тартибда ўрнатилган солиқларни тўловчилар учун) солиқ солинадиган базага хўжалик юритувчи субъект томонидан уч йилгача ишлатилган асосий воситаларни сотиш (ҳисобдан чиқариш)дан кўрилган зарар тикланиши ҳолатларини назарда тутади. (Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга 1-сон Илованинг 1.39-банди).

Асосий воситаларни реализация қилишдан кўрилган даромадлар ва харажатлар бухгалтерия ҳисобида улар тегишли бўлган ҳисобот даврида кўрсатилади ва операцион даромадлар ва харажатлар сифатида фойда ва зарар ҳисобига ёзилиши керак бўлади.

Мисол.

Корхона юридик шахсга 160 минг сўм нарх бўйича сейф сотяпти. Сейфнинг дастлабки қиймати 80 минг сўмни, сотилган санасига ҳисобланган амортизация эса 22 минг сўмни ташкил қилади.

Сейфни сотиш қуйидаги бухгалтерия проводкалари билан акс эттирилади:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Сейфни сотишдан келган даромад акс эттирилди	160	4010	9210	62	47

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
2	Сейфнинг дастлабки қиймати ҳисобдан чиқарилди	80	9210	0140	47	01
3	Ҳисобланган эскириш ҳисобдан чиқарилди	22	0240	9210	02	47
4	Сотишдан ҚҚС ҳисобланди	17	9210	6410	47	68
5	Сейфни сотиш натижаси акс эттирилди (160−58−17)	85	9210	9310	47	80.3

Қўшилган қиймат солиғи 17 минг сўмни ташкил қилди [(160−58)×20 : 120].

Корхона асосий воситаларни сотишда, ушбу ҳолда сейфни, харидорга ўрнатилган тартибда ҳисобварақ-фактура ёзиб бериши шарт. Ҳисобварақ-фактуранинг шакли ва уни тўлдириш тартиби «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товар (иш, хизмат) лар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг (янги таҳрири) 2-сон иловасида келтирилган.

Сейфни сотишда ҳисобварақ-фактура қуйидагича тўлдирилади:

— 1-устунга «Сейф» ёзилади;

— 2-устунга «дона ёки бирлик» кўрсатилади;

— 3-устун тўлдирилмайди;

— 4-устунда сейфнинг 58 минг сўм қолдиқ қиймати кўрсатилади;

— 5-устунда, солиқ солинадиган айланма ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи киритилган ҳолда сотиш нархи — 160 минг сўм акс эттирилади;

— 6-устунда ҚҚС ставкаси — 20% кўрсатилади;

— 7-устунда ҚҚС суммаси — 17 минг сўм ёзилади;

— 8-устунда ҚҚС билан сотиш қиймати — 160 минг сўм кўрсатилади.

Асосий воситаларни сотишдан келган даромад «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг 2.4-бандига асосан асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган бошқа даромадларга киради. Ва, бошқа даромадлар сифатида, бизнинг нуқтаи назаримизда, Йўл ва Пенсия фондларига мажбурий ажратмалар учун объект ҳисобланмайди. Ушбу хулосага Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 июлдаги «Республика йўл фондини ташкил этиш тўғрисида» 334-сон Қарорининг 3-бандига ва Адлия вазирлигида 2001 йил 16 мартда 1018-сон билан рўйхатдан ўтган «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий улушлар ва ажратмаларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 33-бандига асосланган ҳолда келиш мумкин. Кўрсатилган бандларга асосан Мажбурий ажратмалар объекти бўлиб ҳисобот даврида (ойида) сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҚҚС, акциз солиғисиз ҳақиқий ҳажми ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу объект мажбурий ажратмалар суммаси ҳисоб-китобининг ўзида, 1-сатрда аниқлаштирилган — объект сифатида ҳажм кўрсатилган (2-сон шакл, 50-қатор). Ҳисоб-китоб шаклига 2003 йил 4 июндан кучга кирган ўзгартишлар киритилган бўлсада, яна ҳам аниқроғи, 2-сон шаклнинг 50-сатрига мурожат қилиш олиб ташланган, гапнинг моҳияти аввалгидай қолган, ажратма объекти бўлиб ҳақиқатда сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажми ҳисобланади.

Ягона солиқ тўловчи корхоналар учун асосий воситаларни сотишда солиқ солиш объекти бўлиб сотилган мол-мулк қиймати ҳисобланади (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сон Қарорига 26-сон илованинг 11«б»-банди). Яъни, юқорида келтирилган мисол бўйича ягона солиқ кичик корхонанинг фаолият турига мос келадиган ставкалар бўйича 160 минг сўмдан ҳисобланади.

Корхоналар олди-сотди шартномасида асосий воситаларни ҳақ эвазига сотишда сотилаётган активлар қийматини чет эл валютасида кўрсатишлари мумкин. Ушбу ҳолларда «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқ-

номанинг (янги таҳрирда) 44-бандига асосан ҳисобварақ-фактуралар ҳисобварақ-фактура ёзилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича қайта ҳисобланган сўмларда ёзилади.

Мисол.

Дастлабки қиймати 120 минг сўм, эскириш қиймати 30 минг сўм, шартномавий нархи 60 минг сўм бўлган шкаф сотилди.

Мисолда қўшилган қиймат солиғи солинган айланма мавжуд эмас, чунки шкаф қолдиқ қийматидан паст нархда сотилган [60–(120–30)].

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Шкафнинг дастлабки қиймати ҳисобдан чиқарилди	120	9210	0130	47	01
2	Ҳисобланган эскириш ҳисобдан чиқарилди	30	0230	9210	02	47
3	Шкафни сотиб олувчиларнинг қарзи акс эттирилган	60	4010	9210	62	47
4	Молиявий натижа белгиланди	30	9430	9210	26.3	47

Корхона ҳукумат ёки мулк эгаларининг қарори билан олдин қайта баҳоланган асосий воситалар объектларини сотаётганда уларни асосий воситалар чиқиб кетиши ҳисобварағига ҳисобдан чиқариш тиклаш қиймати бўйича амалга оширилади. Бунда савол пайдо бўлади: «Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» 8510-ҳисобварағини сотилаётган объектларни қўшимча баҳоланган суммасига тузатиш керакми? Бизнинг фикримизча, керак эмас, чунки асосий воситалар чиқиб кетишда тиклаш қиймати билан, яъни қўшимча баҳолаш суммаси ҳисобга олинган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

Боцқа масала шундаки, 8510-ҳисобварақ келгусида, актив сотилганидан сўнг, эндиликда корхонада мавжуд бўлмаган объект тўғрисида маълумотни сақлайди.

Мисол.

Корхона дастлабки қиймати 100 минг сўм бўлган сканер сотди. Ҳисобланган эскириш суммаси — 40 минг сўм. Қайта баҳолаш натижасида сканернинг қиймати икки баробарга ошди, тегишлича йиғилган амортизация суммаси қайтадан ҳисоблаб чиқилди. Қайта баҳолашдан сўнг сканер дарҳол 200 минг сўм нархда сотилди.

Қўшимча баҳолаш суммаси 100 минг сўмни ташкил қилди (100×2−100).

Қайта ҳисоблаш коэффициенти 2 га тенг (200 : 100), кўрсатилган коэффициент бўйича қайта ҳисобланган йиғилган амортизация суммаси 80 минг сўмга (40×2), эскиришни қўшимча баҳолаш суммаси 40 минг сўмга тенг (40×2−40).

ҚҚС суммаси 13,3 минг сўмни ташкил қилади [{(200−(200−80)} : 120×20].

Сканерни сотишдан 66,7 минг сўм миқдорда фойда олинди [200−13,3−(200−80)].

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Сканерни қўшимча баҳолаш суммаси акс эттирилади	100	0150	8510	01	85.3
2	Эскиришни қўшимча баҳолаш суммаси акс эттирилади	40	8510	0250	85.3	02
3	Сканерни сотиб олувчининг қарзи акс эттирилади	200	4010	9210	62	47
4	Сканернинг дастлабки (тиклаш) қиймати ҳисобдан чиқарилади	200	9210	0150	47	01
5	Ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобдан чиқарилади	80	0250	9210	02	47

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
6	ҚҚС ҳисобланган	13,3	9210	6410	47	68
7	Сканерни сотиш натижаси акс эттирилади	66,7	9210	9310	47	80.3

Асосий воситаларни бошқа корхоналарнинг устав капиталларига чиқиб кетиши

Асосий воситаларнинг уларни бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида берилиши муносабати билан чиқиб кетиши таъсис шартномасига асосан амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисоб-китобида ушбу ўтказиш «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 5-параграфига ва 21-сон БҲМСга асосан акс эттирилиши керак.

Асосий воситаларнинг уларни бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида беришда чиқиб кетиши		
	Дебет	Кредит
АВ дастлабки (тиклаш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0100 «Асосий воситалар»
Ҳисобланган эскиришининг ҳисобдан чиқарилиши	0200 «Асосий воситаларнинг эскириши»	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Устав капиталига асосий воситалар билан киритилган улушнинг акс эттирилиши	0600 «Узоқ муддатли инвестициялар»	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)»

Асосий воситаларни устав капиталига улуш сифатида бериш жорий қиймат бўйича амалга оширилади. Қоида бўйича асосий воситаларнинг қиймати жорий қийматга

қадар қўшимча баҳоланади. Устав капиталига улуш сифатида беришда асосий воситаларни қўшимча баҳолаш суммаси даромад ҳисобланмайди. У корхонанинг резерв капитали сифатида акс эттирилади.

Лекин, асосий воситаларни улуш сифатида бошқа корхоналарнинг устав капиталига беришнинг ўзи қўшилган қиймат солиғи солинадиган айланма ҳисобланади ва улуш нархи билан қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади. Асосий воситаларнинг устав капиталига улуш сифатида чиқиб кетишдаги солиқ тўловларини мақбуллаштириш борасидаги мисоллар ва тушунтиришлар «Асосий воситаларни баҳолаш» бўлимида келтирилган.

Асосий воситаларни текинга бериш

Ҳадя шартномасига асосан амалга оширилаётган асосий воситалар объектларини текинга бериш асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Асосий воситалар қийматини ҳисобдан чиқариш қабул қилаётган ташкилотнинг уларни бухгалтерия хисоб-китобига қабул қилганлиги тўғрисидаги ёзма хабари (авизо) дан сўнг амалга оширилади.

Асосий воситаларни текинга бериш бухгалтерия ҳисобида «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тариби тўғрисида»ги Низомнинг 4-параграфига ва 21-сон БҲМС-га асосан акс эттирилиши керак.

Бошқа корхоналарга ва шахсларга текинга беришда асосий воситаларнинг чиқиб кетиши		
	Дебет	Кредит
АВ дастлабки (тиклаш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0100 «Асосий воситалар»
Ҳисобланган эскиришнинг ҳисобдан чиқарилиши	0200 «Асосий воситаларнинг эскириши»	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланиши	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)»

Тўлиқ амортизацияланмаган асосий воситаларни бепул беришдан кўрилган зарарлар мазкур асосий воситалар маълумотларининг дастлабки (тиклаш) қиймати билан берувчи томон тўлайдиган ҚҚС суммасига кўпайтирилган ва ўтказиш ойидан олдинги ойнинг биринчи кунига ҳисобланган эскириш ўртасидаги айирма сифатида белгиланади:

$$\text{Бтз} = \text{Дқ} - \text{Э} + \text{ҚҚС},$$

бу ерда:

Бтз — бепул (текинга) топширишдан кўрилган зарарлар;

Дқ — дастлабки (тиклаш) қиймати;

Э — эскириш;

ҚҚС — қўшилган қиймат солиғи.

Бошқа корхоналар ёки жисмоний шахсларга, шу жумладан, корхона ходимларига текинга берилишига доир айланмаларга қўшилган қиймат солиғи солинади (Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (янги таҳрирда) 8-банди).

Солиқ солинадиган айланма миқдори берилишда шаклланган нарх билан асосий воситалар қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади (юқорида таъкидланган Йўриқноманинг 11-банди).

Активларни берувчи корхона солиқ тўловчи ҳисобланади.

Мисол.

Корхона 2003 йил январь ойида бошқа корхонага болалар боғчаси биносини текинга беради. Болалар боғчаси биносининг дастлабки қиймати 80 000 минг сўмни, ҳисобланган амортизация суммаси 50 000 минг сўмни ташкил қилди.

Бино 2003 йил январь ойида берилади, шунинг учун ҚҚС солинадиган айланма Адлия вазирлигида 1997 йил 29 декабрда 383-сон билан рўйхатдан ўтган «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

тўғрисида»ги йўриқномaнинг 4.2-бандига асосан белгиланади, яъни у бинонинг қолдиқ қийматидан кам бўлмаслиги керак. Шуни назарда тутиш керакки, ҚҚС тўғрисидаги Йўриқноманинг янги таҳририда текинга беришда қўшилган қиймат солиғи объекти бўлиб берилишда шаклланган қиймат билан объектнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ ҳисобланади (11-банд).

Бинонинг қолдиқ қиймати 30 000 минг сўмни ташкил қилади (80 000–50 000). ҚҚС=30 000×20%:120=5 000 минг сўм.

Шундай қилиб, бинони текинга беришдан келган зарар 35 000 минг сўмни ташкил қилади (80 000–50 000+5 000).

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Берилган болалар боғчаси биносининг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди	80000	9210	0120	47	01
2	Болалар боғчаси биноси бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобдан чиқарилди	50000	0220	9210	02	47
3	Қолдиқ қийматдан ҚҚС ҳисобланди	5000	9210	6410	47	68
4	Текинга беришдан келган зарар акс эттирилди	35000	9430	9210	26.3	47

Даромадга солиқ солиш мақсадида ушбу зарар Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1-сон иловаси 1.39-бандига асосан қайтадан ҳисоб билан солиқ солинадиган базага киритилади.

Бундан ташқари Адлия вазирлигида 2002 йил 15 февралда 1100-сон билан рўйхатдан ўтган «Инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг III бўлимига асосан ижтимоий йўналишдаги объектнинг

(болалар боғчаси биносининг) чиқиб кетиши ўзи билан ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга солиқ бўйича мажбуриятларнинг ўзгаришига олиб келади.

Мисол.

Ишлаб чиқариш корхонаси ҳадя шартномаси бўйича мактабга янги юмшоқ мебеллар тўпламини берди. Ушбу тўпламнинг қиймати ҚҚСни ҳисобга олганда 320 минг сўмни ташкил қилди. Мебель бўйича амортизация ҳисобланмаган.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Дастлабки қийматнинг ҳисобдан чиқарилиши	320	9210	0140	47	01
2	Мебелни текин бериш натижасида кўрилган зарар	320	9430	9210	26	47

Қоида бўйича активларни текинга бериш манфий молиявий натижаларга эга. Шунинг учун манфаатлар ўртасидаги низонинг олдини олиш учун корхона активларини текинга беришнинг ҳар бир ҳолати мулк эгалари, корхона муассислари билан келишилиши керак.

Активларни текинга бериш ягона солиқ тўловчилар учун ҳам солиқ оқибатларига олиб келади. Текинга берилаётган мол-мулк ва бошқа активларнинг қиймати ялпи тушум таркибига киритилиши ва корхона фаолиятига мос келадиган ставка бўйича ягона солиққа тортилиши керак.

Асосий воситаларни айирбошлаш шартномаси бўйича бериш

Айирбошлаш шартномаси бўйича амалга оширилаётган, асосий воситалар объектларини бошқа маҳсулотга алмаштириш бошқа юридик ёки жисмоний шахсга бериш асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатно-

маси (юкхати) билан расмийлаштирилади. Асосий воситалар қийматини ҳисобдан чиқариш қабул қилаётган ташкилотнинг уларни бухгалтерия ҳисоб-китобига қабул қилинганлиги тўғрисидаги ёзма хабари (авизо) асосида амалга оширилади.

Асосий воситаларнинг айирбошлаш шартномаси бўйича чиқиб кетиши		
	Дебет	Кредит
АВ дастлабки (тиклаш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0100 «Асосий воситалар»
Ҳисобланган эскиришнинг ҳисобдан чиқарилиши	0200 «Асосий воситаларнинг эскириши»	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланиши	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-1504-сон Фармонига асосан 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси доирасида маҳсулот етказиб бериш тўғрисида бартер шартномалари (айирбошлаш шартномаси) тузиш тақиқланган.

Асосий воситаларнинг маънан эскирганлиги, шунингдек ҳалокатлар ва табиий офатлар сабабли чиқиб кетиши (тугатилиши)

Асосий воситалар тикланиши имкони бўлмаганда ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаганда уларнинг тугатилиши муносабати билан балансдан чиқарилиши мумкин. Бу қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

— белгиланган хизмат муддати тугаганида (тўлиқ эскириш ҳисоблаб ёзилганида);

— активларни улардан фойдаланишга яроқсиз ҳолга олиб келган жисмонан эскириш, ҳалокатлар, табиий офат-

лар, фойдаланишнинг бир меъёрдаги шартларининг бузилишида;

— маънавий эскирганда;

— тегишли давлат органларининг қарорлари бўйича чиқиб кетганда.

Асосий воситалар объектлари бундан буёғига мақсадга мувофиқлигини ва фойдаланишга яроқсизлигини, тикланиши мумкин эмаслиги ёки уни тиклаш самарасизлигини белгилаш, шунингдек кўрсатилган объектларни ҳисобдан чиқаришга ҳужжатларни расмийлаштириш учун (агар асосий воситалар кўпроқ бўлса) раҳбар буйруғи билан доимо фаолият кўрсатадиган комиссия тузилиши мумкин. Комиссия таркибига тегишли мансабдор шахслар, шу жумладан бош бухгалтер (бухгалтер) ва асосий воситалар сақланиши борасида жавобгарлик юклатилган шахслар киритилиши мумкин. Комиссия ваколатига қуйидагилар киради:

• зарур техник ҳужжатлар, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда ҳисобдан чиқариш керак бўлган асосий воситаларнинг бевосита кўригини амалга ошириш, объектларни тиклаш ва улардан бундан буёғига фойдаланишга яроқсизлигини белгилаш;

• асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш сабабларини белгилаш, (жисмонан ва маънан эскириш, таъмирлаш, фойдаланишнинг бир меъёрдаги шартлари бузилиши, ҳалокатлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар объектдан маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматларни бажариш ёки бошқарув эҳтиёжлари учун узоқ муддат фойдаланмаслик);

• асосий воситаларнинг муддатидан олдин фойдаланишдан чиқиб кетишига айбдор шахсларни аниқлаш, ушбу шахсларни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш;

• ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситаларнинг айрим узеллари, деталлари, материалларидан фойдаланиш имкониятини белгилаш ва фойдаланиш мумкин бўлган нархдан келиб чиққан ҳолда баҳолаш, ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситалардан рангли ва қимматбаҳо металларни олиш устидан назоратни амалга ошириш, уларнинг миқдори, оғирлигини белгилаш ва тегишли омборга топширилишини назорат қилиш.

• асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномасини, автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш далолатномасини тузиш (агар ҳалокатлар содир бўлган бўлса, уларни келтириб чиқарган сабаблар тўғрисидаги далолатномалар илова қилинган ҳолда АВ-4 ва АВ-4а-сон шакллар).

Фалокатлар ёки фойдаланишнинг мўътадил шартлари бузилиши сабабли чиқиб кетган асосий воситаларни баланс ҳисобидан чиқаришда тугатиш далолатномасига фалокат ёки фойдаланишнинг мўътадил шартлари бузилганлиги тўғрисидаги далолатноманинг кўчирма нусхаси илова қилинади, шунингдек фалокат ёки фойдаланишнинг мўътадил шартлари бузилишига олиб келган сабаблар тушунтирилади ва айбдор шахсларга нисбатан кўрилган чоралар кўрсатилади.

Табиий офатлар оқибатида чиқиб кетган асосий воситаларни балансдан чиқаришда тугатиш далолатномасига махсус ҳукумат комиссиясининг хулосаси илова қилинади.

Далолатнома корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Қисмларга ажратилган ва демонтаж қилинган асосий воситанинг бошқа асосий воситалар объектларини таъмирлаш учун яроқли узеллари, деталлари ва агрегатлари, шунингдек, бошқа материаллар темир-терсак ва чиқинди сифатида эҳтимолий фойдаланиш нархи бўйича кирим қилинади, яроқсиз деталлар ва материаллар эса иккиламчи хом ашё сифатида кирим қилинади ҳамда корхонанинг кўзлаган мақсадларига мувофиқ ишлатилади.

Ташкилотнинг бухгалтерия хизматига тақдим этилган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ёки автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқаришга расмийлаштирилган далолатномаларга асосан инвентарь варақаларида (инвентарь китобларида) объект чиқиб кетганлиги тўғрисида белги қўйилади. Асосий воситалар объекти чиқиб кетганлиги тўғрисидаги тегишли ёзувлар у мавжуд бўлган жойда очиладиган ҳужжатга киритилади.

Асосий воситаларнинг тугатилиши муносабати билан чиқиб кетиши бухгалтерия ҳисоб-китобида «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2-банди ва 21-сон БҲМСга асосан акс эттирилиши керак.

Асосий воситалар тугатилиши натижасида чиқиб кетиши		
	Дебет	Кредит
АВ дастлабки (тиклаш) қийматини ҳисобдан чиқариш	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0100 «Асосий воситалар»
Ҳисобланган эскиришни ҳисобдан чиқариш	0200 «Асосий воситаларнинг эскириши»	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
АВни тугатишда материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа активларнинг келиб тушиши	1000 «Материаллар»	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Тўлиқ амортизацияланмаган асосий воситаларни тугатишдан олинган фойда (зарар) ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қиймати билан мазкур объектни тугатиш харажатларига тузатилган, ойнинг биринчи кунига ҳисобланган эскириш ва яроқли узеллар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металлар қиймати ўртасидаги айирма сифатида белгиланади:

$$\mathbf{Тф(з) = Дқ - Э + Тх - Қяр,}$$

бу ерда:

Тф(з) — тугатишдан олинган фойда (зарар);

Дқ — дастлабки (тиклаш) қиймати;

Э — эскириш;

Тх — тугатиш харажатлари;

Қяр — яроқли узеллар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металлар қиймати.

Мисол.

Корхона 2002 йил декабрь ойида тикланиши самарасизлиги муносабати билан компьютерни фойдаланишдан чиқарди. Компьютернинг дастлабки қиймати бухгалтерия ҳисоб-китобига асосан 500 минг сўмни, у бўйича чиқиб кетиш ҳолатига ҳисобланган амортизация эса 400 минг сўмни ташкил қилади. Компьютерни қисмларга ажратишда фойдаланиш учун яроқли бўлган блок (диск қўювчи) бозор нархи — 16 минг сўм билан кирим қилинган. Компьютерни қисмларга

ажратишни амалга оширган ходимга ижтимоий суғуртага ажратмаларни ҳисобга олган ҳолда 14 минг сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган.

Компьютерни тугатишдан молиявий натижа юқорида келтирилган формула билан белгиланади: 500−400−16+14= 98 минг сўм — АВ тугатишдан келган зарар.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Чиқиб кетаётган АВ дастлабки қиймати акс эттирилди	500	9210	0150	47	01
2	Чиқиб кетаётган АВ бўйича ҳисобланган эскириш акс эттирилди	400	0250	9210	02	47
3	АВни тугатишдан олинган яроқли эҳтиёт қисмларининг қиймати акс эттирилди	16	1040	9210	10	47
4	Чиқиб кетаётган АВ ни қисмларга ажратишни амалга оширган ходимга иш ҳақи ҳисобланди	14	9210	6710 6520	47	70 69
5	АВ чиқиб кетишидан молиявий натижа (зарар) аниқланди	98	9430	9210	26.3	47

Даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда шуни ҳисобга олиш керакки, «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг 2.3.15.11-бандига асосан солиқ солинадиган даромад (фойда)ни белгилашда агар бу асосий воситалар тадбиркорлик фаолиятида уч йилдан кўп вақт ишлатилган бўлса уларнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарарлар хўжалик юритувчи субъектнинг ялпи даромадидан чегириб ташланиши керак.

Мисол.

2002 йил декабрь ойида қор ёғиши натижасида тикув фабрикасини электр қуввати билан таъминлайдиган кабелга зарар етказилди. Қисқа туташув натижасида дастлабки қиймати 1 500 минг сўм, ҳисобланган амортизация суммаси 820 минг сўм бўлган трансформатор ишдан чиқди. Трансформатор келажакда ишлатилишга яроқсиз ҳолга келиб қолди. Фавқулодда ҳолат туфайли (қалин қор ёғиши) трансформаторнинг шикастланганлиги Фавқулодда ҳолатлар бўйича вазирликнинг туман бўлими томонидан ҳужжат билан тасдиқланган.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Трансформатор дастлабки қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	1500	9210	0120	47	01
2	Ҳисобланган эскиришнинг ҳисобдан чиқарилиши	820	0220	9210	02	47
3	Трансформаторнинг шикастланишидан келган зарарларнинг акс эттирилиши	680	9720	9210	80.5	47

Трансформаторнинг табиий офат натижасида зарар кўрганлиги махсус орган томонидан тасдиқланганлиги корхонага зарарни солиқ оқибатларисиз ҳисобдан чиқаришга асос бўлади (Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 2.3.15.9-банди).

Инвентарлаш натижалари бўйича асосий воситалар камомадини ҳисобдан чиқариш

Инвентарлаш натижалари бўйича камомади аниқланган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш Адлия вазирлигида 2001 йил 23 июлда 1054-сон билан рўйхатдан ўтган

«Инвентарлаш пайтида аниқланган мол-мулк камомадлари ва ортиқча чиқишларнинг бухгалтерия ҳисоби ҳамда солиққа тортиш тартиби тўғрисида»ги Низом ва 21-сон БҲМС га асосан амалга оширилади.

Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш проводкаларининг умумий чизмаси:

Асосий воситаларнинг инвентарлаш натижалари бўйича етишмаганда чиқиб кетиши		
	Дебет	Кредит
АВ дастлабки (тиклаш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0100 «Асосий воситалар»
Ҳисобланган эскиришнинг ҳисобдан чиқарилиши	0200 «Асосий воситаларнинг эскириши»	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
АВ етишмаётган объекти қолдиқ қийматининг акс эттирилиши	5910 «Қимматликлар шикастланишидан камомад ва талафотлар»	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Активни йўқотишда айбдор топилган ҳолларда зарар ҳажмини, зарар учун ходим моддий жавобгарлигининг чегаралари ва тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси билан тартибга солинади. Зарар ҳажми ваколатли орган (суд органлари) томонидан иш кўриб чиқилаётган кунда мазкур жойда амал қиладиган бозор нархлари бўйича ҳисобланади.

Айбдор ходимдан ўртача ойлик иш ҳақидан ошмайдиган етказилган зарар суммасини ундириш иш берувчининг фармойиши бўйича амалга оширилади. Фармойиш зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Бунда зарар ҳажми инвентарлашни ўтказиш даврида мазкур жойда амал қилган бозор нархлари бўйича ҳисобланади.

Агар ходимдан ундириладиган етказилган зарар суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан кўп бўлса ёки унинг зарарни аниқлаган кунидан бошлаб бир ой муддат ўтган бўлса, ундириш суд тартибида амалга оширилади.

Агар айбдор ходимдан ундириш суммаси етмаётган объектнинг қолдиқ қийматидан юқори бўлса корхона умумий тартибда солиқ солинадиган даромад олади.

Мисол.

Инвентарлаш натижасида сканернинг бузилганлиги маълум бўлди. Комиссия бузилишининг сабаблари ва унинг айбдорини кўрсатган ҳолда сканернинг келажакда фойдаланишга яроқсизлиги тўғрисида далолатнома тузди. Сканернинг дастлабки қиймати 66 минг сўмни ташкил қилади. Бузилган сканер бўйича ҳисобланган амортизация суммаси — 38 минг сўм. Ходимдан 94 минг сўм миқдорида зарарни ундириб олишга қарор қилинди.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Сканер дастлабки қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	66	9210	0150	47	01
2	Ҳисобланган эскиришнинг ҳисобдан чиқарилиши	38	0250	9210	02	47
3	Сканернинг қолдиқ қиймати акс эттирилган	28	5910	9210	84	47
4	Сканер қолдиқ қиймати бўйича айбдор шахснинг қарзи	28	4730	5910	73	84
5	Айбдор шахсдан ундирилиши керак бўлган сумма ва сканернинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ	66	4730	6230	73	83.3
6	Айбдор шахсдан моддий зарар ундирилди	94	5010 6710	4730	50 70	73
7	Сканернинг қолдиқ қиймати ва ундирилган сумма ўртасидаги фарқ даромадга ўтказилди	66	6230	9390	83	80.3

Олинган даромад суммаси умумий ўрнатилган тартибда солиққа тортилади.

Айбдор шахсдан ундириш суммаси етишмаётган объектнинг қолдиқ қийматидан кам бўлган ҳолларда, корхона зарар билан қолади. Ушбу зарар ҳам даромад (фойда) солиғини ҳисоб-китоб қилишда солиқ солинадиган базани кўпайтиради («Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг 1-сон иловаси, 1.39-бандига қаранг).

Мисол.

Инвентарлаш натижасида сканернинг ишдан чиққанлиги маълум бўлган. Комиссия сканернинг ишдан чиқиш сабаблари ва айбдорни кўрсатган ҳолда у бундан буёғига фойдаланишга яроқсиз эканлиги тўғрисида далолатнома тузди. Сканернинг дастлабки қиймати 66 минг сўмни ташкил қилди. Бузилган сканер бўйича ҳисобланган амортизация суммаси — 38 минг сўм. 25 минг сўм миқдорда зарар ходимдан ундириб олинади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Сканер дастлабки қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	66	9210	0150	47	01
2	Ҳисобланган эскиришнинг ҳисобдан чиқарилиши	38	0250	9210	02	47
3	Сканер қолдиқ қийматининг акс эттирилиши	28	5910	9210	84	47
4	Келтирилган зарар бўйича айбдор шахснинг қарзи	25	4730	5910	73	84
5	Зарар акс эттирилди (айбдор шахсдан ундирилиши керак бўлган сумма ва сканернинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ)	3	9430	5910	26.3	84
6	Зарар ундирилди	25	5010	4730	50	73

Амалиётда ҳар доим ҳам камомадларнинг аниқ айбдорларини белгилаш ёки моддий жавобгар шахслардан етишмаётган объектнинг қийматини ундириб олишнинг иложи бўлмайди. Корхона ушбу ҳолатларда етишмаётган объект бўйича барча харажатларни бошқа операцион харажатлар таркибида кўрсатиб, ўз маблағлари ҳисобига ҳисобдан чиқариши керак бўлади. Ўз-ўзидан, олинган зарар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган базани кўпайтиради.

Мисол.

Инвентарлаш жараёнида комиссия томонидан корхонанинг амалда барча ходимлари томонидан фойдаланилган ксерокс ишдан чиққанлиги ҳолати аниқланди. Комиссия ксероксининг ишдан чиққанлиги ва келажакда фойдаланиш мақсадида уни тиклаш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида далолатнома тузди. Ксероксинг дастлабки қиймати 220 минг сўмни, ҳисобланган амортизацияси 188 минг сўмни ташкил қилган.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Ксерокс дастлабки қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	220	9210	0150	47	01
2	Ҳисобланган эскиришнинг ҳисобдан чиқарилиши	188	0250	9210	02	47
3	Ксерокс қолдиқ қийматининг акс эттирилиши	32	9430	9210	26.3	47
4	Олинган зарар суммасининг молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилиши	32	9910	9430	80.2	26.3

Инвентарлаш пайтида аниқланган, ўрнатилмаган ускуналарнинг етишмаётган объектлари бухгалтерия ҳисобида ва солиққа тортишда шунга ўхшаш тартибда акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг гаров шартномаси бўйича чиқиб кетиши

Гаровга қўювчи гаров билан таъминланган ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда, ундирув гаровдаги мол-мулкка қаратилиши мумкин. Бу шуни билдирадики, гаровдаги мол-мулк кимошди савдосида сотилиши, тушган сумма эса кредиторга берилиши мумкин.

Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган кўчмас мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилади. Гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан нотариал тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади.

Гаровга берувчи корхона гаровга берилган асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини алоҳида махсус, масалан «Гаровга берилган асосий воситалар» 0191-ҳисобварағида, гаров шартномаси бўйича қабул қилинган мажбуриятларини эса балансдан ташқари «Берилган мажбуриятлар ва тўловларнинг таъминланиши» 009-балансдан ташқари ҳисобварағида юритиши керак.

Асосий воситаларнинг гаров шартномаси бўйича чиқиб кетиши		
	Дебет	Кредит
АВ дастлабки (тиклаш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0191 «Гаровга берилган асосий воситалар»
Ҳисобланган эскиришнинг ҳисобдан чиқарилиши	0291 «Гаровга берилган асосий воситаларнинг эскириши»	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

«Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг (янги таҳрирда) 8-бандига асосан гаровдаги буюмларнинг сотилиши, шу жумладан, уларнинг гаров олув-

чига гаров мажбуриятларини таъминламаган ҳолдаги берилишига доир айланмаларга солиқ солинади.

Мисол.

Корхона қарз шартномасини тузди. Ушбу шартномани таъминлаш ҳисобига гаровга ускуна берилади (шартнома бўйича ускуна гаров берувчида ҳисобланади). Ускунанинг дастлабки қиймати 425 минг сўм. Ҳисобланган амортизация — 160 минг сўм. Гаров қиймати шартнома бўйича 265 минг сўм деб белгиланган. Қарз муддатида қайтарилмади. Гаровга қўйилган мол-мулк савдога қўйилди. Ускуна 290 минг сўмга сотилди. Қарз шартномаси бўйича фоиз тўлаш назарда тутилмаган.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Қарз шартномаси бўйича пул маблағлари олинган	265	5110	6820	51	94
2	Қарз шартномаси бўйича ускунанинг чиқиб кетиши	265	6820	9210	94	47
3	Бажарилмаган мажбуриятлар бўйича гаровга берилган нарсалар оид ҚҚС ҳисобланган	53	9210	6410	47	68
4	Гаров ҳисобига берилган ускунанинг дастлабки қиймати ҳисобдан чиқарилган	425	9210	0130	47	01
5	Илгари ҳисобланган амортизация ҳисобдан чиқарилган	160	0230	9210	02	47

Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдан келган зарарлар (53 минг сўм) «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг 1-сон иловаси 1.39-бандига асосан қайтар ҳисоб билан солиқ солинадиган базага тикланиши керак бўлади.

Асосий воситаларнинг биргаликда фаолиятни амалга ошириш учун берилиши

Оддий ширкат шартномаси (биргаликда фаолият тўғрисида шартнома) бўйича фаолиятни бошқариш Фуқаролик кодексининг «Оддий ширкат» 53-бобига асосан амалга оширилади.Оддий ширкат шартномаси бўйича шериклар (иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўшади ва юридик шахс тузмасдан биргаликда иш юритади.

Фақат якка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) тижорат ташкилотлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномасининг тарафлари бўлишлари мумкин.

Оддий ширкат шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим.

Шартнома иштирокчилари томонидан юридик шахсни ташкил этмасдан биргаликдаги фаолият учун бирлаштирилган юридик шахсларнинг мол-мулки ҳар бир иштирокчининг балансида ҳисобга олиниши керак. Умумий ишларни ва ҳисобни юритиш эса шартномага асосан шартнома иштирокчиларининг умумий ишларини юритиш юкланган иштирокчи томонидан амалга оширилади, агар шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса. (Адлия вазирлигида 2002 йил 13 мартда 1109-сон билан рўйхатдан ўтган «Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг (янги таҳрирда) 13-банди).

Оддий ширкат шартномаси бўйича умумий мол-мулкка улуш ҳисобига бериладиган асосий воситалар ҳисобини махсус «Оддий ширкат шартномаси бўйича берилган асосий воситалар» 0191-ҳисобварағида юритиш мумкин.

Асосий воситаларни оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликда фаолият юритиш учун бериш		
Асосий воситалар дастлабки (тиклаш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	«Оддий ширкатлик шартномаси бўйича берилган асосий воситалар» 0191-ҳисобварағи дебети	«Асосий воситалар» 0100-ҳисобварақ кредити

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҚАЙТА БАҲОЛАШ

Умумий қоидалар

Асосий воситаларнинг дастлабки қиймати пулнинг қадрсизланиш (инфляция) суръатларини ҳисобга олган ҳолда вақти-вақти билан қайта баҳоланиши мумкин. Қайта баҳолашдан сўнг асосий воситаларнинг дастлабки қиймати қайта тикланган қиймат деб аталади («Асосий воситалар» 5-сон БҲМС 11-банди).

Асосий воситалар объектларининг қийматини қайта баҳолаш муайян муддатга уларнинг ҳақиқий қийматини белгилаш учун амалга оширилади.

Асосий фондларни қайта баҳолашда Адлия вазирлигида 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатдан ўтган «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомга амал қилиш керак.

1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолаш олдинги қайта баҳолаш натижасида олинган объектларнинг дастлабки (тиклаш) қийматидан, йил давомида келиб тушган асосий фондлар бўйича эса — харид қилиш қийматидан амалга оширилади.

Асосий воситалар бухгалтерия ҳисобига қабул қилинганда уларнинг дастлабки қийматини ўзгартирадиган операцияларга қуйидагилар киради:

— белгиланган тартибга асосан вақти-вақти билан ўтказиладиган қайта баҳолаш (қўшимча баҳолаш, арзонлаштириш);

— асосий воситалар объектларини куриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш;

— реконструкция қилиш, замонавийлаштириш;

— қисман тугатиш.

Юқорида номи келтирилган Низом қуйидаги асосий воситалар объектларини қайта баҳолашни назарда тутади:

— корхона мулкида, унинг хўжалик юритишида, тезкор бошқарувида ва узоқ муддатли ижарада (лизингда) бўлган, уларнинг техник ҳолатидан қатъи назар;

— ишлаб турган ва фойдаланилмайдиган, консервацияда бўлган;

— ҳисобдан чиқаришга тайёрланган, лекин белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган;

— тугалланмаган қурилиш объектлари ва ўрнатиш учун мўлжалланган ускуналар.

Ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектлари сингари асосий воситалар объектлари қайта баҳоланмайди.

Қайта баҳолаш республика ҳукуматининг қарори ва корхона мол-мулки эгалари (муассислари)нинг қарори билан амалга оширилиши мумкин.

Кейинги ўн йилликда асосий воситаларни мажбурий қайта баҳолаш бир неча марта ўтказилган: 1992 йил 1 июль, 1994 йил 1 январь, 1995 йил 1 январь ҳолатига. 2002 йилдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналар 1 январь ҳолатига ўзларининг асосий воситаларини йиллик қайта баҳолашга мажбурлар. Ушбу қоида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 2002 йилги Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида» 490-сон қарори билан қонунлаштирилган.

Асосий воситаларни қайта баҳолашни ўтказиш усуллари

«1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом асосий воситалар қийматини қайта ҳисоблашнинг иккита усулини назарда тутади:

— 1 январга шаклланган, баҳоланаётганларига айнан ўхшаш бўлган, янги объектларга ҳужжатлар асосида тасдиқланган бозор нархлари бўйича алоҳида объектлар қийматини бевосита қайта ҳисоблаш йўли;

— асосий фондлар турлари бўйича ва уларни харид қилиш даврларига боғлиқликда табақаланган асосий фондлар қийматини ўзгартириш индексларини қўллаган ҳолда айрим объектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматини индекслаш йўли.

Асосий воситалар қийматини **бевосита қайта баҳолаш усули** кўпроқ аниқ бўлади, чунки у объектларнинг жорий қийматлари тўғрисидаги қуйидаги ахборотларга асосланади:

— тайёрловчи ташкилотлар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржалари, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган худди шундай маҳсулотга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

— қайта баҳолашни ўтказиш санасига ва асосий фондларни харид қилиш санасига МБ курсларининг нисбати сифатида белгиланадиган ҳисоб-китоб коэффициентини қўллаган ҳолда харид қилиш санасига ЭАВда асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) маълумотлар;

— тегишли давлат органларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда эълон қилинган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— асосий фондлар қиймати тўғрисида эксперт хулосалари.

Асосий воситаларни бевосита қайта ҳисоблаш усули билан қайта баҳолаш чоғида бухгалтерия ҳисобида қайд этилган эскириш суммаси қайта баҳолашдан кейинги тикланиш қийматининг қайта баҳолашгача бўлган қийматга нисбати билан ҳисоблаб чиқариладиган қайта ҳисоблаш коэффициенти бўйича индексланиши керак.

Асосий фондларни қайта баҳолашнинг **индекс усули** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан 31 декабрга қадар навбатдаги қайта баҳолаш бўйича қўллаш учун тегишли индекслар ишлаб чиқилганини ва расмий равишда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинганини назарда тутади.

Индекслаш йўли билан асосий воситаларни қайта баҳолаш чоғида, бухгалтерия ҳисобида қайта баҳолашни ўтказиш санасидаги ҳолат бўйича қайд этилган асосий фондлар (шу жумладан уларга доир эскириш тўла ҳисоблаб ёзилган объектлар)нинг эскириш суммаси уларни тикланиш қийматига қайта ҳисоблаш чоғида асосий фондлар қийматини ўзгартиришнинг тегишли индексларига кўпайтирилиши керак.

Асосий фондларни баҳолаш усулини танлаш корхона томонидан мустақил танланади, уларга нисбатан қайта ҳисоблаш махсус коэффициентлари ўрнатилган асосий воситалар объектлари бундан мустасно.

Қайта баҳолаш ташкилот томонидан мустақил равишда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган мутахассислар — экспертларни жалб этган ҳолда амалга оширилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаларининг бухгалтерия ҳисоби

Асосий фондларнинг баланс қийматини уларни тиклаш қийматига қадар кўпайтириш «Ўрнатиладиган ускуналар» 0700-ҳисобварағи дебети, «Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» 8510-ҳисобварағи кредити билан корреспонденцияда «Капитал қўйилмалар» 0800-ҳисобварағи дебети бўйича, асосий воситаларни, шу жумладан узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган, ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети бўйича акс эттирилади:

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматини қўшимча баҳолаш (кўпайтириш)	
Дебет	Кредит
0100 «Асосий воситалар»	8510 «Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Қайта баҳолашдан кейинги ва қайта баҳолашгача бўлган эскириш суммалари ўртасидаги фарқ (кўпайиш) «Асосий воситаларнинг эскириши» 0200-ҳисобварағи кредити бўйича «Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» 8510-ҳисобварағи дебети билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларнинг эскириш суммасини қўшимча баҳолаш	
Дебет	Кредит
8510 «Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	0200 «Асосий воситаларнинг эскириши»

Мисол.

Корхона дастлабки қиймати 100 минг сўм бўлган сканерни қайта баҳолаяпти. Ҳисобланган эскириш суммаси — 40 минг сўм. Қайта баҳолаш натижасида сканернинг қиймати икки баробарга ошди.

Сканер қийматини қайта баҳолаш индекс усули билан амалга оширилган.

Сканернинг қўшимча баҳолаш суммаси 100 минг сўмни ташкил қилди (100×2−100).

2 коэффициенти билан қайта ҳисобланган жамланган амортизация суммаси 80 минг сўмни (40×2), эскиришни қўшимча баҳолаш суммаси эса 40 минг сўмни (40×2−40) ташкил қилди.

Бухгалтерия ҳисобида бу қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Сканерни қўшимча баҳолаш суммаси акс эттирилган	100	0150	8510	01	85.3
2	Эскиришни қўшимча баҳолаш акс эттирилган	40	8510	0250	85.3	02

Мисол.

Корхона бевосита қайта ҳисоблаш усули билан ишлаб чиқариш ускуналарини қайта баҳолашни амалга оширяпти. Ускунанинг дастлабки қиймати 120 минг сўмни, ҳисобланган эскириш 3 минг сўмни ташкил қилди. Қайта баҳоланган ускунанинг ҳужжатлар билан тасдиқланган бозор нархи 132 минг сўмни ташкил қилди.

Ишлаб чиқариш ускунасини қўшимча баҳолаш суммаси 12 минг сўмга тенг (132−120).

Эскиришни қўшимча баҳолаш суммаси асосий воситаларни қўшимча баҳолашга мутаносиб равишда аниқланади: 132 : 120=1,1. У 300 сўмни ташкил қилади (3 000×1,1−3 000).

Қўшимча баҳолаш натижалари бухгалтерия ҳисобида юқоридаги мисолда баён этилган тартибида акс эттирилади.

Асосий фондларнинг баланс қийматини уларни тиклаш қийматига қадар камайтириш «Ўрнатиладиган ускуналар» 0700-ҳисобварағи кредити, «Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» 8510-ҳисобварағи дебети билан корреспонденцияда «Капитал қўйилмалар» 0800-ҳисобварағи кредити бўйича, асосий воситаларнинг, шу жумладан *узоқ муддатли ижара (лизинг)* шартномаси бўйича олинган, ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити бўйича акс эттирилади.

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматини тушириш (камайтириш)	
Дебет	Кредит
8510 «Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	0100 «Асосий воситалар»

Ҳисоблаб чиқарилган эскириш суммаси билан кўрсатилган асосий воситаларга доир қайта баҳолашга қадар ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси ўртасидаги фарқ (камайиш) «Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» 8510-ҳисобварағи кредитида ва «Асосий воситаларнинг эскириши» 0200-ҳисобварағи дебетида акс эттирилади.

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар эскириш суммасини тушириш (камайтириш)	
Дебет	Кредит
0200 «Асосий воситаларнинг эскириши»	8510 «Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Аввал ўтказилган қўшимча баҳолаш суммаси етмаганда ёки мавжуд бўлмаганда асосий воситаларнинг тушириш суммаси корхонанинг операцион харажатлари деб тан олинади ва «Бошқа операцион харажатлар» 9430 (26.3)-ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1-сон Иловаси 1.39-бандига асосан кўрсатилган харажатлар қайтар ҳисоб билан солиқ солинадиган базага қайта тикланиши керак бўлади.

Асосий воситалар қийматини камайтириш солиқ оқибатларига, масалан мол-мулк солиғини ҳисоблашда, олиб келишини ҳисобга олиб, корхоналар ўз активлари қийматини пасайтириш учун етарли даражада жиддий асосга эга бўлишлари керак.

Мисол.

Ҳисобот йили бошланиши ҳолатига бухгалтерия ҳисобида қиймати 100 минг сўм бўлган объект мавжуд. Жамланган амортизация суммаси 10 минг сўмни ташкил қилади. 2002 йил охирида бир хил объектлар гуруҳига кирувчи объектнинг ҳужжатлар билан тасдиқланган бозор нархи 50 минг сўмни ташкил қилади.

Қийматини камайтириш суммаси 50 минг сўмни ташкил қилди (50−100).

Шунингдек, асосий воситаларнинг эскириш суммаси ҳам қайта баҳолашдан сўнг тиклаш қийматининг қайта баҳоашгача қийматига бўлган нисбати билан ҳисобланадиган қайта ҳисоб-китоб коэффициенти бўйича қайта ҳисоб-китоб қилиниши керак бўлади.

Қайта ҳисоб-китоб коэффициенти 0,5ни (50 : 100), жамланган амортизация суммаси 5 минг сўмни (10×0,5), эскиришининг камайтириш суммаси эса 5 минг сўмни ташкил қилади (10×0,5−10).

Аввалги даврларда ўтказилган қўшимча баҳолаш суммаси 50 минг сўмни ташкил қилган деб тахмин қилинса, жорий камайтириш натижалари бўйича бухгалтерия ёзувлари қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Объектни қийматини камайтириш суммаси акс эттирилади	50	8510	0100	85.3	01
2	Амортизациянинг ҳисобланган ва қайта ҳисобланган сум-	5	0200	8510	02	85.3

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
	маси ўртасидаги фарқ акс эттирилади					

Аввалги даврлар учун асосий воситаларни қўшимча баҳолаш суммаси мавжуд бўлмаганда объектни қийматини камайтириш натижаларини қуйидаги ёзув билан акс эттириш лозим:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Объектни қийматини камайтириш суммаси акс эттирилади	50	9430	0100	26.3	01

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ЭСКИРИШ (АМОРТИЗАЦИЯ)НИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

Атамалар

Асосий воситаларнинг эскириши — асосий воситалар объектлари томонидан ўзларининг дастлабки имкониятларини йўқотишини (жисмоний ва маънавий) тавсифлайдиган жараён.

Эскириш меъёри — асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қийматига нисбатан фоизларда ифодаланган эскириш миқдори.

Амортизация — асосий воситаларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ва давр харажатларига киритиладиган, эскиришнинг баҳоланган хизмат муддати давомида активнинг амортизация қилинадиган қийматини мунтазам тақсимлаш ва қайта ўтказиш тарзида қиймат билан ифодаланишидир.

Амортизация қилинадиган қиймат — активнинг молиявий ҳисоботларда кўрсатилган дастлабки (тиклаш) қийматидан кўзда тутилган (баҳоланган) тугатиш қиймати чиқариб ташланғач қолган сумма.

Фойдали хизмат муддати — асосий воситалардан фойдаланишдан иқтисодий фойда олиш тахмин қилинаётган давр. У асосий воситаларнинг ҳолатини яхшилаш ва унинг хизмат муддатини узайтириш учун кейин қилинган харажатлар, ёки объектнинг фойдали хизмат муддатини қисқартирадиган технология ўзгартишларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши мумкин. Хизмат муддатини қайта кўриб чиқиш мақсади асосий воситалар қийматининг ўрнини қоплашга кетган ва улар ёрдамида олинадиган даромадларга кетган харажатлар нисбати тўғрилиги сақланишидан иборат.

Асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати техник шартларда мавжуд бўлмаганда ушбу муддат қуйидагилардан келиб чиқиб ўрнатилиши мумкин:

— кутилаётган унумдорлиги ёки қувватига асосан ушбу объектнинг кутилаётган фойдаланиш муддати;

— фойдаланиш режими (сменалар сони), табиий шароитлар ва агрессив атроф муҳит таъсири, таъмирлаш

ишларини ўтказиш системасига боғлиқ бўлган кутилаётган жисмоний эскиришдан;

— техник жиҳатдан эскиришдан ва амалдаги технологиялар доирасида мол-мулк йўналиши бўйича шунга ўхшаш янги техник намуналари билан рақобатлашиш имкониятини йўқотишдан;

— ушбу объектдан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа чекланишларидан (масалан, объектдан ижара шартномаси бўйича фойдаланиш).

У ёки бу объектнинг фойдали хизмат муддатини белгилашда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\text{Фойдали хизмат муддати} = \frac{100}{\text{Амортизация ажратмалари меъёри}}$$

(ЎзР Солиқ кодекси 23-моддаси)

Амортизация ажратмаларининг суммалари асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қиймати ва амортизация нормалари асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Асосий воситаларнинг солиқ солинадиган давр мобайнида белгиланган меъёрлар доирасида ҳисобланган амортизация ажратмалари суммалари жами даромаддан чегириб ташланади (Солиқ кодекси 23-моддаси).

Асосий воситаларнинг қуйидаги объектлари бўйича амортизация ажратмалари ҳисобланмайди:

— маҳсулдор ҳайвонлар;

— кутубхона фондлари;

— ҳокимиятларга қарашли бўлган ободонлаштириш иншоотлари;

— ўрнатилган тартибда консервациялашга ўтказилган фондлар;

— музей бойликлари;

— меъморчилик ва санъат ёдгорликлари;

— умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари;

— тўлиқ амортизацияланган асосий воситалар.

Асосий воситаларни узоқ муддатга ижарага олган юридик шахслар ҳам ўзларига қарашли, ҳам ижарага олинган асосий воситалар юзасидан амортизация ажратмаларини ҳисоблайдилар. Бу ҳолда ижарага берувчи ижарага берил-

ган асосий воситалар учун амортизация ажратмаларини ҳисобламайди.

Амортизацияни ҳисоблаб ёзиш жадваллари, қайдномалари ҳисобланган амортизация суммасини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларига ёзиш учун асос бўлади.

Асосий воситалар амортизациясининг ҳисоби

Корхоналар асосий воситаларининг қиймати уларнинг фойдали хизмат муддати давомида тенг маромли ёки жадаллаштирилган йўл билан амортизацияни ҳисоблаш орқали харажатларга ўтказилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг мулкини ташкил қиладиган, хўжалик юритишга, тезкор бошқаришга ёки узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар амортизацияни ҳисоблаш объект-лари ҳисобланади.

Асосий воситалар объектлари бўйича амортизация ажратмалари суммаси ишлаб чиқариш, давр харажатларига киради ва амортизация муддати давомида (ёки кўрсатилган мол-мулкнинг муддатидан олдин чиқиб кетиши муносабати билан муддатнинг тугашигача) уларни тўплаш йўли билан «Асосий воситаларнинг эскириши» 0200-гуруҳи ҳисобварақларида бухгалтерия ҳисобидан рўйхатдан ўтади.

Ҳисобот даври учун амортизация ажратмалари бухгалтерия ҳисобига улар кирадиган ҳисобот даври бўйича қабул қилинади ва ҳисобот даврида корхона фаолиятининг натижаларидан қатъи назар ҳисобланади.

Корхонага мулк ҳуқуқи, тезкор бошқарув ёки хўжалик юритиш ҳуқуқига асосан тегишли бўлган асосий воситалар бўйича амортизацияни ҳисоблаш	
Дебет	Кредит
2010 «Асосий ишлаб чиқариш»	0211-0299 «Асосий воситаларнинг эскириши»
2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»	
2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»	
2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар»	
9400 «Давр харажатлари»	

Асосий воситалар объектлари чиқиб кетганда (сотилганда, ҳисобдан чиқарилганда, текинга берилганда, етиш-

маганда, тугатилганда ва бошқалар) улар бўйича ҳисобланган амортизация суммалари 0200-ҳисобварақ дебетидан «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» 9210-ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Реализация қилиниши, тугатилиши, текинга берилиши ва бошқа сабабли чиқиб кетаётган асосий воситалар бўйича ҳисобланган амортизациянинг ҳисобдан чиқарилиши	
Дебет	Кредит
0211-0299 «Асосий воситаларнинг эскириши»	9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Асосий воситаларни амортизациялаш меъёрлари ва усуллари

Амортизация «Асосий воситалар» 5-сон БҲМС билан белгиланган қуйидаги турли усулларни қўллаш йўли билан амалга оширилади:

— амортизацияни тенг маромли ҳисоблаш усули — тўғри чизиқли усул;

— амортизацияни бажарилган ишларнинг ҳажмига мутаносиб тарзда ҳисоблаш — ишлаб чиқариш усули;

— амортизациянинг икки баравар кўпайтирилган меъёри билан камаядиган қолдиқ усули — тезлашган усули;

— йиллар йиғиндиси (кумулятив) усули — тезлашган усул.

Амортизацияни ҳисоблаш усули корхонанинг ҳисоб сиёсатига қараб аниқланиши ва бир ҳисобот давридан иккинчи даврга изчиллик билан қўлланилиши ва йил давомида ўзгармаслиги лозим (5-сон БҲМС 26-банди).

Асосий воситаларнинг ҳар хил турларига амортизацияни, ҳисоблашнинг ҳар хил усулларини қўлланишга йўл қўйилиши мумкин. Бунда асосий воситаларнинг бир турига фақат бир усулни қўлланиш лозим бўлади.

Солиқ солиш мақсадида Солиқ кодексининг 23-моддасида келтирилган амортизация меъёрлари ишлатилиши керак:

Асосий воситалар гуруҳлари	Солиқ кодекси бўйича амортизация нормаси
1. Енгил автомобиллар, такси, йўлларда фойдаланиладиган автотрактор техникаси, махсус асбоб-ускуна, инвентарь ва жиҳозлар. Компьютерлар, периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	20 фоиз
2. Юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар ва автотиркамалар. Саноатнинг барча тармоқлари, металл қуйиш корхонаси учун машиналар ва ускуналар, темирчилик-пресслаш ускуналари, қурилиш ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари. Офислар учун мебель	15 фоиз
3. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари. Куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар: иссиқлик техника ускуналари, турбина ускуналари, электр двигателлари ва дизель-генераторлар. Электр узатиш ва алоқа қурилмалари. Трубопроводлар	8 фоиз
4. Бинолар, иншоотлар ва иморатлар	5 фоиз
5. Бошқа гуруҳларга киритилмаган, амортизация қилинадиган активлар	10 фоиз

Амортизациянинг **тенг миқдордаги (тўғри чизиқли) усулида** амортизация асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати давомида улар қийматидан бир хил улушда ҳисоблаб чиқарилади. Ушбу усул шунга асосланганки, амортизация фақат хизматнинг узоқлигига боғлиқдир. Амортизация ажратмаларининг ҳар бир давр учун суммаси амортизация қилинаётган қийматни (дастлабки қиймат айирув тугатиш қиймати) объектдан фойдаланишнинг ҳисобот даврлари сонига бўлиш йўли орқали белгиланади.

Мисол.

Дастгоҳнинг дастлабки қиймати 10 000 сўмни, унинг 5 йиллик фойдаланиш муддати охирига тугатиш қиймати эса 1 000 сўмни, хизмат қилиш муддати 5 йилни ташкил қилади.

Ушбу мисолда тўғри чизиқли ҳисобдан чиқариш усулига асосан ҳар йилги амортизация амортизация қийматидан 25%ни ёки 1 800 сўмни ташкил қилади.

5 йил давомида амортизацияни ҳисоблашни қуйидагича акс эттириш мумкин:

	Дастлабки қиймат	Амортизациянинг йиллик суммаси	Жамланган эскириш	Қолдиқ қиймати
Сотиб олинган сана	10000	—	—	10000
1-йил охири	10000	1800	1800	8200
2-йил охири	10000	1800	3600	6400
3-йил охири	10000	1800	5400	4600
4-йил охири	10000	1800	7200	2800
5-йил охири	10000	1800	9000	1000

Амортизацияни ҳисоблашнинг ушбу усулида амортизация ажратмаларининг миқдори бутун беш йил давомида бир хил, жамланган эскириш ва қолдиқ қиймати бир маромда ўзгаради. Қолдиқ қиймат баҳоланган тугатиш қийматига етмагунча камаяди.

Амортизацияни бажарилган ишнинг ҳажмига мутаносиб тарзда ҳисоблаш (ишлаб чиқариш) усули асосий воситаларнинг эскириши фақат улардан фойдаланиш натижасидир деган фаразга асосланади. Шунинг учун эскиришнинг йиллик миқдорини ҳисоблашда фойдали ишлатишнинг бутун муддати учун маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий миқдори ва аниқ бир йилда ишлаб чиқариш миқдори ҳисобкитоб қилинади.

Маҳсулот сифатида унинг ишлаб чиқарилган бирлиги миқдори, неча соат ишлагани, ташилган тонна-километр ва шу кабилар фойдаланиши мумкин.

Амортизация меъёри қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$\frac{\text{Дастлабки қиймат} - \text{Тугатиш қиймати}}{\text{Ишнинг тахмин қилинаётган ҳажми}}$$

Мисол.

Дастгоҳнинг дастлабки қиймати — 10 000 сўмни, беш йиллик фойдаланиш муддати охирига унинг тугатиш қиймати 1 000 сўмни, хизмат қилиш муддати 5 йилни ташкил қилади. Дастгоҳ 9 000 соатда маълум миқдордаги операцияларнинг бажариши мумкин.

Бир соатга амортизация харажатлари қуйидагича аниқланади:

(10 000 сўм – 1 000 сўм.) : 9 000 соат = 1 сўм/соат.

Амортизацияни ҳисоблаш жадвали қуйидагича кўринишга эга бўлади:

	Дастлабки қиймат	Соатлар	Амортизациянинг йиллик миқдори	Жамланган эскириш	Қолдиқ қиймати
Харид санаси	10000	—	—	—	10000
1-йил охири	10000	2000	2000	2000	8000
2-йил охири	10000	3000	3000	5000	5000
3-йил охири	10000	1000	1000	6000	4000
4-йил охири	10000	2000	2000	8000	2000
5-йил охири	10000	1000	1000	9000	1000

Амортизация ҳисоблашнинг ушбу усулида амортизациянинг йиллик суммаси ва иш бирлиги ёки фойдаланиш ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа кузатилади. Жамланган эскириш иш бирлиги ёки фойдаланиш (босиб ўтилган масофа)га тўғридан-тўғри боғлиқ ҳолда ҳар йили кўпайиб боради.

Амортизациянинг икки баравар кўпайтирилган меъёри билан камаядиган қолдиқ усули шуни назарда тутадики, ишлаб чиқариш йўналишидаги асосий воситаларнинг кўплаб турлари улардан фойдаланишнинг бошида кўпроқ самарали ишлайди ва юқори ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлади ва шунинг учун эскиришнинг кўп қисмини ҳисобдан чиқариш асосий воситалардан фойдаланишнинг охирида эмас, балки бошида амалга оширилиши керак (мувофиқлик принципига асосан).

Ушбу усулда ҳар қандай кўпайтан ставкадан (кўп ҳолларда икки баробарга кўпайтан) қўлланилади. Ушбу қайд қилинган ставка ҳар йилнинг охирида қолдиқ қийматига нисбатан ҳисобланади.

Мисол.

Дастгоҳнинг дастлабки қиймати — 10 000 сўмни, 5 йиллик фойдаланиш муддати охирига унинг тугатиш қиймати эса 1 000 сўмни, хизмат қилиш муддати 5 йилни ташкил қилади.

Агар 5 йиллик хизмат қилиш муддатида амортизация меъёри 20%ни ташкил қилса (100% : 5), амортизациянинг икки баравар кўпайтирилган меъёри билан камаядиган қолдиқ усулида у 40%ни ташкил қилади.

	Даст-лабки қиймат	Амортизациянинг йиллик суммаси	Жамлан-ган эс-кириш	Қолдиқ қиймати
Харид санаси	10000	—	—	10000
1-йил охири	10000	(40%×10000)=4000	4000	6000
2-йил охири	10000	(40%×6000)=2400	6400	3600
3-йил охири	10000	(40%×3600)=1440	7840	2160
4-йил охири	10000	(40%×2160)=864	8704	1296
5-йил охири	10000	296	9000	1000

Амортизациянинг қатъий меъёри доимо ўтган йилнинг қолдиқ қийматига нисбатан қўлланилган. Амортизация миқдори (биринчи йилда энг кўп) аста-секин камайиб бориб охирги йилда қолдиқ қийматини тугатиш қийматигача камайтириш учун зарур бўлган миқдор билан чекланади.

Йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усул) шундан иборатки, ҳар бир йилда амортизация меъёри амортизация муддатининг охиригача қолган амортизация қилинадиган қийматдаги улуш сифатида аниқланади. Бу улуш амортизация ажратмалари тугагунгача қолган тўлиқ йилларнинг миқдорини амортизация муддатини ташкил этувчи йилларнинг тартиб сони миқдорига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бу коэффициент фойдаланишнинг турли даврларида турлича, лекин амортизацияланаётган қийматнинг ўзгармас миқдорига қўлланилади. Кумулятив усулдан фойдаланишда амортизация ажратмаларнинг миқдори биринчи йилда кейинги йилларга нисбатан анча юқори.

Кумулятив усулда фойдаланиладиган кумулятив сонни қуйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$S = \frac{N \times (N+1)}{2},$$

бу ерда:

S — сонлар миқдори,

N — объектнинг тахмин қилинаётган хизмат қилиш муддати йилларининг сони.

Мисол.

Дастгоҳнинг дастлабки қиймати — 10 000 сўмни, 5 йиллик фойдаланиш муддати охирига унинг тугатиш қиймати эса 1 000 сўмни, хизмат қилиш муддати 5 йилни ташкил қилади.

Фойдаланиш йилларининг сони (кумулятив сон) 15ни ташкил қилади (1+2+3+4+5=15). Сўнг ҳар бир касрни 9 000 сўмга тенг (10 000−1 000=9 000) амортизацияланаётган қийматга кўпайтириш билан амортизациянинг ҳар йилги миқдори аниқланади: 5/15, 4/15, 3/15, 2/15, 1/15.

Ушбу ҳолда амортизация ажратмаларининг жадвали қуйидагича бўлади:

	Дастлабки қиймат	Амортизациянинг йиллик суммаси	Жамланган эскириш	Қолдиқ қиймати
Сотиб олинган сана	10000	—	—	10000
1-йил охири	10000	(5/15×9000)=3000	3000	7000
2-йил охири	10000	(4/15×9000)=2400	5400	4600
3-йил охири	10000	(3/15×9000)=1800	7200	2800
4-йил охири	10000	(2/15×9000)=1200	8400	1600
5-йил охири	10000	(1/15×9000)=600	9000	1000

Амортизациянинг энг катта миқдори биринчи йилда ҳисобланади. Шунга асосан эскиришнинг жамланган миқдори анча даражада ошади, қолдиқ қиймати эса ҳар йили амортизация суммасига камайиб бориб тугатиш қийматига етади.

Вақт бўйича фарқлар ҳисоби

Вақт бўйича фарқлар — бу Ҳисоб сиёсатига оид ва Солиқ кодекси меъёрларига асосан ҳисобланган амортизация орасидаги фарқлардир. Вақт бўйича фарқлар бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши керак.

Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар ҳисоб даромадидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади, тўланадиган даромад (фойда) солиғи эса солиқ солинадиган даромаддан келиб чиқиб ҳисобланади.

Солиқ солинадиган даромад ҳисоб даромадидан кўп бўлган ҳолларда солиқ бўйича ушбу фарқ миқдорига муддати узайтирилган қарз пайдо бўлади.

Даромад (фойда) солиғига оид вақт бўйича фарқ акс эттирилади. Муддати кечиктирилган қарз	
Дебет	Кредит
9810 «Даромадлар (фойда)га солинадиган солиқ бўйича харажатлар»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»
0950, 3210 «Вақт бўйича фарқлари билан кечиктирилган даромад (фойда) солиғи»	

Мисол.

Корхона биринчи йилда солиқ тўлагунга қадар 250 минг сўм фойдага эга («Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»нинг 170-қатори).

Амортизация ишлаб чиқариш усули бўйича ҳисобланди ва 130 минг сўмни ташкил қилди. Солиқ кодекси 23-моддаси меъёрлари билан ҳисобланган амортизация миқдори 100 минг сўмни ташкил қилди.

Ҳисоб сиёсати бўйича амортизация ва корхонада солиқ солиш мақсади суммалари ўртасидаги вақт бўйича фарқ 30 минг сўмни ташкил қилди (130−100). Ҳисоб даромади 250 минг сўмга, солиқ солинадиган фойда эса вақт бўйича фарқни ҳисобга олганда 280 минг сўмга тенг [250+(130−100)].

20%лик ставка бўйича ҳисобланган фойда солиғи 50 минг сўмни ташкил қилади (250×20%). Лекин бюджетга 56 минг сўмни ўтказиш керак (280×20%). Ушбу миқдорлар ўртасидаги фарқ (6 минг сўм) вақт бўйича фарқлар билан муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғидан иборат. Ушбу солиқ тўланиш даврига боғлиқ ҳолда 0950 ёки 3210-«Вақт бўйича фарқлари билан кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» ҳисобварақларида акс эттирилиши керак.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Муддати кечиктирилган солиқ, даромад солиғига оид вақт бўйича фарқ акс эттирилади	50 6	9810, 0950 3210	6410	81, 31	68

Солиқ солинадиган даромад ҳисоб даромадидан кам бўлган ҳолларда ушбу фарқ миқдорида муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар пайдо бўлади.

Даромад (фойда) солиғига оид вақт бўйича фарқ, узайтирилган мажбуриятлар акс эттирилади	
Дебет	Кредит
9810 «Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»
	6250 ёки 7250 «Вақт бўйича фарқлари билан муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар»

Мисол.

Корхона фаолиятнинг биринчи йилида солиқ тўлагунга қадар 280 минг сўм фойдага эга («Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»нинг 170-қатори).

Амортизация ишлаб чиқариш усули бўйича ҳисобланди ва 100 минг сўмни ташкил қилди. Солиқ кодекси 23-моддаси меъёрлари билан ҳисобланган амортизация миқдори 130 минг сўмни ташкил қилди.

Ҳисоб сиёсати бўйича амортизация ва корхонада солиқ солиш мақсадидаги суммалар ўртасидаги вақт бўйича фарқ 30 минг сўмни ташкил қилди (130−100). Ҳисоб даромади 280 минг сўмга, солиқ солинадиган фойда эса вақт бўйича фарқни ҳисобга олганда 250 минг сўмга тенг [280+(100−130)].

20%лик ставка бўйича ҳисобланган фойда солиғи 56 минг сўмни ташкил қилади (280×20%). Лекин бюджетга 50 минг сўмни ўтказиш керак (250×20%). Ушбу миқдорлар ўртасидаги фарқ (6 минг сўм) вақт бўйича фарқ билан муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлардан иборат. Ушбу солиқ тўланиш даврига боғлиқ ҳолда 7250 ёки 6250-«Вақт бўйича фарқлар билан муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар» ҳисобварақларида акс эттирилиши керак.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Муддати узайтирилган мажбуриятлар, даромад солиғи бўйича вақт бўйича фарқ акс эттирилади	50 6	9810	6410, 6250 7250	81	68

Эскиришни ҳисоблаб ёзишдаги ўзгартиришлар

Эскиришни ҳисоблаб ёзишдаги ўзгартиришлар қуйидагилар ҳисобига амалга оширилиши мумкин:

— асосий воситаларнинг тугатиш қиймати баҳоси, улардан фойдаланиш муддати ва уларга асосан эскириш ҳисобланадиган бошқа энг муҳим кўрсаткичлар ўзгарганда;

— эскиришни ҳисоблаш усули ўзгарганда;

— эскиришни ҳисоблашда йўл қўйилган хатолар тузатилганда.

Эскириш ҳисоблаб ёзишга асос бўлган муҳим кўрсаткичларнинг ўзгариши

Корхона асосий воситаларнинг ҳолатини яхшилаш ва, унинг хизмат муддатини узайтириш учун кейин қилинган капитал харажатларни, шунингдек бу муддатни қисқартирадиган технология ўзгартишларни ҳисобга олган ҳолда асосий воситаларнинг фойдали хизмати муддатини қайта кўриб чиқиши мумкин. Капитал қўйилмаларга фаолият кўрсатаётган объектларни замонавийлаштириш, таъмирлаш, техник қайта қуроллантиришга кетган харажатлар киради.

Асосий воситаларнинг дастлабки қийматини кўпайтириш фақат уларнинг дастлаб баҳоланган меъёрий кўрсаткичлари: хизмат муддати, ишлаб чиқариш қуввати ва шу кабиларни оширадиган ҳолатлари яхшиланган ҳолдагина амалга оширилади.

Асосий воситаларни сақлаш ва техник ҳолатни ушлаб туриш мақсадида асосий воситаларни таъмирлаш ва

улардан фойдаланишга кетган харажатлар жорий харажатларга киради.

Мисол.

Юк автомобили 1 700 минг сўмга сотиб олинган, унинг тугатиш қиймати 700 минг сўмни ташкил қилади. Юк автомобилининг 6 йил хизмат қилиши назарда тутилган эди. Амортизация қийматни бир маромда ҳисобдан чиқариш усули билан ҳисобланган. Лекин автомобилдан икки йил фаол фойдаланган-дан сўнг шу нарса маълум бўлдики, автомобиль яна фақат икки йилгина хизмат қилади. Ушбу икки йил охирига келиб автомобилнинг тугатиш қиймати 900 минг сўмга етади.

Амортизациянинг ҳар йилги миқдори 166 667 сўмни [(1 700 000—700 000) : 6], икки йил учун 333 334 сўмни ташкил қилди.

Автомобиль хизмат муддатини ва унинг тугатиш қийматини қайта кўриб чиқиш фойдаланишнинг қолган икки йилига ҳисоблаш керак бўлган амортизация қийматининг ўзгаришига олиб келди. Амортизациянинг ҳар йилги янги миқдори 466 666 сўмга тенг (1 700 000—333 334—900 000) амортизация қилиниши лозим бўлган қолдиқ қийматни қолган икки йилга тенг фойдаланиш хизмат муддатига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади.

Шундай қилиб, ҳисобланадиган эскиришнинг янги жорий қиймати йилига 233 333 сўмни ташкил қилади.

Эскиришни ҳисоб-китоб қилиш тамойили (ҳисоблаш усули) ўзгаришига асосий воситалардан фойдаланишдан кутилаётган иқтисодий фойда муҳим даражада ўзгарадиган бўлсагина йўл қўйилади («Асосий воситалар» 5-сон БҲМ-Снинг 27-банди).

Эскиришни ҳисоблаш методи шундай қилиб ўзгариши керакки, у ўзгарадиган жараённи акс эттириши керак. Эскиришни ҳисоблашнинг тўғри чизиқли усулидан тезлашган усуллардан бирига ўтиш амортизация қилинаётган ускунанинг янги, янада самарали намуналари пайдо бўлиши сабабли унинг маънавий эскириши тезлаши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Амортизация усулининг ўзгариши корхонанинг ҳисоб сиёсатини ўзгариши сифатида акс эттирилиши керак.

Амортизацияни ҳисоблаш усули ўзгарганда ўтган даврлар учун амортизация суммасини қайта ҳисоблаб чиқиш ва бу сабабли молиявий кўрсаткичларни тўғрилаб чиқиш керакми? Бизнинг фикримизча, бунинг ҳожати йўқ, чунки амортизация ажратмаларнинг аввал ҳисобланган миқдори ишлаб чиқариш харажатлари (давр харажатлари)га мос равишда ҳисобдан чиқарилган, улар корхона ҳисоботларини шакллантиришда ва солиқ солишда ҳисобга олинган эди. Жорий ва келгуси ҳисобот даврлар учун амортизация ажратмалари миқдорини ўзгартириш керак.

Эскиришни ҳисоблашдаги хатолар тоза арифметик ҳисоб-китоблар, активларнинг амортизация қилиниши керак бўлган қисмларини ҳисобга олмаслик ёки нотўғри бирламчи маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ. Ўтган даврларда йўл қўйилган хатоларни тузатиш шу даврнинг ўзига тўғрилаш проводкалари билан амалга оширилади.

Мисол.

Корхона бухгалтери ускуна бўйича амортизацияни ҳисоблашда хатога йўл қўйиб 20 000 сўмга кўп ҳисоблади. Бу кейинги даврга ҳисобот тайёрлашда маълум бўлди. Ушбу хато оқибатида 4 000 сўм суммада даромад солиғи тўланмаган эди (солиқ ставкаси 20%).

Бухгалтер хатоси билан эскириш нотўғри ҳисобланганлигини «Ҳисобот даврида тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» 8710-ҳисобварағи (87) сальдосини ва «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» 6410-ҳисобварағидаги («Бюджет билан ҳисоб-китоб») даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятларни тузатиш керак.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Йил бошига тақсимланмаган сальдонинг ўзгариши акс эттирилади	16 4	0230	8710 6410	02	87 68

Асосий воситаларга капитал қўйилмалар

Адлия вазирлигида 1998 йил 23 сентябрда 491-сон билан рўйхатдан ўтган «Асосий воситалар» 5-сонли БҲМС-нинг 18-бандига асосан корхона томонидан иқтисодий фойда олинган тақдирда асосий воситаларнинг дастлабки қиймати капитал қўйилмалар ҳисобига кўпайиши мумкин. Иқтисодий фойда деганда реконструкция қилинаётган ёки замонавийлаштирилаётган асосий воситаларнинг хизмат қилиш, сифат тавсифларининг кўпайиши ёки яхшиланиши тушунилади, масалан фойдали хизмат муддати, ускуна қувватининг ошиши, ишлатиш сифати ва шу кабилар.

Капитал қўйилмалар деганда корхонанинг

— асосий воситалар объектларини қуришга;

— кенгайтиришга;

— реконструкция қилишга;

— замонавийлаштиришга қилган харажатлари тушунилади.

Янги қурилишга асосий, ёрдамчи ва хизмат қилишга мақсадли янги ташкил қилинаётган корхоналар, бинолар ва ускуналарнинг, шунингдек фойдаланишга топширилганидан сўнг мустақил балансда бўладиган филиаллар ва алоҳида ишлаб чиқаришнинг янги ишлаб чиқариш қувватини ташкил қилиш мақсадида янги майдонларда олиб борилаётган объектлари қурилиш комплекси киради.

Агар корхона ёки иншоот қурилишини навбат билан амалга ошириш кўзланаётган бўлса, бунда янги қурилишга биринчи ва корхона (иншоот)ни тўлиқ ривожлантиришга барча лойиҳалаштирилган қувватлар фойдаланишга топширилгунча кейинги навбатдагилар киради.

Янги қурилишга шунингдек техник ва иқтисодий шароитлар бўйича мақсадга мувофиқ эмас деб тан олинган, шунингдек ишлаб чиқариш-технология ёки санитар-техник талаблар билан чиқариб олинаётганлари ўрнига корхонанинг янги майдонида шундай ёки янада кўп қувватли қурилиш киради.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтиришга фаолият кўрсатаётган корхонада (иншоотда) қўшимча ишлаб чиқариш қурилишлари, шунингдек қўшимча ёки янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиш мақсадида фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳудудларида ёки уларга

туташ майдончаларда асосий, ёрдамчи ва хизмат қилишга йўналтирилган фаолият кўрсатаётган алоҳида цехларни кенгайтириш ва янгиларини қуриш киради.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтиришга шунингдек уларнинг таркибига кирадиган, фойдаланишга топширилганидан сўнг мустақил балансда бўлмайдиган филиаллар ва ишлаб чиқаришларни қуриш киради.

Фаолият кўрсатаётган корхонани кенгайтиришда унинг ишлаб чиқариш қувватининг ўсиши (унумдорлиги, ўтказиш имконияти, бино ёки иншоотнинг сиғими) янги қурилиш йўли билан шунга ўхшаш қувватларни ташкил қилишга нисбатан жуда қисқа муддатда ва камроқ харажатлар билан амалга оширилиши керак, бир вақтнинг ўзида техник даража ўсиши ва корхонанинг умуман олганда техник-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланиши керак.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилишга илмий-техник тараққиёт ютуқлари асосида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий даражасини ошириш билан боғлиқ мавжуд цехларни ва асосий, ёрдамчи ва хизмат қилиш мақсадли объектларни қайтадан қуриш киради. Қоида бўйича, асосий мақсадли бинолар ва иншоотлар кенгайтирилмайди. Реконструкция қилиш умуман олганда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, сифатни яхшилаш ва маҳсулот номенклатурасини ўзгартириш мақсадларида корхонани реконструкция қилишнинг комплекс лойиҳаси бўйича амалга оширилади. Бунда бир вақтнинг ўзида ишлаётганларнинг меҳнат шароитларини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни яхшилаш билан уларнинг сони кўпайтирилмайди.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилишда қуйидагилар амалга оширилиши мумкин:

янги, юқори унумли ва техник кўрсаткичлари бўйича янада такомиллашган ускуна мавжуд биноларга сиғмаган ҳолларда асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи мақсадли алоҳида биноларни ва иншоотларни кенгайтириш;

номутаносибликни тугатиш мақсадида ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи мақсадли янги цехларни ва объектларни қуриш ва мавжудларини кенгайтириш;

фаолият кўрсатаётган корхона ҳудудида техник ва иқтисодий шароитларга асосан бундан буёғига фойдала-

нилиши мақсадга мувофиқ эмас деб топилиб тугатилаётган бинолар ва иншоотлар ўрнига худди шундай мақсадли янгиларини қуриш.

Реконструкциядан сўнг қуйидагилар таъминланиши керак: корхонада биринчи ўринда технология таркибий қисмларида номутаносибликни тугатиш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватининг ўсиши; кам чиқимли, чиқимсиз технологияларни ва ихчам ишлаб чиқаришни жорий қилиш; иш ўринлари сонини қисқартириш; меҳнат унумдорлигининг ўсиши; ишлаб чиқариш материаллари ва маҳсулот таннархининг камайиши; қўйилган фонд самарасининг ўсиши ва фаолият кўрсатаётган корхонанинг бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичларининг яхшиланиши.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни замонавийлаштиришга жисмонан эскирган ускуналарни кўпроқ самаралисига алмаштириш асосида алоҳида ишлаб чиқариш, цехлар ва участкаларнинг техник-иқтисодий даражасини ошириш, шунингдек умумзавод хўжаликлари ва қўшимча хизматларни такомиллаштириш борасидаги тадбирлар мажмуаси киради.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни замонавийлаштириш одатда ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтирмаган ҳолда алоҳида объектлар ёки сметалар бўйича амалга оширилади.

Замонавийлаштиришда мавжуд ишлаб чиқариш майдонларига ускуналар ва машиналар, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий воситаларини қўшимча ўрнатиш, табиатни сақлаш объектлари, иситиш ва вентиляция тармоқларини техник қайта жиҳозлаш, корхонани, цехларни ва қурилмаларни иссиқлик ва электр таъминотининг марказлашган манбаларига улаш ишлари амалга оширилиши мумкин.

Бунда жойлаштирилаётган янги ускунанинг ўлчами билан боғлиқ бўлган мавжуд ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини қисман қайта қуриш ва кенгайтириш, агар замонавийлаштириш бўйича ўтказилаётган тадбирлар билан боғлиқ бўлса мавжуд ёрдамчи ва хизмат қилишга йўналтирилган объектларни (масалан, омбор хўжалиги объектлари, компрессор, қозонхона, кислород ва бошқа объектлар) кенгайтириш ва янгиларини қуришга йўл қўйилади.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ТАЪМИРЛАШНИНГ ҲИСОБИ

Асосий воситаларни таъмирлаш турлари

Асосий воситаларнинг жисмоний хусусиятлари ва сифатини ошириш учун корхона уларни таъмирлаши мумкин. Таъмирлашга кетган харажатлар асосий ишлаб чиқариш воситаларини иш ҳолатида сақлаб туриш бўйича харажатларнинг бир қисми ҳисобланади.

Асосий воситаларни таъмирлашни режага асосан ўтказиш тавсия қилинади. Ушбу режа таъмирлашни талаб қиладиган асосий воситалар турлари бўйича пул кўринишида ва режали-олдини олиш таъмирлаш тизимида шаклланиши керак. Корхона таъмирлаш бўйича режани асосий воситаларнинг техник хусусиятларини, улардан фойдаланиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда мустақил ишлаб чиқади. Режали-эҳтиётдан қилинадиган таъмирлаш тизими транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш, машиналарга, ускуналарга, биноларга, иншоотларга техник хизмат кўрсатишни, яъни, мунтазам ва ўз вақтида асосий воситалар объектларининг муддатидан олдин эскиришининг олдини олиш ва уларни иш ҳолатида сақлашга қаратилган ишларни назарда тутади.

Режали-эҳтиётдан қилинадиган таъмирлаш тизимига:

— жорий таъмирлаш;

— ўртача таъмирлаш;

— капитал таъмирлаш киради.

Таъмирлашнинг турларга бўлиниши шартли бўлиб, бу олдин мавжуд бўлган жорий ва капитал таъмирлашга кетган харажатларни молиялаштиришнинг турли манбаларидан қоплаш билан боғлиқ.

Жорий таъмирлаш деб вақти-вақти билан бир йилдан кам бўлган даврда амалга ошириладиган таъмирлашни ҳисоблаш қабул қилинган. Унинг асосий мақсади — асосий воситалар объектларини иш ҳолатида ушлаб туриш.

Ўртача таъмирлашда таъмирланаётган агрегатни қисман қисмларга бўлиш ва тиклаш ёки деталларнинг бир қисмини алмаштириш амалга оширилади. Капитал таъмирлаш сингари унинг ҳам даврийлиги бир йилдан кўп вақтни ташкил қилади.

Капитал таъмирлаш деб даврийлиги бир йилдан кўп вақтда амалга ошириладиган таъмирлаш ҳисобланади.

Ускуналар ва транспорт воситаларини капитал таъмирлаш деб агрегатни тўлиқ қисмларга бўлиш, асосий ва корпусга оид деталларни ва тармоқларни таъмирлаш, барча эскирган деталлар ва тармоқларни янгисига, янада замонавийсига алмаштириш, агрегатни йиғиш, созлаш ва синаш амалга ошириладиган таъмирлашни ҳисоблаш қабул қилинган.

Бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлашда эскирган қурилмалар ва деталларни алмаштириш ёки уларни таъмирланаётган объектларнинг хизмат қилиш имкониятларини яхшилайдиган янада мустаҳкам ва тежамкорларига алмаштириш амалга оширилади, ушбу объектда хизмат қилиш муддати энг кўп бўлган (биноларнинг тошли ва бетонли пойдеворлари, ерости тармоқларнинг трубалари, кўприкларнинг тиргаклари ва шу кабилар) асосий қурилмаларни алмаштириш бундан мустасно.

Таъмирлашни (жорий, ўртача, капитал) ўтказишга кетган харажатлар деганда ускуна сифатининг янги параметрлари пайдо бўлишига олиб келмайдиган асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати давомида уларни ишчи ҳолатда сақлаб туриш ишлари қиймати назарда тутилади.

«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг 1.5.1.2-бандига асосан асосий ишлаб чиқаришнинг барча турдаги таъмирлаш харажатлари маҳсулотнинг таннархига киритилади.

Асосий воситалар ишлашининг аввал қабул қилинган меъёрий кўрсаткичларини яхшилайдиган харажатлар капитал қўйилмалар деб тан олинади ва «Капитал қўйилмалар» 0800-ҳисобварағида акс эттирилади. Ушбу харажатлар маҳсулот (иш, хизмат)нинг таннархига киритилмайди, балки объект дастлабки қийматининг кўпайишига ва захирадаги капиталга киради. Бундай харажатларни маҳсулот таннархига қўшиш солиқ солинадиган фойданинг камайишига олиб келади.

Таъмирлаш **пудрат ёки хўжалик усули** билан амалга оширилиши мумкин.

Пудрат усулида корхона таъмирлаш-қурилиш ташкилоти ёки таъмирлаш корхонаси билан пудрат шартномаси тузади.

Хўжалик усулида таъмирлаш ишлари корхонанинг ўз кучи ва маблағлари ҳисобига (таъмирлаш гуруҳи, таъмирлаш участкаси томонидан) амалга оширилади.

Таъмирлашга кетган харажатлар қуйидаги икки усул билан ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

— таъмирлаш бўйича барча харажатлар вужудга келиши билан ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилади;

— махсус резерв фонди ташкил қилинади, ушбу фонддан асосий воситаларни таъмирлашга кетган харажатлар бир маромда ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситаларни таъмирлашга кетган харажатларни таъмирлаш фонди ҳисобига ҳисобдан чиқариш

Таъмирлаш ишларини ўтказишга резерв фонди корхона томонидан Молия вазирлигининг рухсати билан ташкил қилинади. Резерв миқдори ҳар ойда маҳсулот таннархига корхона томонидан мустақил равишда белгиланадиган меъёрий миқдорда қўшилади. Резерв миқдорининг тўғри ташкил қилиниши ва ундан тўғри фойдаланиш вақти-вақти билан (йил охирида шартли равишда) сметалар ва ҳисоб-китоблар маълумотлари бўйича текширилади ва зарур бўлганда тўғриланади.

Резервга ажратмалар меъёри ҳар ҳисобот йилининг охирида қайта кўриб чиқилади ва зарур бўлган ҳолларда янги молиявий йилда ажратмалар миқдори кўпайиши ёки камайиши мумкин. Агар капитал таъмирлашга резерв қилинган маблағлар миқдори ушбу объектни таъмирлашга ҳақиқатда қилинган харажатлардан ошиб кетса, ошиб кетган маблағ миқдори сторно қилиниши керак; агар ҳақиқатда қилинган харажатлар резерв қилинган маблағ миқдоридан ошиб кетса, ошиб кетган сумма ишлаб чиқаришга йўналтирилган бошқа харажатлар таркибида акс эттирилади.

Корхона бўлажак харажатлар ва тўловлар резервларини Молия вазирлигининг рухсатисиз ҳам шакллантири-

ши мумкин, лекин фақат соф фойда ҳисобига (гумонли қарзлар бўйича резерв сингари). Резервлар миқдори қайта ҳисоб билан корхонанинг солиқ солинадиган базасига киритилиши керак бўлади, лекин ҳисобот йили охирида тузатишда улар (резерв миқдори ҳақиқатда сарфланган суммадан кўп) солиқ солинмайдиган бошқа операцион даромадлар таркибига киритилади.

Таъмирлаш фондини шакллантириш «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» 8910-ҳисобварағида акс эттирилади. Резервлаш 8910-ҳисобварақ кредити бўйича харажатлар ҳисоби ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ҳар ойда бир маромда амалга оширилади.

Корхона томонидан таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун фонд ташкил қилинди	
Дебет	Кредит
2010 «Асосий ишлаб чиқариш»	8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари»
2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»	
2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» ва бошқалар	

Хўжалик усули билан амалга оширилаётган асосий фондларни капитал ва жорий таъмирлаш бўйича харажатлар ҳисобини олиб бориш дастлаб 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ҳисобвараги дебети бўйича олиб борилади.

Пудрат усулида амалга оширилаётган капитал таъмирлашга корхона пудратчи билан шартнома тузади. Бу бўйича барча харажатлар 6010-«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Корхона томонидан асосий воситаларни таъмирлаш бўйича харажатлар резервлар ҳисобига ҳисобдан чиқарилди	
Дебет	Кредит
8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари»	2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» — хўжалик юритиш усули билан таъмирлашда
8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари»	6010 «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» — пудрат усули билан таъмирлашда

Йил охирига таъмирлаш харажатларига оид резерв қолдиқлари бўлиши мумкин эмас, яъни ҳисобот йилининг 31 декабрь ҳолатига резерв қолдиқлари ё фойдага қўшиб юборилиши ва 8910-ҳисобварақ дебети ва 9390-«Бошқа операцион даромадлар» ҳисобварағи кредитида акс эттирилиши ёки 2010, 2310 ёки 9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварақлари дебети ва 8910-ҳисобварақ кредити бўйича проводка билан таннарх бўйича ёзув билан сторно қилиниши керак. Асосий воситаларни таъмирлаш резервини ушбу тузатиш ҳисобланган резерв суммаси билан ҳисобот йилида капитал таъмирлашга амалда қилинган харажатларни таққослашдан келиб чиқиб амалга оширилади.

Корхона таъмирлаш фонди суммасига тузатиш киритади (резерв ҳақиқатда қилинган харажатлардан ошиб кетган)	
Дебет	Кредит
8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари»	9390 «Бошқа операцион даромадлар» — Молия вазирлигининг рухсати бўлмаганда
2010 «Асосий ишлаб чиқариш»	8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» — сторно усули, Молия вазирлигининг рухсати бўлганда
2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»	
2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»	

Ҳақиқатда қилинган харажатлар резервланган суммадан ошиб кетганда ошиб кетган сумма ишлаб чиқаришга йўналтирилган бошқа харажатлар таркибида акс эттирилади. Лекин ҳақиқий харажатлар таннархини меъёрий харажатларга ҳисобдан чиқаришга фақат таъмирлашнинг смета қиймати қайта кўриб чиқилганидан сўнг йўл қўйилади. Ҳисобдан чиқарилгунча ушбу суммалар 6010-ҳисобварақ кредити билан корреспонденцияда 3190-«Бошқа олдиндан тўланган харажатлар» ҳисобварағига ўтказилиши керак бўлади. Таъмирлаш фондида маблағлар йиғилган сари харажатларни келгуси давр харажатлари ҳисобидан 8910-ҳисобварақ дебетига ҳисобдан чиқариш амалга оширилади.

Корхона таъмирлаш фонди суммасини тузатиш киритади (резерв ҳақиқий харажатлардан кам)	
Дебет	Кредит
3190 «Бошқа олдиндан тўланган харажатлар»	6010 «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»
8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари»	3190 «Олдиндан тўланган бошқа харажатлар»

Мисол.

Раҳбар томонидан тасдиқланган таъмирлаш ишларининг сметаси ва жадвалига асосан корхона 720 минг сўмни резерв ташкил қиляпти. Асосий воситаларни таъмирлаш ишлаб чиқариш жараёни тўхтамаган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилляпти. Ишнинг 408 минг сўмга тенг, шу жумладан ҚҚС 68 минг сўм, биринчи босқичи пудратчи томонидан II чорак охирига бажарилди. Ишнинг 330 минг сўмга тенг, шу жумладан ҚҚС 55 минг сўм, иккинчи босқичи IV чорак охирига топширилди. 95 минг сўмга тенг якунловчи ишлар корхонанинг ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмаси томонидан келгуси йилнинг бошида бажарилган эди. Корхонанинг ҳисоб сиёсати асосий воситаларни таъмирлашга резервни ташкил қилишни назарда тутган.

Капитал таъмирлаш бўйича ишларнинг тугалланиши таъмирланган, реконструкция қилинган ва замонавийлаштирилган объектларни АВ-3 шакли бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан амалга оширилади. Бунда иш ҳажмининг тўғри бажарилиши устидан назорат амалга оширилиши керак. Асосий воситаларни таъмирлашдан ўз вақтида қабул қилиб олишни назорат қилиш мақсадида инвентарь варақалари «Таъмирлашдаги асосий воситалар» гуруҳига ўтказилади. Асосий воситалар таъмирлашдан қайтганда инвентарь варақаларини жойи тегишли равишда ўзгартирилади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Ҳар ойда резерв фонди ташкил этилиши акс эттирилади	60	2010	8910	20	89
2	Пудратчи томонидан келгуси харажатлар резерви ҳисобига бажарилган капитал таъмирлашнинг биринчи босқичи бўйича харажатлар акс эттирилади	340	8910	6010	89	60
3	Ишнинг пудратчи томонидан бажарилган биринчи босқичи бўйича ҚҚС акс эттирилади	68	4410	6010	68	60
4	Пудратчи томонидан келгуси харажатлар резерви ҳисобига бажарилган капитал таъмирлашнинг иккинчи босқичи бўйича харажатлар акс эттирилади	275	8910	6010	89	60
5	Ишнинг пудратчи томонидан бажарилган иккинчи босқичи бўйича ҚҚС акс эттирилади	55	4410	6010	68	60
6	СТОРНО: Ортиқча ҳисобланган резерв суммаси сторно қилинади	105	2010	8910	20	89
7	Ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмаси томонидан бажарилган капитал таъмирлаш бўйича харажатлар акс эттирилади	95	2010	2310	20	23

Таъмирлаш резервини ташкил қилмасдан асосий воситаларни таъмирлаш бўйича харажатларни ҳисобдан чиқариш

Харажатларни таъмирлаш фондини ташкил қилмасдан таъмирлаш турларини ўтказишга йўналтиришнинг икки усули мавжуд:

— ҳақиқатда қилинган харажатлар;

— келгуси давр харажатлари ҳисобидан фойдаланган ҳолда.

Ҳисобга олишнинг биринчи усулида таъмирлаш ишларини ўтказишга кетган харажатлар уларнинг пайдо бўлиши билан акс эттирилади ва таъмирлаш ишлари ўтказилган даврнинг таннархига қўшилади. Амалга оширилган харажатлар объектдан фойдаланган жой ва ишни ўтказиш усулига (пудрат ёки хўжалик усули) боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш харажатлари (2010, 2310, 2510 ва бошқалар) ҳисоби ҳисобварақларига киритилади.

Хўжалик усулидан фойдаланганда таъминланиши лозим бўлган объект бўйича харажатлар харажатларнинг тегишли элементлари бўйича (моддий харажатлар, иш ҳақини тўлашга харажатлар ва шу кабилар) маҳсулотнинг таннархига қўшилади. Харажатлар аввал 2310-ҳисобварақда ҳисобга олинади, таъмирлаш ишлари тугаганидан сўнг барча харажатлар асосий воситалар объектларидан фойдаланиш жойини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш харажатларига киритилади.

Корхона хўжалик усули билан таъмирлаш фондини ташкил қилмаган ҳолда таъмирлаш ишларини амалга оширади	
Дебет	Кредит
2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»	1000 «Материаллар»
	6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар»
2010 «Асосий ишлаб чиқариш»	2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»
2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» ва бошқалар	

Мисол.

Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида (ЙТҲ) суғурталанган автотранспорт воситаси зарар кўрди. Суғурта ком-

панияси ташкилотга 1 300 минг сўм миқдорида суғурта тўловини тўлади. Ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмаси томонидан бажарилган автотранспорт воситасини таъмирлаш бўйича харажатлар 1 500 минг сўмни ташкил қилди.

Суғурта тўлов суммасини тўлаш учун ҳуқуқий асос бўлиб суғурта полиси ҳисобланади.

Моддий зарар етказилишига олиб келган йўл-транспорт ҳодисасининг содир этилганлиги ДАН органлари томонидан тасдиқланади ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома билан расмийлаштирилади. Баённоманинг бир нусхаси тузилганидан сўнг зудлик билан ҳуқуқбузарликни амалга оширган шахсга, шунингдек илтимосига асосан жабрланувчига топширилади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Суғурта компаниясидан олинган суғурта тўлови акс эттирилган	1300	5110	6510	51	65
2	Ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмаси томонидан суғурта ҳолатидан талафот сифатида автомашинани таъмирлашга қилинган харажатлар акс эттирилади	1300	6510	2310	65	23
3	ЙТҲ дан кўрилган, суғурта ташкилоти томонидан қопланмайдиган зарарлар акс эттирилади	200	9430	2310	26.3	23

Автомобилни суғурталаш суғурталашнинг мажбурий тури ҳисобланмайди. Шунинг учун Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1.3.2-бандига асосан суғуртанинг ихтиёрий турларига ажратмалар маҳсулотнинг таннархига қўшилади ва даромад солиғини ҳисоблашда қайта ҳисоб билан солиқ солинадиган базага киритилади (юқорида

номи келтирилган Низомнинг 1-сонли иловаси, 1.9-бандига қаранг).

ЙТҲ дан келган, суғурта ташкилоти томонидан қопланмайдиган зарарлар ҳам фойда солиғини ҳисоблашда қайта ҳисоб билан солиқ солинадиган базага киритилади (юқорида номи келтирилган Низомнинг 1-сон иловаси, 1.43-бандига қаранг).

Пудрат усулида амалда қилинган харажатлар харажатлар ҳисоби ҳисобварақларида таъмирланаётган объектнинг фойдаланиш жойига ва харажатлар тавсифига боғлиқ ҳолда ихтисослашган ташкилотлар томонидан ишларни бажариш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Корхона таъмирлаш фондини ташкил қилмаган ҳолда пудрат усули билан таъмирлаш ишларини амалга оширади		
	Дебет	Кредит
Пудрат ташкилотга бўнак пулининг ўтказиб берилиши	4330 «Берилган бошқа бўнаклар»	5110 «Ҳисоб-китоб варағи»
АВни таъмирлаш бўйича харажатларнинг бажарилган ишлар далолатномалари бўйича ҳисобдан чиқарилиши	2010 «Асосий ишлаб чиқариш» 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва бошқалар	6010 «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»
Бажарилган таъмирлаш ишлари бўйича ҚҚС ҳисобга олинади	4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»	6010 «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»
Бўнак ҳисобдан чиқарилади	6010 «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»	4330 «Берилган бошқа бўнаклар»

Таъмирлаш ишлари бир маромда амалга оширилмаган ва таъмирлашни ўтказишга сарфланган харажатлар алоҳида ҳисобот даврлари бўйича маълум даражада тебранишга эга бўлса, харажатларни таннархга бир маромда жойлаштириш учун 3190-«Олдиндан тўланган бошқа харажатлар» ҳисобварағидан фойдаланиш мумкин. Ҳисобга олишнинг ушбу усулида асосий воситаларни таъмирлаш

бўйича ҳақиқатда қилинган харажатлар бошқа ресурслар ҳисобварақлари, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ҳисоби ва бошқа ҳисобварақлар билан корреспонденцияда дастлаб 3190-ҳисобварақ дебети бўйича ҳисобга олинади. Кейинчалик корхона томонидан белгиланган ажратмалар меъёридан келиб чиққан ҳолда бир маромда маҳсулот таннархига ҳисобдан чиқарилади.

Мисол.

Корхона пудрат ташкилоти ёрдамида асосий воситалар объектларини таъмирлаш ишларини амалга оширяпти. Умумий қиймати 720 минг сўмлик (ҚҚС билан) барча ишлар ушбу йилнинг январь ойида бажарилган. Корхонанинг ҳисоб сиёсатида харажатларни 3190-«Олдиндан тўланган бошқа харажатлар» ҳисобварағидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш усули белгиланган (31-«Келгуси даврлар харажатлари»). Бунда таъмирлаш бўйича харажатларни ҳисобот йили давомида ҳар ойда асосий ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритиш кўзда тутилган.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Январь ойида бажарилган таъмирлаш ишларининг қиймати акс эттирилган	600	3190	6010	31	60
2	Таъмирлаш ишлари бўйича ҚҚС ҳисобга олинган	120	4410	6010	68	60
3	Харажатларнинг ҳисобот йили давомида ҳар ойда ҳисобдан чиқарилиши	50	2010	3190	20	31
4	Бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаш	720	6010	5110	60	51

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ИНВЕНТАРЛАШ

Умумий қоидалар

Асосий воситаларни инвентарлаш Адлия вазирлигида 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» 19-сон БҲМС-га асосан амалга оширилади. Ушбу БҲМС корхонанинг мол-мулклари ва молиявий мажбуриятларини инвентарлаш, шунингдек унинг натижаларини расмийлаштириш тартибини тўлиқ белгилаб беради.

Асосий воситаларни инвентарлаш қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

— асосий воситалар объектлари ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш;

— уларни ҳақиқатда мавжудлигини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш;

— асосий воситалар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобда тўлиқ акс эттирилганлигини текшириш.

Қуйидаги ҳолларда асосий воситаларни инвентарлаш шарт:

— мол-мулк ижарага берилганда, сотиб олинганда, сотилганда, шунингдек, давлат корхонаси ўзгартирилган (давлат тасарруфидан чиқарилган) чоғда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда;

— йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан, икки йилда камида бир марта, кутубхона фондлари эса беш йилда бир марта;

— асосий воситалар қайта баҳоланганда;

— моддий жавобгар шахслар алмашганда (ишларни қабул қилиш-топшириш кунида);

— ўғирлик ёки суиистеъмолликлар, шунингдек, асосий воситалар объектлари ишдан чиқариш ҳолатлари аниқланганда;

— табиий офатлар, ёнғинлар, фалокатлар ёки ғайритабиий шароитларни юзага келтирган бошқа фавқулодда вазиятлар юз берганда;

— хўжалик юритувчи субъект тугатилганда (қайта ташкил этилганда) тугатиш (ажратиш) балансини тузиш олдидан ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Умумий (жамоавий) моддий жавобгарлик шароитида инвентарлаш жамоа раҳбари ўзгарганда, жамоадан унинг эллик фоиздан ортиқ аъзолари чиқиб кетганда, шунингдек жамоанинг битта ёки бир нечта аъзоси талаби билан ўтказилади.

Асосий воситаларни инвентарлаш улар ҳар бирининг жойлашган жойи ва моддий жавобгар шахс бўйича ўтказилади.

Асосий воситалар инвентарлашнинг ўтказиш тартиби

Хўжалик юритувчи субъектларда инвентарлашни ўтказиш учун қуйидаги таркибда доимий фаолият кўрсатувчи инвентарлаш комиссиялари тузилади:

— хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки унинг ўринбосари (комиссия раиси);

— бош бухгалтер;

— бошқа мутахассислар (муҳандислар, иқтисодчилар, техниклар ва ҳоказолар).

«Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» 19-сон БҲМСга асосан инвентарлашни бошлашга қадар қуйидагиларни текшириш зарур:

— инвентарь варақалари, инвентарь дафтарлари ёки рўйхатларининг мавжудлиги ва уларнинг ҳолати;

— техник паспортлар ёки бошқа техник ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳолати;

— хўжалик юритувчи субъект томонидан ижарага, сақлашга ва вақтинча фойдаланишга топширилган ёки қабул қилинган асосий воситаларга доир ҳужжатларнинг мавжудлиги. Ҳужжатлар йўқ бўлса, уларнинг олиниши ёки расмийлаштирилишини таъминлаш зарур.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари ёки техник ҳужжатларда тафовутлар ёхуд ноаниқликлар аниқланган тақдирда уларга тегишли тузатишлар ва аниқликлар киритилиши керак.

Асосий воситаларни инвентарлашдан ўтказаётганда комиссия мажбурий тартибда объектларни кўздан кечиради ва инвентарлаш рўйхатларига уларнинг тўлиқ номи, вазифаси, инвентарь рақамлари ва асосий техник ёки фойдаланиш кўрсаткичларини қайд этади.

Ҳисобга қабул қилинмаган объектлар, шунингдек, ҳисоб регистрларида маълумотлар бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар кўрсатилган объектлар аниқланган тақдирда комиссия инвентарлаш рўйхатига ана шу объектлар бўйича етишмайдиган ёки тўғри маълумотларни ва техник кўрсаткичларни киритиши керак.

Ҳисобга олинмаган объектлар жорий қиймат бўйича баҳоланади, улар бўйича эскириш эса объектнинг ҳақиқий техник ҳолати бўйича белгиланади. Ҳисобга олинмаган объектларни баҳолаш ва уларнинг эскириши тўғрисидаги маълумотлар тегишли далолатномаларга киритилади.

Инвентарлаш комиссияси инвентарлаш вақтида аниқланган ҳисобга олинмаган объектлар қачон ва кимнинг фармойиши билан барпо этилганини, уларни барпо этиш харажатлари қаерга ҳисобдан чиқарилганини аниқлаши ва буни баённомада акс эттириши шарт.

Асосий воситаларни инвентарлаш натижаларини ҳужжатлар билан расмийлаштириш ва ҳисоб-китобини олиб бориш

Асосий воситалар инвентарлаш рўйхатига (Адлия вазирлигида 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» 19-сон БҲМСга 6-сон илова) объектнинг асосий вазифасига мувофиқ номлари бўйича қайд этилади. Бунда асосий воситалар объектларининг қиймат нархи кўрсатилган рўйхатга асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномасидан, асосий воситалар объектларини қайта баҳолаш бўйича ишлаш жадвали, асосий воситалар ҳисобини олиб бориш инвентарь варақасидан киритилади (АВ-6-сон шакл).

Инвентарлаш жараёнида аниқланган ортиқча асосий воситалар кирим қилиниши ва корхонанинг молиявий натижаларига ёки бюджет ташкилотини молиялашни (фондларни) кўпайтиришга қайд этилиши, кейинчалик ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар аниқланиши керак.

Инвентарлаш натижалари инвентарлаш тугаган ойдаги ҳисоб ва ҳисоботда, йиллик инвентарлашда эса йиллик молиявий ҳисоботда акс эттирилиши керак.

жараёнида аниқланган натижалар рўйхатида умумлаштирилади («Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» 19-сон БҲМСга 5 ва 7-сон иловалар).

Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор моллар, парранда ва асалари оилалари, кўп йиллик ўсимликлар, кўчатзорлар инвентарланганда қишлоқ хўжалик корхоналари учун тасдиқланган рўйхат шакллари қўлланилади.

Инвентарлаш рўйхатлари ҳисоблаш техникаси ёки қўлда тўлдирилиши мумкин.

Инвентарлаш рўйхатлари аниқ ва равшан қилиб тўлдирилиши, уларда ҳеч қандай ўчириш ва тузатиб ёзишлар бўлмаслиги керак.

Рўйхатларнинг барча нусхаларида хатоларни тузатиш нотўғри ёзувлар устига чизиш ва чизилганлари устига тўғри ёзувларни қўйиш йўли билан амалга оширилиши керак. Тузатишлар таъкидланиши ва инвентарлаш комиссиясининг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланиши керак.

Инвентарлаш рўйхатларида тўлдирилмаган сатрларни қолдиришга йўл қўйилмайди. Рўйхатларнинг охирги варақларида тўлдирилмаган сатрлар устига чизиб қўйилади.

Мисол.

Қозонхонада ёнғин сабабли келиб чиққан ҳалокат туфайли мол-мулк йўқ бўлиб кетиши ва шикастланиши сабабли мажбурий инвентарлаш ўтказилган эди. Инвентарлаш натижасида ёнғин натижасида йўқ бўлиб кетган ва шикаст етган машиналар ва ускуналар аниқланди.

Ёнғин оқибатларини бартараф этиш ва шикаст етган асосий воситаларни тиклаш учун бошқа ташкилот билан жорий таъмирлаш ишларини бажаришга шартнома тузилган эди. Ишни бажариш учун 30 минг сўм миқдорда бўнак пули ўтказилиб берилган. Асосий фондларни таъмирлаш нархи 198 минг сўм, шу жумладан, ҚҚС 33 минг сўмни ташкил қилган. Қозонхона мол-мулки суғурталанмаган. Айбдор шахслар аниқланмаган.

Корхонанинг ёнғин натижасида зарар кўрган асосий воситаларни таъмирлаш билан боғлиқ бўлган харажатлари Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 2.3.15.9-

бандига асосан бошқа операцион харажатларга киради ва корхонанинг даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда ҳисобга олинади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Олдиндан тўлов суммаси акс эттирилди	30	4330	5110	61	51
2	Бажарилган ишлар қиймати акс эттирилди	165	9430	6010	26.3	60
3	Ҳисобга қабул қилинган ҚҚС акс эттирилди	33	4410 6410	6010 4410	68	60
4	Олдиндан тўловнинг ҳисобга олиниши акс эттирилди	30	6010	4330	60	61
5	Бажарилган ишлар учун охирги тўлов акс эттирилди	168	6010	5110	60	51

Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товар (иш, хизмат)лар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (янги таҳрирда) 37-моддасига асосан ҳисобварақ-фактура бўйича олинган 33 минг сўм (165×20%) бўйича қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олиниши керак бўлади.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ ДАСТЛАБКИ ШАКЛЛАРИ

Асосий воситалар ҳаракати ҳисобини олиб бориш учун қуйидаги дастлабки шакллар қўлланилади:

№	Дастлабки ҳужжатнинг номи	Дастлабки ҳужжатнинг вазифаси
1	АВ-1-сонли шакл — Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш (ички ҳаракати) далолатномаси	Захира учун мўлжалланмаган ва монтажни талаб қилмайдиган асосий воситалар объектларини қабул қилиш-топширишни расмийлаштириш учун қўлланилади. Далолатнома ҳар бир объект учун бир нусхада тузилади, бухгалтерияга берилади ва асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентарь варақаларига ёзувлар киритиш учун асос бўлади. Далолатномага тегишли объектнинг техник ҳужжати илова қилинади. Бухгалтерия томонидан инвентарь варақаси тўлдирилганидан сўнг техник ҳужжат объект фойдаланиладиган цехга, бўлимга берилади.
2	АВ-3-сон шакл — Таъмирланган, реконструкция қилинган ва замонавийлаштирилган объектларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси	Асосий воситаларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва замонавийлаштиришдан сўнг қабул қилиш-топширишни расмийлаштиришда қўлланилади. Далолатнома икки нусхада тузилади, асосий воситаларни қабул қилаётган корхона ва таъмирлаш, реконструкция қилиш ва замонавийлаштириш ишларини бажарган корхона вакиллари томонидан имзоланади ва корхона бухгалтериясига берилади. Бухгалтерия асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентарь варақаларига амалга оширилган таъмирлаш, реконструкция қилиш ва замонавийлаштириш ишлари тўғрисидаги ёзувларни киритади. Асосий воситаларнинг тегишли объекти техник паспортига объектнинг таъмирлаш, реконструкция қилиш ва замонавийлаштириш билан боғлиқ бўлган тегишли ўзгартишлари ёзилади. Далолатноманинг бир нусхаси таъмирлаш ишларини амалга оширган корхонага берилади.

№	Дастлабки ҳужжатнинг номи	Дастлабки ҳужжатнинг вазифаси
3	АВ-4-сон шакл — Асосий воситаларни тугатиш далолатномаси	Асосий воситаларнинг алоҳида объектлари тўлиқ ёки қисман тугатилганда чиқиб кетишини расмийлаштиришда қўлланилади. Далолатномада асосий воситаларни тугатиш бўйича харажатлар ва чиқиб кетиши натижасида олинган моддий бойликлар қиймати акс эттирилади. Далолатнома корхона раҳбари томонидан тайинланган комиссия томонидан икки нусхада тузилади. Далолатноманинг биринчи нусхаси бухгалтерияга берилади, иккинчиси моддий жавобгар шахсда қолади ва тугатиш натижасида қолган эҳтиёт қисмлари, материаллар, металл чиқиндилари омборга топшириш учун асос бўлиб хизмат қилади.
4	АВ-4а-сон шакл — Транспорт воситаларини тугатиш далолатномаси	Юк ёки енгил автомобиль, тиркама ёки ярим тиркама тугатилганда ҳисобдан чиқаришни расмийлаштириш учун қўлланилади. Далолатнома икки нусхада тузилади ва корхона раҳбари томонидан тайинланган комиссия томонидан имзоланади. Бир нусхаси бухгалтерияга берилади, иккинчиси моддий жавобгар шахсда қолади ва тугатиш натижасида қолган моддий бойликлар ва металл чиқиндилари омборга топшириш учун асос бўлиб хизмат қилади
5	АВ-6-сон шакл — Асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентарь варақаси	Асосий воситалар ҳисобини олиб бориш инвентарь варақаси қуйидагилар учун қўлланилади: — асосий воситаларнинг алоҳида объектлари ҳисобини олиб бориш учун; — бир календарь ойида фойдаланишга топширилган ва бир хил ишлаб чиқариш хўжалик вазифасига, техник хусусиятларга ва қийматга эга бўлган асосий воситаларнинг бир хил турдаги объектларини гуруҳлаб ҳисоб-китобини олиб бориш учун. Инвентарь варақаси бухгалтерияда ҳар бир объектга ёки объектлар гуруҳига бир нусхада тузилади. Ҳисоб-китобни гуруҳлаб олиб боришда варақа асосий воситаларнинг алоҳида объектлари позицион ёзувлари йўли билан тўлдирилади.

№	Дастлабки ҳужжатнинг номи	Дастлабки ҳужжатнинг вазифаси
6	АВ-7-сон шакл — Асосий воситалар ҳисоби бўйича инвентарь варақалар рўйхати	Асосий воситаларнинг таҳлилий ҳисоби учун очиладиган инвентарь варақаларини рўйхатдан ўтказишда қўлланилади. Рўйхат инвентарь варақаларининг сақланиши устидан назоратни олиб бориш учун қўлланилади. Инвентарь варақалари рўйхати корхонанинг бухгалтериясида бир нусхада юритилади.
7	АВ-11-сон шакл — Асосий воситаларнинг инвентарь рўйхати	Кўп бўлмаган миқдорда инвентарь объектларига эга бўлган корхоналарда асосий воситалар барча турларининг объект бўйича ҳисобини юритиш учун қўлланилади.
8	АВ-14-сон шакл — Ускунани қабул қилиш тўғрисида далолатнома	Битта етказиб берувчи томонидан бир вақтда келиб тушган ва битта омборга кирим қилинган (битта таркибий бўлинмага берилаётган) битта ёки бир неча турдаги ускуналарга тузилади. Ускуна омборга тушганда уни сифатли қабул қилишнинг иложи бўлмаганда далолатнома ташқи кўриниш бўйича дастлабки ҳужжат ҳисобланади.
9	АВ-15-сон шакл — Ускунани монтажга қабул қилиш-топшириш далолатномаси	Ускунани монтаж ташкилотига топширишда қўлланилади. Далолатнома ускунани бошқа ташкилотга монтажга бериш ҳолатини тасдиқловчи ягона ҳужжат ҳисобланади. Ушбу далолатнома асосида ускунани бераётган ва қабул қилаётган тарафлар томонидан таҳлилий ва жамлама ҳисоб юритиш рўйхатларига (тегишли рўйхатлар, журнал-ордерлар ва шу кабилар) тегишли маълумотлар киритилади ва бухгалтерия ҳисоби ҳисоб-варақларига ёзувлар киритилади.
10	ИНВ-1-сон шакл — Асосий воситаларни инвентарлаш рўйхати	Асосий воситаларни инвентарлаш натижаларини расмийлаштириш ва ҳисобга олишда қўлланилади.
11	ИНВ-10-сон шакл — Асосий воситаларнинг тугалланмаган таъмирлашларини инвентарлаш далолатномаси	Аниқланган асосий воситаларнинг тугалланмаган таъмирлашларини инвентарлашни расмийлаштиришда қўлланилади.

№	Дастлабки ҳужжатнинг номи	Дастлабки ҳужжатнинг вазифаси
12	ИНВ 18-сон шакл — Асосий воситаларни инвентарлаш натижаларини солиштириш рўйхати	Солиштириш қайдномалари инвентарлаш даврида ҳисобга олиш маълумотларидан тафовут қилиш ҳоллари бўлган асосий воситалар объектлари бўйича тузилади. Солиштириш қайдномаларида бухгалтерия ҳисобга олиш маълумотлари ва инвентарлаш маълумотлари рўйхатлари (далолатномалар) маълумотлари ўртасидаги тафовутлар акс эттирилади.

2-бўлим. НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИНГ ҲИСОБИ ВА УЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Активларни номоддий активларга киритиш мезонлари

Номоддий активларнинг ҳисоби Адлия вазирлигида 1998 йил 20 октябрда 506-сон билан рўйхатдан ўтган «Номоддий активлар» 7-сон БҲМС билан тартибга солинади. Номоддий активлар деб юридик ҳуқуқлар, шу жумладан, мулк ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, хўжалик юритувчи субъект томонидан хўжалик фаолиятида фойдаланиш ёки бошқа-риш учун фойдаланиш мақсадида назорат қилинадиган, шунингдек узоқ вақт (бир йилдан кўп) ишлатиш учун мўлжалланган мол-мулк объектлари тан олинади.

Шундай қилиб қуйидагилар активларни номоддий сифатида тан олишнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

— моддий-ашёвий кўринишга эга бўлмаслиги;

— номоддий активнинг келажакда корхонага иқтисодий фойда (даромад) келтиришга қодирлиги;

— узоқ вақт, 12 ойдан кўп ишлатилиши. Яъни корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятида фойдаланиш муддати 12 ойдан кам бўлган интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқ номоддий активлар таркибига киритилиши мумкин эмас;

— корхона ушбу активни кейинчалик қайта сотишни режалаштирмайди. Акс ҳолда уни яратишга кетган харажатларни «Асосий ишлаб чиқариш» 2010-ҳисобварағида («Асосий ишлаб чиқариш» 20-ҳисобварағи) ҳисобга олиш керак;

— маҳсулот ишлаб чиқаришда, иш бажаришда ёки хизмат кўрсатишда ёки корхонанинг бошқарув эҳтиёжида фойдаланиш. Номоддий активлардан маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш исботи бўлиб технологик ҳужжатлар, сметалар, ушбу номоддий активлар билан хўжалик операцияларини амалга оширганлиги ҳолатини қайд этадиган бошқа ҳисоб ҳужжатлари бўлиши мумкин;

— корхона томонидан бошқа мулкдан идентификация (ажратиш, бўлиш) қилиш мумкинлиги. Бир инвентарь объектининг бошқасидан идентификация қилинишининг асосий аломати бўлиб унинг маҳсулот ишлаб чиқаришда, иш бажаришда ёки корхонанинг бошқарув эҳтиёжлари учун мустақил вазифаларни бажаришни хизмат қилади;

— активнинг ўзининг мавжудлигини тасдиқловчи расмийлаштирилган ҳужжатлар ва корхонада интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг (патентлар, лицензиялар, гувоҳномалар, бошқа ҳимоялов ҳужжатлари) мавжудлиги.

Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим қилиш (олиш) билан боғлиқ операцияларнинг корхона бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши (маҳсулот ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқидан ташқари) ҳуқуққа эга бўлган шахс ва фойдаланувчи ўртасида тузилган лицензияли, муаллифлик ва шунга ўхшаш бошқа шартномалар асосида амалга оширилади.

Лекин бунда бухгалтерия ҳисобида капитализация қилиниши ва амортизация механизми орқали қопланиши керак бўлган номоддий активлар сифатида фақат интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни сотиб олишга кетган харажатлар тан олинади

Номоддий активларнинг турлари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида номоддий активларнинг кўпинча икки гуруҳи:

— интеллектуал мулк объектлари;

— бошқа номоддий активлар учрайди.

Фуқаролик кодексининг 1031-моддасига асосан интеллектуал мулк объектларига қуйидагилар киради:

1) интеллектуал фаолият натижалари:

— фан, адабиёт ва санъат асарлари;

— эшиттириш ташкилотларининг ижролари, фонограммалари ва эшиттириш-кўрсатувлари;

— электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумот базалари;

— ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари;

— селекция ютуқлари;

— ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау);

2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:

— фирма номлари;

— товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

— товарлар ишлаб чиқарилган жой номи;

3) Фуқаролик кодексида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулкий ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектидан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади.

Ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билан йўл қўйилади.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк объектидан бошқа шахс фойдаланишига рухсат беришга ҳақли ва, агар бу ушбу Кодекс ва бошқа қонунларнинг қоидаларига зид бўлмаса, уларни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Яъни, номоддий активлар таркибида ҳисобга олинадиган интеллектуал мулк объектларига улардан фойдаланишнинг мутлақ ҳуқуқлари киради. Ва ушбу мезонга асосан номоддий активларга — интеллектул мулк объектларига қуйидагилар киритилиши керак:

— интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар;

— фуқаролик муомаласи қатнашчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш воситаларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар;

— интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижаларига ва фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг хусусий ало-

матларни акс эттирувчи воситаларига, товарларга, ишларга ва хизматларга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар.

Бошқа номоддий активларга ташкилий харажатлар ва фирманинг амалий мавқеини (фирманинг нархи ёки гудвилл) киритиш мумкин.

21-сон БҲМС 2-сон иловасида номоддий активларнинг қуйидаги таснифи келтирилган:

— патентлар, лицензиялар ва ноу-хау;

— товар маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари;

— дастурий таъминот;

— ер ва табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи;

— ташкилий харажатлар;

— франчайз;

— муаллифлик ҳуқуқлари;

— гудвилл;

— бошқа номоддий активлар.

Патент — тан олинган ва юридик рўйхатдан ўтган мутлақ ҳуқуқ. Патент ҳуқуқи патент жорий қилинадиган маҳсулотнинг алоҳида туридан, ўзига хос жараёндан, фаолиятдан патентнинг амал қилиш муддати давомида бош-қа шахслар томонидан аралашилмаган ҳолда фойдаланиш, уларни ишлаб чиқариш, сотиш ва назорат қилиш мутлақ ҳуқуқни мустаҳкамлайди. Патент ҳуқуқлари ҳақ эвазига сотиб олиниши мумкин. Бу ўз ичига маслаҳат ва юридик хизматлар, ҳужжатларни чоп этиш ва кўпайтиришга кетган қўшимча харажатларни ҳам олади.

Ноу-хау — «ишлаб чиқариш сирлари», техник, иқтисодий, маъмурий, молиявий ва бошқа хусусиятли маълумотларни ўз ичига оладиган тўлиқ ёки қисман махфий билимлар, тажриба, малакалар. Ноу-хау лойиҳалаш, ҳисобкитоб, қурилиш ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар ўтказиш, материаллар, буюмлар таркиби ва рецепти ва бошқалар бўйича патентланмаган билимлар ва жараёнлар, амалий тажриба, услублар, усуллар ва малакалар, шунингдек дизайн, маркетинг, бошқарув, иқтисод соҳаларида тажриба бўлиши мумкин. Ноу-хау корхона муассислари томонидан корхона иштирокчилари ёки муассислари келишуви билан белгиланган қиймат бўйича корхонанинг устав капитали

га киритилиши мумкин. Ноу-хауни тижорат асосида бериш лицензия муносабатлари билан расмийлаштирилади.

Товар маркаси — компанияларни, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ёки хизматларни идентификация қилиш учун фойдаланиш ҳуқуқи билан рўйхатдан ўтган тимсол ёки ном. Товар маркаларини рўйхатдан ўтказиш эгалик қилишни асослаш учун амалга оширилади, рўйхатдан ўтгандан сўнг янгиланиши мумкин, бу эса уларнинг амал қилиш муддатини номуайян муддатга узайтиради. Ушбу ҳолда номлар, тимсоллар ёки маҳсулотнинг бошқа идентификациялари юридик жиҳатдан ҳимояланган.

Товар белгиси — бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгидир.

Товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда мутлақ ҳуқуққа, шунингдек, товар белгисига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишдан иборат мутлақ ҳуқуққа эга.

Тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Саноат намуналарига ҳуқуқ — буюмнинг ташқи кўринишини ифодалайдиган бадиий-конструкторлик ечимлардан (дизайн) фойдаланишга алоҳида имтиёзлар.

Дастурий таъминот — электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар ва маълумотлар базалари. ЭҲМ учун яратилган дастур — муайян натижа олиш мақсадида ЭҲМ, ЭҲМ тармоқлари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи. Маълумотлар базаси — объектив шаклда ифодаланган ҳамда ЭҲМ ёрдамида топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (масалан: мақолалар, ҳисоб-китоблар) мажмуи.

Ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи иштирокчиларнинг корхона устав капиталига улуш қийматининг бир қисми бўлиши мумкин. Ушбу ҳуқуқлар қиймати корхона

ташкил қилинаётган ернинг баҳосига боғлиқ ва тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

Ташкилий харажатлар — корхонани ташкил қилиш даврида вужудга келадиган харажатлар. Ушбу харажатлар корхона фаолиятининг техник-иқтисодий асосини, таъсис шартномаларини ишлаб чиқиш, корхонани рўйхатдан ўтказиш бўйича йиғимларни тўлаш, маслаҳатчилар хизматлари, реклама тадбирлари ва бошқа харажатлардан ташкил топади, корхона фаолиятининг бошланғич давридаги операцион харажатлар ва нобудгарчиликлар бундан мустасно. Ташкилий харажатларнинг келгуси даврда фойда келтириши мумкинлиги ушбу харажатларни капитализация қилишга асос бўлади. Харажатларга кетган барча суммани фаолиятнинг биринчи йилига киритиш харажатларнинг даромадлар билан мос келмаслигига олиб келади. Ташкилий харажатлар одатда мустақил танланган вақт даврига амортизация қилинади (лекин кўпи билан беш йил ва корхона фаолияти муддати даврига).

Корхона фаолият кўрсатаётган даврда унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганлиги сабабли таъсис ва бошқа ҳужжатларни қайта расмийлаштириш, корхонани кенгайтириш, фаолият турини ўзгартириш, мансабдор шахслар имзолари намуналарини тақдим қилиш, янги штамплар, муҳрлар ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган корхонанинг харажатлари ташкилий харажатларга киритилмайди ва номоддий активлар таркибида ҳисобга олинмайди.

Франчайз — муайян формулалар, технологиялар ва ташқи кўринишдан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ. Франчайзлар аниқ йўналиш ва аниқ хизматлардан фойдаланишга бўлган ҳуқуққа эга бўлиш учун тақдим қилинади. Франшиза тўғрисидаги ҳар бир алоҳида контракт франшиза ҳақиқий бўлган вақт даврини, шунингдек франчайзор (имтиёзни тақдим қиладиган субъект) ва франчайзи (ушбу имтиёзни қабул қиладиган субъект)нинг ҳуқуқларини ва мажбуриятларини аниқлаштиради.

Муаллифлик ҳуқуқи — илмий, адабий, мусиқий ва бошқа асарлар муаллифларига муаллиф ҳаёт даврида ва муаллиф вафотидан сўнг 50 йил давомида давлат томонидан тақдим қилинадиган ҳимоя шакли. Муаллифлик ҳуқуқи эгаларига муайян эксклюзив ҳуқуқлар, шу жумла-

дан, ўз ишларини чоп этиш, қайта чоп этиш ва кўпайтириш, сотиш ва нусхаларни тақсимлаш ҳуқуқи тақлим қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи қиймати ҳақиқий қиймати бўйича рўйхатдан ўтказилади ва хизмат қилиш муддати давомида — муаллифлик ҳуқуқи жорий қилинадиган иш даромад келтирадиган даврда амортизация қилиниши керак.

Гудвилл (фирма баҳоси) — сотиб олинаётган (реализация қилинаётган) фирманинг маҳсулотни сотиш бозорларининг мавжудлиги, етказиб берувчилар билан йўлга қўйилган алоқалар, самарали менежмент, ишлаб чиқариш жараёнининг сирлилиги ва шу каби қулай тавсифлари сабабли вужудга келадиган бойликдан иборат.

Бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан гудвилл (фирма нархи) харидор корхона учун активларнинг ҳақиқий қийматидан кўп тўлаганда вужудга келади.

Номоддий активларнинг ҳисоб бирлиги

Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоб бирлиги бўлиб инвентарь объект ҳисобланади.

Номоддий активларнинг инвентарь объекти бўлиб битта патентдан, гувоҳномадан, ҳуқуқдан воз кечиш шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқлар жами ҳисобланади.

Бир инвентарь объектининг бошқасидан идентификация қилинишининг асосий белгиси бўлиб у томондан маҳсулот ишлаб чиқаришда, иш бажаришда ёки хизмат кўрсатишда ёки корхонанинг бошқарув эҳтиёжлари учун фойдаланишда мустақил вазифани бажариши ҳисобланади.

Номоддий активларнинг ҳуқуқий жиҳатларини тартибга солиш бўйича қонунчиликка оид ҳужжатлар

Номоддий активларнинг ҳуқуқий жиҳатларини тартибга соладиган асосий қонунчиликка оид ҳужжатларига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги 1060-XII-сон «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яра-

тилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги 272-I-сон «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майдаги 218-II-сон «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги 267-II-сон «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги 270-I-сон «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги 1062-XII-сон «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонуни.

Саноат мулкини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро шартномалар меъёрлари ва бошқалар.

Номоддий активлар билан операцияларда ҳужжатлар айланиши

Номоддий активлар келиб тушганда операцияларни расмийлаштириш

Номоддий активларни кирим қилиш қуйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширилади:

— фойдаланиш ҳуқуқи гувоҳномалари;

— патентлар;

— муаллифлик ёки лицензия шартномалари;

— воз кечиш шартномалари;

— номоддий активларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари;

— дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича ишларни қабул қилиш далолатномалари;

— илмий-тадқиқот ишлари дастурлари;

— лойиҳа-смета ҳужжатлари;

— активларни киритиш ва уларнинг қийматини келишиш тўғрисида таъсис шартномалари ва баённомалари;

— номоддий активларни текинга бериш шартномалари ва бошқалар.

Ҳар бир кирим қилинаётган номоддий актив объектига қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан НМА-1-сон шакл инвентарь варақаси очилади. Инвентарь варақаси корхонанинг бухгалтериясида бир нусхада юритилади.

Варақада дастлабки қиймат ва фойдали хизмат муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган меъёрлар бўйича ҳар ойда ҳисобланадиган амортизация суммаси кўрсатилади.

Номоддий активларнинг чиқиб кетишини расмийлаштириш

Номоддий активларнинг чиқиб кетиши чиқиб кетишнинг (ҳисобдан чиқарилиши) сабабларига боғлиқ ҳолда бухгалтерия ҳисобида турлича акс эттирилади. Дастлабки ҳужжатлар чиқиб кетаётган активларнинг сони ва қиймати, асосланган чиқиб кетиш сабаблари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши керак.

Қуйидагилар номоддий активларнинг чиқиб кетиши (ҳисобдан чиқариш) бўйича дастлабки ҳужжатлар ҳисобланади ва улар асосида бухгалтерия ҳисобига тегишли ёзувлар киритилади:

— сотишда — ҳуқуқлардан воз кечиш тўғрисидаги шартнома, ҳисобварақ-фактура, ҳуқуқдан воз кечиш қийматининг баҳоси тўғрисида мустақил баҳоловчининг хулосаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси; чиқиб кетиш (ҳисобдан чиқариш) тўғрисида далолатнома;

— фойдали хизмат муддати тугаганда ёки яроқсиз бўлганда — ҳисобдан чиқариш тўғрисида далолатнома;

— бошқа корхоналарнинг устав фондларига берилганда — таъсис ҳужжатлари, ҳуқуқлардан воз кечиш тўғрисида шартнома, ҳуқуқлардан воз кечиш қийматининг баҳоси тўғрисида мустақил баҳоловчининг хулосаси, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, чиқиб кетиш тўғрисида далолатнома;

— текинга берганда — ҳуқуқлардан воз кечиш тўғрисида шартнома, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, чиқиб кетиш тўғрисида далолатнома.

Корхона бухгалтерияси юқорида қайд этилган ҳужжатларга асосан НМА-1-сон ҳисобга олиш инвентарь варақасига активнинг чиқиб кетиши тўғрисида белги қўяди.

НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИНГ КЕЛИБ ТУШИШИ

Номоддий активларни ҳақ эвазига сотиб олиш

Номоддий активларнинг ҳақ эвазига сотиб олинган дастлабки қиймати бўлиб активни харид қилишда ҳақиқатда тўланган пул маблағлари ёки унинг эквивалентлари қиймати ёки активни фойдаланишга яроқли ҳолатга келтириш учун қилинган харажатлар ҳисобланади («Номоддий активлар» 7-сон БҲМС 11-банди).

Қуйидагилар номоддий активларни харид қилиш учун ҳақиқатда қилинган харажатлар бўлиши мумкин:

— лицензия ёки бошқа шартномаларга асосан тўланган суммалар;

— номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун ташкилотларга тўланадиган суммалар;

— рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, божхона божлари, патент божлари ва ҳуқуқ эгасидан мутлақ ҳуқуқларни сотиб олиш билан боғлиқ шунга ўхшаш тўловлар;

— корхона номоддий активларни сотиб олиш сабабли тўлайдиган қопланмайдиган солиқлар;

— номоддий активларни сотиб олишда ҳамкорлик қилган воситачи ташкилотларга тўланадиган ҳақ;

— номоддий активларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Номоддий активларни сотиб олишда номоддий активларни фойдаланишга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар (масалан, тайёрлов ишлари билан банд бўлган ходимларга иш ҳақи, ижтимоий суғуртага харажатлар, сарфланадиган ва бошқа материаллар ва ҳоказо) вужудга келиши мумкин. Ушбу харажатлар ҳам номоддий активларнинг дастлабки қийматига киритилиши керак.

21-сон БҲМСга асосан номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар узоқ муддатли инвестицияларга киради ва 0830-«Номоддий активларни сотиб олиш» ҳисобварағи дебетида акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақнинг ўзида номоддий активларни режалаштирилган мақсадда фойдаланишга яроқли ҳолатга олиб келиш билан боғлиқ барча харажатлар капитализация қилинади.

Номоддий активларнинг ҳисобга олиниши (фойдаланишга топширилиши) 0830-«Номоддий активларни сотиб олиш» ҳисобварағи билан корреспонденцияда 0410-0490-ҳисобварақлар дебетида акс эттирилади.

Корхона томонидан ҳақ тўлаб олинган номоддий активлар бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган	
Дебет	Кредит
0400 «Номоддий активлар»	0830 «Номоддий активларни сотиб олиш»

Мисол.

Корхона қиймати 1 000 минг сўмлик товар белгисига мутлақ ҳуқуқни сотиб олди. Бундан ташқари ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 150 минг сўм миқдорида товар белгисини сотиб олиш билан боғлиқ божхона тўлови ва маслаҳат хизматлари учун ҳақ тўланди.

Харид нархи, шунингдек, товар белгисига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун тўланган, уни сотиб олишда маслаҳатларга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар суммалари (1 150 минг сўм (1 000+150)) товар белгисининг дастлабки қиймати ҳисобланади. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товар (иш, хизмат) лар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг (янги таҳрирда) 36-бандига асосан товар белгисини сотиб олишда тўланган ҚҚС унинг дастлабки қийматига қўшилади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқ сотиб олинади	1000	0830	6010	04	60
2	Божхона тўлови ва маслаҳат хизматлари бўйича харажатлар акс эттирилади	150	0830	6010	04	60

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
3	Товар белгиси сотувчисига тўланган ҳақ акс эттирилади	1000	6010	5110	60	51
4	Божлар ва хизматлар ҳақи акс эттирилади	150	6010	5110	60	51
5	Товар белгисининг дастлабки қиймати аниқланди, фойдаланишга топширилди	1150	0420	0830		

Номоддий активларнинг корхона томонидан яратилиши

Корхона томонидан яратилган номоддий активларнинг астлабки қиймати амалда уни яратишга кетган харажатлар уммаси сифатида белгиланади. Бундай харажатларга сарфанган моддий бойликлар, меҳнатга ҳақ тўлаш, чет ташкилотларнинг биргаликда бажариш шартномалари бўйича хизматлари, патентлар, гувоҳномалар ва бошқаларни олиш билан оғлиқ патент божлари киради.

Номоддий активнинг амалдаги қийматини белгилашнинг иложи бўлмаганда ушбу харажатлар илмий тадқиқот шлари (ИТИ) ёки илмий тадқиқот ва тажриба-конструкорлик ишлари (ИТТКИ) бўйича харажатлар сифатида акс ттирилади.

Ихтирога бўлган ҳуқуқни патент, фойдали моделга ўлган гувоҳнома, саноат намунасига бўлган патент тасдиқайди. Патент расмий ҳужжат ҳисобланиб уни давлат номиан ЎзР Патент идораси беради. Патентда ихтиро муаллифарининг исмлари кўрсатилган бўлиши мумкин, лекин унга ўлган барча ҳуқуқлар ташкилотга тегишлидир.

Корхонанинг бухгалтерия ҳисобида номоддий активарни яратиш борасидаги барча амалдаги харажатлар 0890-Бошқа капитал қўйилмалар» ҳисобварағи дебети бўйича кс эттирилади.

Агар:

— хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг аниқ вазифасини бажариш тартибида олинган интеллектуал фаолият натижаларига мутлақ ҳуқуқ корхона-иш берувчига тегишли бўлса;

— иш берувчи ҳисобланмайдиган буюртмачи билан шартнома бўйича муаллиф (муаллифлар) томонидан олинган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқ корхона-буюртмачига тегишли бўлса;

— товар белгиси ёки товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига гувоҳнома корхона номига берилган бўлса номоддий активлар яратилган деб ҳисобланади.

Бунда шуни эсдан чиқармаслик керакки, қачонки яратилган номоддий активлар корхонанинг ўзи томонидан фойдаланилса, ушбу харажатлар капитал қўйилмалар ҳисобварақларида ҳисобга олинади. Агар номоддий активларни сотиш режалаштирилаётган бўлса, уни яратишга кетган харажатларни 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағида ҳисобга олиш керак.

Корхонанинг ўзи томонидан яратилган номоддий активлар бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган	
Дебет	Кредит
0400 «Номоддий активлар»	0890 «Бошқа капитал қўйилмалар»

Мисол

Ишлаб чиқариш корхонаси томонидан ўзининг ишлаб чиқаришида уч йил давомида фойдаланиш тахмин қилинаётган дастурий таъминот ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқиш давомида қилинган харажатлар 236,02 минг сўмни, шу жумладан ходимларнинг ойлик иш ҳақи — 160 минг сўмни, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар 59,52 минг сўмни, дастурий таъминотни ишлаб чиқишда фойдаланилган компьютерлар бўйича амортизация 16,5 минг сўмни ташкил қилди.

Барча қилинган харажатлар суммаси — 236,02 минг сўм корхона томонидан ишлаб чиқилган дастурий таъминотнинг дастлабки қиймати ҳисобланади. Улар дастурий маҳсулотни яратиш жараёнида кейинчалик 0430-«Дастур

рий таъминот» активига ҳисобдан чиқариш билан 0890-«Бошқа капитал қўйилмалар» ҳисобварағида капитализация қилиниши керак бўлади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	НМАни яратишда иштирок этган ходимларга ойлик иш ҳақи ҳисобланди	160	0890	6710	04	70
2	Бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар акс эттирилди	59,52	0890	6520	04	69
3	Шахсий компьютерларнинг амортизацияси ҳисобланди	16,5	0890	0250	04	02
4	НМА фойдаланишга топширилди	236,02	0430	0890		

Мисол.

Илмий-ишлаб чиқариш корхонаси ўта пишиқ газлама олишнинг янги усулини ишлаб чиқди. Корхона лабораторияси ходимлари техник ҳужжатларни тайёрлади, янги газлама намунасини тайёрлади ва синовдан ўтказди. Ишни бажарганлари учун лаборатория ходимларига 520 минг сўм миқдорида иш ҳақи тўланди. Ижтимоий суғуртага меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 37,2%лик ставка бўйича ажратмалар 193,44 минг сўмни ташкил қилди.

Патентни рўйхатдан ўтказиш учун бож нархи 22,675 минг сўмни, ихтирони экспертизадан ўтказиш учун тўланган ҳақ 15 минг сўмни ташкил қилди.

Ушбу ҳолда барча қилинган харажатлар суммаси — 751,115 минг сўм (520+193,44+22,675+15) активнинг дастлабки қиймати ҳисобланади, улар капитализация қилинганидан сўнг 0410-«Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Активни ишлаб чиқаришда иштирок этган ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар	520	0890	6710	04	70
2	Ижтимоий суғуртага ажратмалар	193,44	0890	6520	04	69
3	Ихтирони рўйхатдан ўтказиш ва экспертиза қилиш бўйича харажатлар	37,675	0890	6990	04	76
4	Патентни рўйхатдан ўтказиш ва экспертиза қилиш бўйича ҳақ тўлаш	37,675	6990	5110	76	51
5	Активнинг дастлабки қийматининг шаклланиши, фойдаланишга топширилиши	751,11	0410	0890		

Тадбиркорлар фаолиятнинг айрим турлари билан фақат махсус ваколатли органлар томонидан бериладиган лицензиялар (рухсатномалар) бўлгандагина шуғулланишлари мумкин. Ушбу қоида 2000 йил 25 майдаги 71-II-сон «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунда ва Олий Мажлиснинг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарори билан тасдиқланган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати»да белгилаб қўйилган. Рўйхатга амалга оширилганда фуқароларнинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига, соғлиқларига, жамият хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган фаолият турлари киритилган. Фаолиятнинг Рўйхатга киритилмаган бошқа барча турлари лицензияланмайди. Ушбу қоида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарорининг 1-бандида қайд этилган.

Лицензияни олишда лицензияловчи органлар томонидан аризани кўриб чиқиш билан боғлиқ (кўпи билан энг

кам иш ҳақининг беш бараваридан ошмайдиган миқдорда йиғим) ва бошқа харажатлар қилинади. Амалиётда бухгалтерлар бундай харажатларни кейинчалик номоддий активларга ўтказиш билан капитал харажатларга киритади.

Мисол.

Корхона фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия олди. Лицензияни олиш билан боғлиқ харажатлар 45 минг сўмни ташкил қилди, лицензиянинг амал қилиш муддати 5 йил.

Ишга юқорида келтирилган ёндашув билан қарағанда ҳисобда харажатларни акс эттириш бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси қуйидача бўлади:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Лицензия берадиган ташкилотнинг харажатлари тўланди	45	4390	5110	76	51
2	Лицензия олиш бўйича амалда қилинган харажатлар суммаси акс эттирилди	45	0830 0410	4390 0830	04	76

Лицензияни номоддий актив сифатида кирим қилиш шунга олиб келадики, корхона у бўйича ўрнатилган тартибда амортизация ҳисоблаши, шунингдек лицензия қийматини мол-мулк солиғини ҳисоблашда ҳисобга олиши керак.

Бизнинг фикримизча, бу унчалик тўғри ечим эмас, чунки фаолиятнинг алоҳида тури га лицензия — субъектга бошқа шахсга бериш ҳуқуқисиз бериладиган рухсатнома холос, у интеллектуал фаолият натижаси ҳисобланмайди, ўз-ўзидан, тан олиниши ва мутлақ ҳуқуқи Патент идорасида рўйхатдан ўтиш орқали тасдиқланадиган номоддий актив бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари, ушбу харажатлар «Номоддий активлар» 7-сон БҲМСнинг 19-

бандига жавоб бермайди. Ушбу бандга асосан номоддий актив ажраладиган бўлса актив сифатида тан олинади, яъни уни ишлаб чиқаришдан алоҳида фойдаланиш мумкин. Агар хўжалик юритувчи субъект ушбу активдан олинадиган алоҳида келгуси фойдани сотиши, алмаштириш ёки тақсимлаши мумкин бўлса актив ажраладиган ҳисобланади. Фаолиятнинг алоҳида тури билан шуғулланишга лицензияни эса сотиб ҳам бўлмайди, бошқа активга алмаштириб ҳам бўлмайди.

Демак, лицензия олиш билан боғлиқ харажатларни улар вужудга келганда ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқариш керак.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Лицензия берадиган ташкилот харажатлари тўланган	45	4390	5110	76	51
2	Лицензия олиш бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилган	45	2010	4390	20	76

Ташкилий харажатларга киритиладиган, кейинчалик «Ташкилий харажатлар» 0450-ҳисобварағи (04 «Номоддий активлар») бўйича ҳисобга олинадиган номоддий активларга киритиладиган корхонани таъсис қилиш (ташкил қилиш) даврида лицензия олиш бўйича харажатлар истисно бўлиши мумкин.

Номоддий активларнинг устав капиталига улуш сифатида келиб тушиши

Интеллектуал мулк объектларига бўлган қуйидаги ҳуқуқлар уларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда устав фондига киритилиши мумкин (қуйида кўрсатилаётган ҳуқуқлардан даромад олиш манбаи сифатида корхонанинг хўжалик фаолиятида албатта ишлатиш шарти билан):

— ҳуқуқ эгаси (патент эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси)нинг ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

— ҳуқуқ эгаси (гувоҳнома эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси)нинг товар белгиси, хизмат қилиш белгиси, товарлар келиб чиққан жой номига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

— муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг ЭҲМ ва маълумотлар базасига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

— муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг интеграл микросхемалар топологиясига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

— ўзининг хусусиятларига кўра ҳимоя ҳужжатларига эга бўлмаган интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ улар бевосита яратилганидан сўнг пайдо бўлади (ошкор этилмаган ахборот, ноу-хау, конструкторлик-технология ҳужжатлари, технологик регламент, рецептура ва шу кабилар).

Устав фондига юридик шахсни ташкил қилиш билан боғлиқ, таъсис шартномаларига асосан корхонанинг устав фондига улушнинг бир қисми деб тан олинган ташкилий харажатлар ҳам киритилиши мумкин.

Номоддий активларни устав капиталига улуш сифатида бериш учун корхона (жисмоний шахс) ушбу объектдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Демак, ҳуқуқни бериш гувоҳномани, патентни ёки лицензияни бериш шартномаси билан расмийлаштирилган ва амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлиши керак.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, алоҳида ходимларнинг билимини, тажрибасини, малакасини номоддий актив деб баҳолаш ва интеллектуал мулк сифатида устав капиталига бериш мумкин деб баҳолашга йўл қўйилмайди. Ўзининг интеллектуал имконияти ва малакасини бошқариш ҳуқуқи фуқаронинг шахсий, ўзгага берилмайдиган ҳуқуқи ҳисобланади.

Интеллектуал мулк объектини корхонанинг устав капиталига киритиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

1) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқнинг мавжудлигини ва тўғри расмийлаштирилганини экспертиза қилиш;

2) интеллектуал мулкни устав капиталига киритадиган ҳужжатларни тайёрлаш.

Интеллектуал мулкни устав фондига иштирокчининг улуши сифатида киритиш интеллектуал мулк объекти ҳуқуқ эгаси ва корхона раҳбари ўртасида лицензия шартномаси ёки шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади. Шартнома ёзма шаклда тузилган бўлиши ва Патент идорасида рўйхатдан ўтган бўлиши керак ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Шартнома рўйхатдан ўтмаса (тасдиқланмаса) ҳақиқий эмас деб ҳисобланади;

3) номоддий активларга бўлган ҳуқуқ берилганлигини ва интеллектуал мулк объектларининг устав капиталига улуш сифатида қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш;

4) интеллектуал мулк қийматини баҳолаш ва баҳолаш ҳужжатларини расмийлаштириш;

Хўжалик жамияти иштирокчиси улушининг пулдаги баҳоси жамият муассислари (иштирокчилари) ўртасидаги келишувга мувофиқ чиқарилади.

Агар номоддий актив акциядорлик жамиятининг устав капиталига улуш сифатида киритилаётган бўлса, бунда акциянинг ҳақи сифатида топширилаётган номоддий актив объектининг пулдаги баҳоси мустақил баҳоловчи (аудитор) томонидан чиқарилиши керак. Бунга ушбу йўл билан олинаётган акцияларнинг номинал қиймати қонунчиликка оид ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордаги иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этсагина йўл қўйилади (1996 йил 26 апрелдаги 223-I-сонли «Акция-дорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 33-моддаси).

Агар хорижий инвестицияли корхонанинг устав фондига дастлабки улуш сифатида интеллектуал мулк олинса, у ҳолда корхона 2001 йил 22 августдаги 347-сон «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 7-бандига асосан Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Илмий-техник ривожланиш бўйича Мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги Фан ва техника марказининг уни баҳолаш тўғрисидаги хулосасини тақдим этиши керак.

Номоддий активларнинг корхона устав капиталига улуш сифатида тушиши бухгалтерия ҳисобида қуйидаги чизма бўйича акс эттирилади:

Номоддий активларнинг корхонани устав капиталига улуш сифатида тушиши	
Дебет	Кредит
4610 «Муассисларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари»	8300 «Устав капитали»
0400 «Номоддий активлар»	4610 «Муассисларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари»

Мисол.

Масъулияти чекланган жамиятнинг устав капитали икки муассис: А корхона ва Б жисмоний шахс улушлари ҳисобига шаклланяпти. А корхона улуш сифатида 15 000 минг сўм пул маблағини, жисмоний шахс эса дастур маҳсулотига бўлган мутлақ ҳуқуқни киритади. Дастур маҳсулотининг қиймати тарафларнинг келишувига асосан 12 000 минг сўмга баҳоланган.

Номоддий активнинг устав капиталига улушни акс эттириш борасида бухгалтерия проводкалари қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Муассис А.нинг қарзи акс эттирилади	15000	4610	8330	75	85.1
2	Муассис Б.нинг қарзи акс эттирилади	12000	4610	8330	75	85.1
3	Муассис А.нинг улуши акс эттирилади	15000	5110	4610	51	75
4	Муассис Б.нинг улуши акс эттирилади	12000	0430	4610	04	75

Номоддий активларнинг текинга келиб тушиши

Номоддий активлар объектларининг текинга келиб тушиши бошқа мол-мулкнинг текинга келиб тушгани сингари акс эттирилиши керак. Тортиқ қилиш шартномаси бўйича текинга олинган номоддий активларнинг дастлабки қиймати уларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган санага бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Текинга олинган номоддий активларнинг бозор қиймати ушбу объектларнинг мазкур ёки шунга ўхшаш турларига бўлган нархлар асосида белгиланиши ёки эксперт йўли билан баҳоланиши мумкин. Бунда бозор нархларининг ҳужжатлар билан тасдиқланиши муҳим шарт ҳисобланади.

Солиққа оид қонун ҳужжатларига, хусусан, Адлия вазирлигида 2002 йил 13 мартда 1109-сон билан рўйхатдан ўтган «Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг (янги таҳрирда) 10«д»-бандига асосан текинга олинган номоддий активларнинг қийматига қабул қилаётган тарафда даромад солиғи солинади.

Агар номоддий активлар объектларини текинга бериш юқори ташкилот (вазирлик, концерн, бирлашма ва ҳоказолар) буйруғига кўра тизим ичида корхоналар ўртасида юз берса, улар даромад бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Номоддий активларнинг текинга келиб тушиши бухгалтерия ҳисобида қуйидаги чизма бўйича акс эттирилади:

Номоддий активларнинг текинга келиб тушиши	
Дебет	Кредит
0400 «Номоддий активлар»	8530 «Текинга олинган мол-мулк»

Номоддий активларни ҳукумат органининг субсидияси сифатида олаётган давлат корхоналари тушумни қуйидаги ёзув билан акс эттиради:

Номоддий активларнинг субсидия сифатида келиб тушиши	
Дебет	Кредит
0400 «Номоддий активлар»	8300 «Устав капитали»

Мисол.

Корхона томонидан компьютер маълумотлар базасидан икки йил давомида фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ текинга олинди. Номоддий активнинг қиймати 1 200 минг сўмни ташкил қилди.

Корхонанинг маълумотлар базасидан кейинчалик фойдаланиш учун тайёр ҳолатга келтириш борасидаги харажатлари 75 минг сўмни ташкил қилди, шу жумладан:

— меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурталашга ажратмалар билан — 28 минг сўм;

— моддий харажатлар — 47 минг сўм., шу жумладан ҚҚС — 7,8 минг сўм.

Текинга олинган номоддий активларнинг 1 275 минг сўмлик дастлабки қийматига (1 200+75) унинг қабул қилиш-топшириш ҳужжатларида кўрсатилган қиймати ва корхонанинг маълумотлар базасини фойдаланиш учун тайёр ҳолатга келтириш учун харажатлари киритилади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Компьютер маълумотлар базасига бўлган мутлақ ҳуқуқ олинган	1200	0430	8530	04	85.3
2	Маълумотлар базасини фойдаланиш учун тайёр ҳолатга келтириш учун қилинган харажатлар акс эттирилади	28	0830	6710, 6520	04	70, 69
3	Моддий харажатлар ҳисобдан чиқарилади	47	0830	1000	04	10
4	Номоддий активни фойдаланиш учун тайёр ҳолатга келтириш бўйича харажатлар активнинг дастлабки қийматига киритилган	75	0430	0830	04	75

НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИНГ ЧИҚИБ КЕТИШИ

Номоддий активларнинг уларни реализация қилиш сабабли чиқиб кетиши

Номоддий активлар ҳақ эвазига реализация қилиниши (сотилиши) мумкин. Патент эгаси саноат мулки объектларидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқни бериш тўғрисидаги шартномага асосан номоддий активни жисмоний ёки юридик шахсга бериш ҳуқуқига эга. Бундай шартномалар Патент идорасида рўйхатдан ўтган бўлиши керак, акс ҳолда улар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Ҳуқуқ эгаси фойдаланувчи билан унга интеллектуал мулк объектидан фақат фойдаланишга рухсат берадиган номутлақ ҳуқуқларни бериш бўйича шартнома тузиши мумкин. Ушбу ҳолатда корхона-ҳуқуқ эгаси балансидан тегишли номоддий активлар объектлари ҳисобдан чиқарилмайди (чунки унда интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқ сақланиб қолади). Ҳуқуқ эгасининг ҳисобида бундай номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланиши, мол-мулк солиғини тўлаш давом этаверади.

Номоддий активлар объектининг чиқиб кетиши бухгалтерия ҳисобида «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» 9220-ҳисобварағида акс эттирилади. Бунда ёзув батафсил киритилади:

— «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» 9220-ҳисобварағи дебети бўйича — номоддий активлар ҳисоби ҳисобварағида ҳисобга олинадиган объектнинг дастлабки қиймати ва уларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган харажатлар;

— «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» 9220-ҳисобварағи кредити бўйича — ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси, номоддий активларни реализация қилишдан тушумлар «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» 4010-ҳисобварағи билан корреспонденцияда.

«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» 9220-ҳисобварағи бўйича дебет сальдоси (зарар) ушбу ҳисобот даврида «Бошқа операцион харажатлар» 9430-ҳисобварағига, кре-

дит сальдоси эса «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан олинган фойда» 9320-ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

Номоддий активларнинг уларни реализация қилиш сабабли чиқиб кетиши (ҳисобдан чиқарилиши)		
	Дебет	Кредит
Номоддий активлар дастлабки қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	0400 «Номоддий активлар»
Ҳисобланган эскиришнинг ҳисобдан чиқарилиши	0500 «Номоддий активларнинг амортизацияси»	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
Номоддий активларни реализация қилишдан тушумнинг акс эттирилиши	4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
ҚҚС акс эттирилиши	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)»
Номоддий активларни реализация қилишдан зарарнинг акс эттирилиши	9430 «Бошқа операцион харажатлар»	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
Номоддий активларни реализация қилишдан фойданинг акс эттирилиши	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	9320 «Бошқа активларни реализация қилишдан олинган фойда»

Мисол.

Корхонанинг балансида асбобни ихтиро қилишга бўлган патент ҳисобда туради. Асбобнинг дастлабки қиймати — 1 700 минг сўм. Амортизацияси 850 минг сўмни ташкил қилади.

Корхона ҳуқуқдан воз кечиш бўйича шартнома тузди, ушбу шартномага асосан ихтирога бўлган патент 2 500 минг сўмга, (шу жумладан ҚҚС) бошқа ишлаб чиқариш корхонасига берилган.

Патентдан воз кечиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш учун 200 АҚШ долларига эквивалент миқдорда божхона олинади. Божхона тўлаш даврига долларнинг курси 1 АҚШ доллари учун 883,36 сўмни ташкил қилади.

Номоддий активларни реализация қилишда реализация нархи ва қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ солиқ солинади-

ган айланма ҳисобланади. ҚҚС суммаси 275 минг сўмни ташкил қилади.[{2 500–(1 700–850)}×20% : 120%].

Молиявий натижа 1 198,3 минг сўмни (2 500–275–176,7–850) ташкил қилади.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Номоддий активни реализация қилиш акс эттирилади	2500	4010	9220	62	48
2	ҚҚС акс эттирилади	275	9220	6410	48	68
3	Номоддий активнинг дастлабки қиймати ҳисобдан чиқарилади	1700	9220	0410	48	04
4	Ҳисобланган амортизация ҳисобдан чиқарилади	850	0510	9220	05	48
5	Патентдан воз кечиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш учун бож ҳисобланади (200$×883,36)	176,7	9220	6990	48	76
6	Бож тўланди	176,7	6990	5110	76	51
7	Молиявий натижа акс эттирилади	1198,3	9220	9320	48	80.3
8	Реализация қилинган номоддий актив учун тўланган маблағ келиб тушди	2500	5110	4010	51	62

Номоддий активларни текинга бериш

Корхона мулк ҳуқуқида унга тегишли бўлган номоддий активлар объектларини текинга бериш ҳуқуқига эга.

Товарлар (ишлар, хизматлар)га бўлган мулк ҳуқуқини бундай бериш (тортиқ қилиш) уларни реализация қилиш деб ҳисобланади ва уларга қўшилган қиймат солиғи со-

линади. Яъни номоддий активларни текинга бериб корхона ушбу битимдан ҚҚС ҳисоблаши ва уни бюджетга тўлаши шарт. Солиқ солинадиган айланма бунда «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг (янги таҳрири) 11-бандига асосан берилишда шаклланган нарх билан ва қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни текинга беришда ҚҚСни уларни бераётган корхона тўлайди.

Номоддий активларни текинга беришда проводкаларнинг умумий чизмаси:

Номоддий активларнинг текинга берганда чиқиб кетиши		
	Дебет	Кредит
Номоддий активлар дастлабки қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	0400 «Номоддий активлар»
Ҳисобланган эскиришнинг ҳисобдан чиқарилиши	0500 «Номоддий активларнинг амортизацияси»	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)»

Мисол.

Корхона 2003 йил январь ойида тортиқ қилиш шартномасига асосан ўқув юртига инсоннинг интеллектуал имкониятларини белгилаб берадиган асбоб ихтиросига бўлган патентни берди. Асбобнинг дастлабки қиймати 17 000 минг сўмни, ҳисобланган амортизация 5 700 минг сўмни ташкил қилди. Патентни рўйхатдан ўтказиш бўйича харажатларни ўқув юрти тўлайди.

Ушбу ҳолатда ҚҚС суммаси активнинг қолдиқ қийматидан белгиланади ва 2 260 минг сўмни ташкил қилади [(17−5,7)×20]. ҚҚС суммасини ҳисоблаш қолдиқ қиймати бўйича амалга оширилган, чунки патентни берии 2003 йил январь ойида амалга оширилган. 2003 йил 9 майдан текинга

беришда ҚҚС объекти бўлиб активни беришда вужудга келган нарх ва унинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Номоддий активни текинга беришдан корхона кўрган 13 560 минг сўм (2 260+11 300) миқдоридаги зарар қайта ҳисоб билан «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг 1-сонли иловаси 1.39-бандига асосан даромад солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган базага киритилади.

Кўриниб турибдики, ушбу ҳолатда текинга бериш муҳим солиқ оқибатларига олиб келган. Шунинг учун корхона даставвал активларни текинга беришдан келадиган барча фойда ва харажатларни ҳисоблаб чиқиши керак.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Патентнинг дастлабки қиймати ҳисобдан чиқарилган	17000	9220	0410	48	04
2	Ҳисобланган амортизация ҳисобдан чиқарилган	5700	0510	9220	05	48
3	ҚҚС ҳисобланган	2260	9220	6410	48	68
4	Патентни беришдан молиявий натижа акс эттирилган	13560	9430	9220	26.3	48

Номоддий активларни устав капиталига улуш сифатида бериш

Корхона номоддий активларни бошқа ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида бериши мумкин. Номоддий активларни бундай бериш таъсис шартномаларига асосан бошқа муассислар билан келишилган нархда амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисобида номоддий активларнинг корхонанинг устав капиталига улуш сифатида чиқиб кетиши қуйидаги чизма бўйича акс эттирилади:

Номоддий активларнинг уларни улуш сифатида бошқа ташкилотларнинг устав капиталига беришда чиқиб кетиши		
	Дебет	Кредит
Номоддий активлар дастлабки қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	0400 «Номоддий активлар»
Ҳисобланган эскиришнинг ҳисобдан чиқарилиши	0500 «Номоддий активларнинг амортизацияси»	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
НМА устав капиталига улуш акс эттирилади	0600 «Узоқ муддатли инвестициялар»	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
Қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланиши	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)»

Қўшилган қиймат солиғи суммасининг ҳисобга олиниши кўзда тутилмаган номоддий активларнинг корхона устав фондига улуш сифатида чиқиб кетишида солиқ солинадиган айланма миқдори сотиш баҳоси билан қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқ кўринишида белгиланади (Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 22-банди) (янги таҳрирда).

Мисол.

Корхона томонидан бошқа ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида дастлабки қиймати 500 минг сўмлик интеллектуал мулк объектидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ киритилди. Ҳисобланган амортизация 200 минг сўмни ташкил қилди. Номоддий активнинг иштирокчилар билан келишилган қиймати 650 минг сўмни ташкил қилди.

ҚҚС улушнинг қиймати ва НМАнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ билан белгиланади ва 58,333 минг сўмга тенг [(650–300)×20 : 120].

Номоддий активларни уларни бошқа корхоналарнинг устав капиталига беришда жорий бозор қийматигача қайта баҳолаш даромад ҳисобланмайди, шунинг учун даромад (фойда) солиғи солинмайди.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Номоддий актив дастлабки қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	500	9220	0410, 0420, 0470	48	04
2	Ҳисобланган амортизациянинг ҳисобдан чиқарилиши	200	0510, 0520, 0570	9220	05	48
3	Номоддий активни улуш сифатида устав капиталига бериш акс эттирилади	650	0600	9220	06	48
4	ҚҚС суммаси акс эттирилади	58,333	9220	6410	48	68
5	Шартнома қийматининг баланс қийматидан ошиб кетиш суммаси акс эттирилади	291,66	9220	8510	48	85.3

Бухгалтерия ҳисобида номоддий актив-улуш қиймати уни бошқа корхонага бергунга қадар қўшимча баҳоланмаган эди. Шунинг учун активнинг қийматини ҳисобдан чиқариш дастлабки баҳоси — 500 минг сўм бўйича амалга оширилади, улуш суммаси эса шартнома нархи — 650 минг сўм бўйича акс эттирилади.

Бундай ҳолларда корхона солиқ тўловларини мақбуллаштириши мумкинлиги юқорида таъкидлаб ўтилган эди. Бунинг учун корхона — улуш қўювчи номоддий активларни қайта баҳолаш суммасини бухгалтерия ҳисобида уни бошқа ташкилотнинг устав капиталига бергунга қадар акс эттириши керак.

Бунда юқоридаги мисол кўрсаткичлари бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси ва ҚҚС суммаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Номоддий активни қўшимча баҳолаш акс эттирилади	150	0410	8510	04	85.3
2	Амортизация суммасини қўшимча баҳолаш акс эттирилади	60	8510	0510	85.3	05
3	Номоддий активнинг дастлабки қиймати ҳисобдан чиқарилади	650	9220	0410	48	04
4	Эскириш ҳисобдан чиқарилган	260	0510	9220	05	48
5	Улуш узоқ муддатли инвестициялар сифатида акс эттирилади	650	0610-0690	9220	06	48
6	ҚҚС ҳисобланади	43,3	9220	6410	48	68

Номоддий активни бошқа ташкилотларнинг устав капиталига улуш ҳисобига беришда бундай операциядан келган зарар корхонанинг солиқ солинадиган фойдасини камайтирмайди.

Мисол.

Корхона 2003 йил январь ойида 1 800 минг сўмга компьютер дастурига бўлган мутлақ ҳуқуқларни сотиб олди. 2003 йил апрель ойида компьютер дастурига бўлган ушбу ҳуқуқлар бошқа ташкилотнинг (МЧЖ) устав капиталига улуш ҳисобига берилди. Таъсис шартномасига асосан ушбу улуш 1 500 минг сўм миқдорда баҳоланган эди.

Корхонанинг номоддий активларини амортизация қилиш тўғри чизиқли усул билан ҳисобланади. Компьютер дастурига мутлақ ҳуқуқларнинг фойдали хизмат муддати беш йил ҳисобидан ўрнатилган эди.

Номоддий активни бериш ҳолатига у бўйича (февраль ва март ойлари учун) 60 минг сўм миқдорида амортизация ҳисобланган эди (1 800 минг сўм × 20% : 12 ой × 2 ой).

Лекин бунда қуйидаги солиқ оқибатлари вужудга келади:

ҚҚС бўйича — қўшилган қиймат солиғи солинадиган айланма мавжуд эмас, чунки улушнинг нархи қолдиқ қийматидан паст [1 500–(1 800–60)]=–240 минг сўм;

фойда бўйича — номоддий активни бошқа ташкилотларнинг устав капиталига улуш ҳисобига беришда бундай операциялардан келган зарар корхонанинг солиқ солинадиган фойдасини камайтирмайди.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Дастурга бўлган мутлақ ҳуқуқ дастлабки қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	1800	9220	0430	48	04
2	Ҳисобланган амортизациянинг ҳисобдан чиқарилиши	60	0530	9220	05	48
3	Мутлақ ҳуқуқни улуш сифатида устав капиталига бериш акс эттирилиши	1500	0600	9220	06	48
4	Ҳуқуқни беришдан келган зарар акс эттирилиши	240	9430	9220	26.3	48

Корхона-ҳуқуқ эгаси ташкилот таъсисчилари таркибидан чиққанда, муассиснинг устав фондига улуши сифатида номоддий активни киритишда ҳуқуқ эгаси ва корхона раҳбари ўртасида тузилган шартнома объектни қайтариб олиш ёки уни устав капиталида сақлаш ва улушни пул маблағлари билан қоплаш эҳтимоли билан амал қилиш муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин. Ушбу ҳолатда корхона — ҳуқуқ эгаси корхонага шартнома (лицензия шартномаси) бўйича берилган ўз ҳуқуқларини амалга оширии ҳуқуқига эга:

— корхонанинг бошқа иштирокчилари ҳисобига воз кечиш;

— корхона юқори бошқарув органининг розилиги билан учинчи шахслар ҳисобига воз кечиш;

— корхонага текинга бериш;

— устав капитали таркибидан тўлиқ ёки қисман чиқариб ташлаш ва номоддий активдан корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланишни тақиқлаш;

— республиканинг амалдаги қонунчиликка оид ҳужжатларида назарда тутилган бошқа йўллар билан тасарруф қилиш.

Номоддий активларнинг фойдали хизмат муддати тугаши сабабли чиқиб кетиши

Номоддий активлар корхоналар томонидан уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган ҳар қандай мол-мулк сингари чекланган хизмат қилиш муддатига эга. Номоддий активлар буткул эскирганда ҳисобдан чиқарилади.

Бухгалтерия ҳисобида номоддий активларни ҳисобдан чиқариш қуйидаги чизма бўйича акс эттирилади:

Номоддий активларнинг ҳисобдан чиқарилиши		
	Дебет	Кредит
Дастлабки қийматнинг ҳисобдан чиқарилиши	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	0400 «Номоддий активлар»
Ҳисобланган эскиришнинг ҳисобдан чиқарилиши	0500 «Номоддий активларнинг амортизацияси»	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Мисол.

Корхона балансида 1998 йилдан «Бизнес-режани қандай тузиш керак» компьютерда ўргатиш дастурига бўлган мутлақ муаллифлик ҳуқуқи ҳисобда туради. Ушбу дастурнинг дастлабки қиймати 250 минг сўмни, ҳисобланган амортизация суммаси 189,6 минг сўмни ташкил қилади.

2002 йилда корхонанинг инвентарлаш комиссияси шуни белгиладики, дастур эскирганлиги сабабли ундан келажакда фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Номоддий активни яроқсизлиги сабабли ҳисобдан чиқариш махсус комиссиянинг далолатномаси асосида амалга оширилиши керак. Комиссия объектни ҳисобдан чиқариш сабабларини белгилаши (маънавий эскириш, маҳсулот ишлаб чиқариш учун узоқ муддат фойдаланилмаганлиги ва шу кабилар), бу тўғрисида тегишли далолатнома тузиши керак. Далолатномада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

— номоддий активнинг яратилган ёки сотиб олинган йили;

— объектнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган сана;

— фойдали хизмат муддати;

— дастлабки қиймат ва ҳисобланган амортизация суммаси;

— ҳисобдан чиқариш сабаби.

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			21-сон БҲМС бўйича		Эски ҳисобварақлар режаси бўйича	
			дебет	кредит	дебет	кредит
1	Номоддий активнинг ҳисобдан чиқарилиши	250	9220	0470	48	04
2	Ҳисобланган амортизациянинг ҳисобдан чиқарилиши	189,6	0570	9220	05	48
3	Молиявий натижа акс эттирилиши	60,4	9430	9220	80.3	48

Компьютер дастурига бўлган ҳуқуқни ҳисобдан чиқариш натижасида корхона 60,4 минг сўм миқдорида зарар кўрди. Корхона активларини ҳисобдан чиқаришдан келган зарарлар даромад солиғини ҳисоблашда Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомнинг 1-сон Иловаси, 1.39-бандига асосан қайта ҳисоб билан солиқ солинадиган базага тикланиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинган интеллектуал мулкнинг алоҳида объектларига ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатлари

Интеллектуал мулк объектлари	Ҳуқуқ амал қилинишининг бошланиш санаси	Асосий муддати (йил)	Узайтиргандан сўнг қўшимча муддат (йил)	Тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат
1	2	3	4	5
Ихтиро	Патент идорасига патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан	20 (патент бўйича)	кўпи билан 5 йил	«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонун (5-модда).
Фойдали модель		5 (патент бўйича)	кўпи билан 3 йил	
Саноат намунаси		10 (патент бўйича)	кўпи билан 5 йил	
Товар белгиси (хизмат қилиш белгиси)	Талабнома берилган санадан	10	Ҳар сафар 10 йилга (юқори муддат чегараланмаган ҳолда)	«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонун (21, 22-моддалар)
ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базаси	Чиқарилганлиги ёки чиқарилмаганлигидан қатъи назар, ЭҲМ учун дастурга, маълумотлар базасига учинчи шахслар қабул эта оладиган (хабар қила оладиган) объектив шакл берилган вақтдан бошлаб	Муаллифнинг бутун ҳаёти давомида	+50	«Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги (5-модда), «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунлар (37, 38-моддалар)

Интеллектуал мулк объектлари	Ҳуқуқ амал қилишининг бошланиш санаси	Асосий муддати (йил)	Узайтиргандан сўнг қўшимча муддат (йил)	Тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат
1	2	3	4	5
Интеграл микросхемалар топологиялари	Ҳужжатлар билан қайд этилган фуқаролик муомаласига энг олдин киритилган санадан ёхуд топология рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар расмий эълон қилинган санадан	10	Назарда тутилмаган	«Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун (14-модда)
Селекция ютуғи: ўсимликларнинг нави, ҳайвонларнинг зоти (қуйида келтирилганлардан ташқари)	Патент идорасининг расмий ахборотномасида селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумот эълон қилинган санадан	20	қўши билан 10	«Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонун (14-модда)
Селекция ютуғи: узум, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон дарахтларининг навлари, шу жумладан уларнинг пайвандтаглари		25	қўши билан 10	

Интеллектуал мулк объектлари	Ҳуқуқ амал қилишининг бошланиш санаси	Асосий муддати (йил)	Узайтиргандан сўнг қўшимча муддат (йил)	Тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат
1	2	3	4	5
Муаллифлик ҳуқуқи объектлари	Чиқарилганлиги ёки чиқарилмаганлигидан қатъи назар, асарга учинчи шахслар қабул эта оладиган (хабар қила оладиган) объектив шакл берилган вақтдан бошлаб	Муаллифнинг бутун ҳаёти давомида	+50	Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонун (37, 38-моддалар, «Турдош ҳуқуқлар» III боби)
Муаллифлик ҳуқуқи билан турдош объектлар	Омма олдида биринчи марта ижро этиш, ижрони ёзиб олиш вақтидан	50	Назарда тутилмаган	
Ноу-хау	Ноу-хауга учинчи шахслар қабул эта оладиган (хабар қила оладиган) объектив шакл берилган ва ноу-хауга тегишли бўлган ахборот махфийлигини сақлашга чоралар қабул қилинган вақтдан бошлаб	Муддатсиз (махфий сақланиш давомийлигига боғлиқ)		Фуқаролик кодекси (1095-модда); «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонун (23-модда)

ГУДВИЛЛНИНГ ҲИСОБИ

Фуқаролик кодексининг 85-моддасига асосан бутун корхона мулкий мажмуа сифатида кўчмас мулк ҳисобланади ва олиш-сотиш, гаровга қўйиш, ижара ҳамда тадбиркорлик фаолияти доирасида амалга ошириладиган бошқа битимларнинг объекти бўлиши мумкин.

Мулкий мажмуа бўлган корхона таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентарь, хом ашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек корхонани, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатларга (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари) бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, киради.

Корхонани харид қилиш (хусусийлаштириш) чоғида мазкур субъектни ташкил қиладиган ва харидор корхона томонидан баланс қиймати бўйича кирим қилинадиган активларнинг харид нархи ва ҳақиқий баҳоси ўртасида фарқ юзага келади. Бу фарқ гудвилл (фирма баҳоси, амалий мавқе) деб аталади. У бу битимдан келгусида иқтисодий фойда олишни кутаётган харидор корхона тўлайдиган нархга устама сифатида кўриб чиқилади.

Активларни ва сотиб олишда (хусусийлаштиришда) вужудга келган гудвиллни кирим қилиш қуйидаги чизма бўйича акс эттирилади:

Корхонани сотиб олишда (хусусийлаштиришда) гудвиллнинг (мусбат) вужудга келиши		
	Дебет	Кредит
Корхона сотиб олиниши акс эттирилади	0890 «Бошқа капитал қўйилмалар»	6010 «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисоб-варақлар»
